

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Қорақалпоқ давлат университети

Техника факультети

«архитектура ва шаҳарсозлик» кафедраси

Турар жой ва жамоат бинолари

ТИПОЛОГИЯСИ

фанидан маъруза матнлари

Нукус 2014

1-МАЪРУЗА

Турар жой ва хонадонларни танлаш ҳамда шакллантириш учун зарур талаблар ва шароитлар

Режа:

1. Турар – уй жой қурилиши тарихи.
2. Турар – уй жойнинг шаклланишида географик муҳит таъсири.
3. Миллий маданият ва урф – одатларни турар – уй жой бинолари тузулмасига таъсири.
4. Турар – уй жой ва хонадонларни танлашда ҳисобга олинishi керак булган талаблар.
5. Турар – уй жойларни қуришда табиат иқлим шароити.

Турар-уй жой қурилиши катта тарихга эга. .

Чунки одамзот пайдо булгандан бери у узини душманлардан йирткич хайвонлардан, совукдан ва иссиқдан саклаш учун уй-жой қурган, шунингдек уй-жой одамни дам олишга ва ишлашига асосий омил булиб хизмат қилган. Вақт утиши билан уй-жойнинг вазифаси функцияси такомиллашиб ва кенгайиб борган. Уй-жойлар меъморчилиги жамиятнинг социал шароитига вақтнинг руҳига ва бошқа шарт-шароитларга мослаша борган. У оддий чайла ёки гордан бизнинг давримизга келиб ҳозирги замон турар-уй-жойига яъни ҳозирги мав-жуд жихозлар билан такомиллашган объектга айланди.

Дастлабки пайтлардан иқтисод масалаларининг ночорлигидан ишчилар кучининг ва қурилиш материалларнинг етишмаслиги натижасида турар-уй жойларга эришиш жуда мушкул эди. Шунинг учун уша пайтда коммунал /жамоа-умумий/ уйлар қуриш масалалари уртага қуйилди. Комунал /яъни умумий уртадаги/ уйларнинг хусусияти шундаки унда бир уйга бир неча оилани хоналарга жойлаштириши натижасида эришилади. Яъни дахлиз ёки йулак орқали ҳар бир оила биттадан хонага жойлаштирилади. Ошхона ва ювиниш хонаси ва ҳожатхоналар бу ерда умумий булган.

Албатта бу хилдаги уйлар ҳеч қанақа қулайликка эга эмас, лекин бу уйлар уша қийинчилик пайтида уй-жой муаммосини ечишга қисман ёрдам берган эди. Яъни бошпанасиз оилалар шундай уйларга қучиб қиришга муваффақият булдилар.

2 ичи жаҳон урушидан кейин бу хилдаги уйлар аҳолига жуда қул келди, чунки уруш натижасида жуда қул уйлар вайрон булган эди.

Халқ хужалиги тиклангандан сунг турар-уй жойларининг янги хиллари барпо қилинди. Яъни фақат оилаларни хоналаргагина эмас балки хонадонларга /квартираларга/ жойлаштириш йуллари ишлаб чиқилди.

Ҳар бир оила учун алоҳида хонадонлар берилди бошланди. Бу хонадонларда аввалгидан фарқли уларок алоҳида, ҳожатхона, ювинадиган хона /обрезхоналар/ ва йулаклар мавжуд эди. Бу эса аҳолига аввалги коммунал умумий хоналарга нисбатан анчагина қулайликлар яратилишига олиб келди. Лекин бу ерда хонадан-хонага утиш принципи қулланила бошлади.

1955 йилларга келиб бир хонадондан иккинчисига утадиган хонадонлар урнига ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида-алоҳида хонали хонадонлар тузилмаси яратилди.

Бир-биридан утадиган хоналар урнига хоналари алоҳида қулхонали хонадонлар структурали тузилмалари ишлаб чиқилди.

Ҳар қандай турар-уй жойининг шаклланишига географик муҳит албатта катта таъсир қурсатган. Масалан шимол томонидан қурилган уйларда хонадонларнинг ички қисмини ташқи муҳитдан саклашга ҳаракат қилинган, чунки бу ерда энг асосий талаб бунинг акси булиб, уйларни иссиқдан ва уларни қизиб қетишдан саклаш керак булган. Шунингдек уйнинг ичкари қисмини ташқари муҳит билан ҳамоҳанг боғлаш керак булган. Шундай қилиб қарама-қарши талаблар асосида бир-бирига бутунлай ухшамаган шимол ва жануб уйларнинг тузулмасини /структураси/ пайдо булган.

Миллий маданият ва урф одатлари ҳам турар уй-жойларининг тузилмасига ва хилларига таъсир қилади. Шунинг учун иқлими бир булган жанубдаги уй-жойлар бири-бирига ухшаб қетса ҳам улар шу ердаги ерли халқнинг тарихий ва урф-одатларига қараб узғариб боради.

Шунинг учун узбек халқининг анъанавий турар-жойлари узининг иқлим-шароитига маданият даражасига ва урф одатларига ва бадий анъаналарига мослашган булган. Турар - уй жойларининг Ўзбекистонда қурилиш узининг тарихий анъанасига эга. Уйлар 2 хилда қурилган: миллий ва европа услида. Бу уйлар асосан шахсий ҳовлили уйлар булган. Ерли халқ ҳар бир вилоят узига ҳос шароитига мослашган уйлар қурган.

Бу уйлар уч хилга булинган: Бухороча уйлар, Фарғонача ва Хива услубида қурилган уйлар.

Бухоро уйлари феодал даврида жуда хам ривожланган булиб, зич курилишларни ташкил этган, улар кучага тескари яъни кучадан ажратилган холда ховли тарафга каратиб солинган хоналар бир-икки каватли булиб ховли атрофига зич курилган ва шундай килиб ховлида кучанинг иссик ва чангли хавосига караганда анча яхши ва салкинрок иклим шароити /микроклимат/ хосил килинган.

Хива уйлари хам ёпик фазовий уюшма шаклида яъни ховли атрофига курилган булиб унинг Бухородаги уйлардан фарқи шундаки унинг тархи яъни планида 2 хил айвон жойлашган. Бу айвонлар бир-бирига карама-карши жойлашган булиб, шимол тарафга каратиб курилган айвон баландрок булган ва у ёз пайтида шимол томондан эсаётган шамолни ховли томон йуналтириб ховлиларга микроклимат /яъни салкин хаво/ хосил килишга олиб келган. Фаргона уйлари эса, Фаргонанинг гузал водийларида пайдо булиб, ёпик характерини йукотган. У узининг тархида яъни лойихасида ичкари ховлиси йук булиб, айвон оркали богларга каратилган булган. Фаргона водийсида айвон ёз ойларида асосий хона булиб хизмат килган. Фаргона водийси ва Тошкент вилоятида айвонлар ойнабанд булиб бу хилдаги айвонлар /кашкарча усул/ деб аталган ва ахоли йил буйи шу айвонда истикомат килишган.

Шу юкорида айтиб утилган миллий уйлар оддий жихозлар ва усуллар билан шу оркали иклим - шароитида жуда яхши мослаштирилган булган.

Бу усуллар хозир хам меъморлар томонидан хозирги замон уйларини ташкил этишда яъни лойихалашда кенг кулланилиб келинмоқда.

Россиядан кучиб келган ахоли эса рус услубида уйлар курганлар. Бу уйлар 1 каватли булиб, якка тартибда алохида-алохида курилган.

Ўзбекистон иклим-шароитида бу уйларнинг тархига албатта катта-катта айвонларни богларга каратилган холда куришга харакат килинган. Бундай уйларнинг деворлари 80-90 см булиб, хом гиштдан терилган ва уйнинг ичида ёзда салкин ва кишда иссик булишига сабаб булган.

Бу уйларнинг паст каватли ва ховлига эга булиши шахарларнинг энига караб ушиб кетишига сабаб булган.

Ўзбекистонда Совет хокимияти даврида завод ва фабрикаларнинг курилиши бу ерда ахоли сонининг тез суратда уса бошлашига сабаб булган. Бу эса уз навбатида турар-уй-жойларида курилишни тез усишига олиб келди.

Эски шахарларнинг усиши билан бир каторда янги шахарлар хам вужудга кела бошлади. Уйларни сон жихатдан усишдан ташкари сифат жихатдан хам усиши пайдо булди. Шахарларда 2, 3, 4 каватли жихозланган турар уй жойлари пайдо була бошлади. Айниқса 2 нчи жахон урушидан кейин Ўзбекистонда уй - жой курилиши тез ривожланди. Бу курилишлар бир хил типик лойихалар билан олиб борилди.

Йирик-йирик турар уй жой нохиялари, дахалари барпо килинди.

Бу нохия ва дахалардаги уйлар 4, 9 каватли булиб хозирги замон жихозлари билан тула таъминланган /яъни канализация иссик сув ахлат ташаш жойи/.

Хозирги пайтда шу бир хил типик лойихаларнинг устида катта ишлар олиб бориляпти. Чунки бу лойихалар ва курилишлар хозирги замон миллий урф одатлари маданиятимиз тарихини талабларига жавоб бера олмаяпти. Шунинг учун булажак меъморлардан шундай лойихалар талаб килинадик, бу янги лойихалар бизнинг нафакат иклим-шароитимизга ва шунинг билан бизнинг минг йиллаб шаклланиб келган урф-одатимизга, маданиятимизга ва тарихимизга хам тула жавоб бера олишлари керак.

Турар-уй жой ва хонадонларини танлашда албатта хисобга олиниши керак булган талаблар куйидагилар:

- Ахолининг демографик таркиби.
- Оила аъзоларининг урф-одатлари ва хунарлари яъни канака иш билан машгул булишлари.
- Курилиш жойи.
- Курилиш жойининг табиат иклим шароити.
- Техника-курилиш асоси /базасини/ ахволи ва шароити.

Жумхуриятимизнинг шахарлари, вилоят ва нохияларнинг ахолисини таркиби яъни ахолининг ёши, оила таркиби ва эркак, хотин ва болаларнинг таркиби ва бошка шунга ухшаш омиллар эътиборга олиниши лозим. Бу эса бутун мамлакатимиз руйхати утказилгандан сунг аникланади.

Хар бир шахар, вилоят нохия ва кишлок учун уй-жой танлашда уларда яшайдиган ахолининг демографик таркибига караб хар-хил сонли нисбатлари олинади. Жумхуриятимиз ахолисининг демографик таркиби албатта бошка давлатлар курсатгичидан узгачадир. Айниқса бу курсатгич Болтик буйи ва Белоруссиядан катта фарк килади. Ўзбекистон бир йиллик ахолининг усиши 3% ни ташкил этади.

Мустакил давлатлар ҳамкорлигидаги давлатлар курсатгичга нисбатан бизнинг жумхуриятимизда куп болалик оилалар анча купрокдир. Бу эса уз навбатида куп хонали хонадонларни нисбий фоизини оширишга олиб келади. Куп болали оилалар айникса кишлок ахолисига мансубдир.

Турар уй-жойни тиклашда аҳолини кайси хунар билан машгул булиши хам энг асосий омиллардан биридир. Шунинг учун кишлок таъмирлаш зарур ва шахсий томоркали ховлили уй билан кулай богланган булишлари керак.

Ундан ташкари кишлок турар жойининг таркибида ёрдамчи хоналар, молхона, товукхона, куйхона, хашак хоналари хамда кишлок хужалиги учун керак булган асбоб-ускуналар саклайдиган казнокхоналар кишлок махсулотларини саклайдиган омборхоналар булиши керак.

Илм-фан ва санъат ахллари учун кушимча хоналар берилиши хонадон таркибини ва тархини танлашда хисобга олинаши керак булган, шарт-шароит деб хисобга олинади.

Халкнинг урф-одатлари хам хонадон таркибига уз таъсирини утказади.

Узбек халкнинг энг асосий урф-одатларидан бири бу очик хавода купрок вақтни утказишдир. Бу одат албатта жумхуриятимизнинг табиат иклим-шароитидан келиб чиккан булиб бу нарса хонадон таркибига очик ёзги хоналар /айвонлар ва супаларни/ киритишни такозо этади. Бу ерда ахоли мехмон кутади, дам олади ва ухлайди.

Уйнинг хилини танлашга унинг каерга жойлашгани хам таъсир килади. Уйнинг жойлашган жойига караб уй шахардами, кишлокдами, шахар марказидами ёки четдами шунга караб хар-хил талаблар пайдо булади, ундан ташкари ернинг паст-баландлиги, уйни ураб турган табиат иклими шароити, тупрок таркиби ва ер кимираш /сейсмика/ холлари хам уй хилини танлашда мухим роль уйнайди.

Айникса бу нарсага табиат - иклим шароити катта таъсир килади. Шимол ва жанубда куриладиган уйлар бир биридан ула фарк килади ундан ташкари нам ва курук иклим тог ёки пастликлар сахро ва нам ерларнинг таъсири хам турар-жой меъморчилигида катта таъсир утка-зади.

Узбекистон тоғлардан, сахролардан текис - пастликлардан ва кука-ламзор лалмикор ерлардан ташкил топган. Шунинг учун Узбекистон шароитида хамма ерга бир хил турар-жойларни лойихалаштириш ва куриш катта хатоликларга олиб келиши мумкин.

Жумхуриятимиз илмий текшириш институтлари томонидан табиат иклим шароитини ер кимирашини хисобга олинган хариталар ишлаб чикарилган.

Шу хариталарга караб курилиш мутахассислари уйларнинг хилларини танлайдилар ундан фойдаланиладилар ва курадилар.

Уйларни танлаб куришга канака курилиш ашёларини борлиги курилиш-техник жихоз ва асбобларнинг ахволи хам таъсир этади. Лекин бу нарсалар узгарувчан булиб, умумий техник-иктисодий узгаришларига, фан ва техниканинг узгаришига хам богликдир.

Шунинг учун лойихаловчи меъморнинг олдига куйиладиган вазифа бу хамма шарт-шароитларни тула урганиб кейин энг кулай ва чиройли турар-уйларни лойихалашда айникса ерни шарт-шароитини хисобга олишимизда катта эътиборга олинаши керак булган мухим омиллардан биридир.

Саволлар:

1. Дастлабки пайтларда курилган турар уй жой хиллари.
2. Оилаларни хонадонларга жойлаштириш.
3. Миллий маданият ва урф – одатларни турар-уй жойлар биноларга таъсири.
4. Узбекистон курилишида турар – уй жойларни тарихий анъанаси.
5. Саноат биноларининг турар - уй жой биноларини ташкил топишига таъсири.
6. Янги шахарларнинг пайдо булиши.
7. Турар уй жойларнинг биноларини танлашда хисобга олинган талаблар.
8. Турар – уй жой курилишида табиат иклим шароитининг таъсири.

МАЪРУЗА -2

ТУРАР УЙ-ЖОЙЛАРНИНГ ТАСНИФИ(КЛАССИФИКАЦИЯСИ)

Режа:

1. Аҳолини жойлаштиришдаги уй жойлар курилиши.
2. Ховлили турар уй жой бинолари.
3. Каватлари буйича биноларнинг турлари ва тузилмаси
4. Уйларни куёшга нисбатан тугри каратиш./ориентация/
5. Турар – уй жой биноларини куришда елвизак хосил килиш.
6. Табiiй иклим шароити буйича Ўзбекистонни зоналарга булиниши.

Турар уй-жойлар узининг хар хил хусусиятларига караб куйидагиларга булинадилар:

а) Аҳолини жойлаштириш усулига караб уй жойлар 2 гурухга булинадилар:

1. Хонадонларга булинган уй жойлар, булар оилаларни хонама хона жойлаштиришга мулжалланган буладилар.

2. Хоналарга булинган турар уй жойлар эса оилаларни хонама хона жойлаштиришга мулжалланган буладилар. Бу уйларда умумий маиший хизмат булимлари жойлашган булади.

Бу турар-жойларда ёлгиз ишчилар, талабалар, хунар билим юртлари ва мактаб - интернат укувчилари яшайдилар. Ундан ташкари мехмонхонага ва дам олиш уйларида эса мусофирлар, саёхатчилар ва дам олувчилар яшайдилар. 2 ла гурухга тааллуқли бинолар узининг меъморий тархий хусусиятлари билан бир-бирига ухшаб кетадиган томонлари борки, булар уларнинг вазифалари функцияларининг ухшашлиги хамда яшовчиларнинг талаблари бир хиллиги билан ажралиб туради: энг куп тарқалган хонадонлик бинолар шахар ва кишлокларнинг асосий яшаш фондини ташкил этади.

б) Ердан фойдаланиш усулига караб хонадонлик уйлар куйидагиларга булинади.

Ховлили турар жой биноларида уй ёки хонадон эгаси уй ховлисининг эгаси хисобланади, ховлили турар-жойлар бир хонали /уй хонадон/ ва туташтирилган 2 ёки купрок хонадон туташтирилган алохида ховлиси булади.

Каватлари буйича турар жой бинолари куйидагиларга булинади: Паст каватли уйлар /1-2 каватли/ бу уйлар асосан кишлок жойларида тарқалган буладилар. Бунака хилдаги уйлар асосан кишлок жойларида, нафакат кишлокларда ва балки хозирги пайтда шахарларда хам уз ахамиятини йукотгани йук, чунки бизнинг жумхуриятимизда ва айникса кишлокларимизда шахарларимизга караганда купрок ахоли яшайди.

Урта каватли уйлар /3-5 каватли/ умумий зинапоядан хамма фойдаланадиган лифтсиз турар-жой шахарларда жуда куп тарқалган булиб улар курилишда иктисод томонидан фойдали деб топилган. Ундан ташкари бу хилдаги уйлар курилиши нисбатан аҳолини зичрок жойлаштириш имкониятига эгадирлар. Аммо йирик шахарларда энг асосий нарса ер сатхини иктисод килиш масаласи зич жойлаштириш максидида урта каватли уйлар курилиши камайтирилиб уларнинг урнига куп каватли турар-жой бинолари куриш кундан-кунга ошиб борапти. Табобат мутахассисларнинг текширишларидан шу нарса маълум булдики, бизнинг табият-иклимимиз шароитида 5 каватли уйларга зинапоядан чикиб бориш ёши утиб колган одамларнинг сог-лигига зарар етказар экан. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида урта каватли лифтсиз уйларнинг баландлиги 4-каватдан ошмаслиги керак.

Куп каватли уйлар /6-9 каватли/ умумий фойдаланадиган зинапоядан ташкари тик /вертикаль/ боғланишлари учун лифтлар курилмаси хам булиши керак. Курилиш иктисодиёт нуктаи назариясидан каралса уйлар урта каватли уйлардан кимматрокка тушади, аммо ер сатхида купрок аҳолини жойлаштириш имкониятини беради. Шунинг учун бу хилдаги уйлар катта шахарлар учун асосий турар-жой бинолари деб хисобланадилар.

Юкори каватли уйлар /10 ва ундан юкори/ булган биноларнинг киравериш кисмида /подъездида/ умумий зинапоядан ташкари 2 хил лифт булиши керак /яъни аҳолини ва юкни ташийдиган лифтлар/. Аҳолини ёнгин пайтида тез бинодан чиқариб юбориш /ёки эвакуация/ килиш учун хонадонлари билан ёзги хоналар орқали узвий боғланган булишлари ва боғланиш тикка /вертикаль/ зинапоялар ёки димикмайдиган зинапоялар орқали булиши керак.

Урта куп ва юкори каватли уйлар 3 та энг асосий тархий тузилмаларга булинади: булинмали, йулаккли, галереяли.

Бизда булинмали /секция/ тузулмали уйлар энг куп таркалган уйлар булиб улар куп вазифалидирлар яъни бир уйда купхонадонлик ва камхонадонлик уй хилларини яратишда катта имкониятга эгадирлар.

Ёз пайтларидаги иссик хаво ва нисбатан юмшок киска киш хона-донларни иссик хаводан саклашни такозо этади. Бу эса уйларни куёшга нисбатан тугри каратиш /ориентация/ килиш, яхши шамоллатиш, конструкциялар хусусиятидан тугри фойдаланиш, куёшга карши ку-рилмалардан фойдаланиш натижасида эришилади.

Инсоляция яъни куёшни тугридан-тугри тушиши факат турар уй хоналарига зарур, лекин у ёрдамчи хоналарга /ошхона, дахлиз, хожатхоналарга/ керак эмас аксинча улар бу хоналарда нокулайликлар тугдириши мумкин. Демак хонадонларга икки тарафга каратиш керак: жануб томонга асосий хоналар жойлаштирилса, шимол томонга ёрдамчи хоналар жойлаштирилиши керак.

Жанубий шарк тараф, ва шимолий-гарб тарафга каратиш хоналарни икки тарафга жойлаштириш мумкин булганлиги сабабли бундай тарафларга каратиш курилишда ва лойихалашда рухсат берилади.

Энг ёмон ориентация бу гарб-шарк тараф булиб, бу уйнинг бир томони пешиндан кейин кизийди. Бунака тарафга каратиш турар уй жойлари курилишида рухсат берилмайди. Хонада салкин хаво хосил килиш учун уйни шамоллатиш /елвизак/катта ахамиятга эгадир.

Елвизак /сковозняк/ хосил килиш йули билан кундузги иссик хавони кечки салкин хаво билан алмаштириш мумкин. Бунга сабаб Ўзбекистоннинг кеча-кундуз давомида тез-тез узгариб турувчи иклим шароитидир. Бунинг учун кундуз куни хоналардаги деразаларни ёпик холда, ва аксинча кеча кундуз ташкаридаги хаводан салкинлашганда деразаларни очиш йули билан хонанинг хавоси салкинлатиб турилади.

Аммо хонани тез салкинлатиш учун уни шамоллатиш зарур. Бу хол тугридан-тугри, бурчакли тикка хосил килинадиган елвизак хисобига ташкил килинади. Бу эса уй тархни тугри ташкил килиш яъни уни икки тарафга каратиш хисобига ташкил этилади. Ўзбекистон шароитида хонадонни бир томонга каратиш елвизак усулини хосил килишга ёрдам бера олмайди ва хонадонни исиб кетишга сабаб булади. Бундай тархли турар уй жойлар Ўзбекистон иклим шароитида коникарсиз деб билинади.

Ташки конструкцияларни канчалик иссиклик утказишни билиш учун албатта хисоб-китоб килиниб уларнинг керакли калинликлари топилади.

Шу максатда иссикликни кам утказадиган материаллар ва деразалар сатхи кичрайтирилиб олинади.

Салкин хаво хосил килиш /айникса куёшга нотугри каратилган уйлар учун /куёшга карши курилмалар ишлатилади:горизонталь курилмалар жанубга каратилган уйлар учун ва вертикаль курилмалар шарк ва гарб томонга каратилган уйлар учун ва хар хил бошка аралаш курилмалар /маркизлар/ шторлар, жалюзлар, ва ундан ташкари усимликлар /дарахтлар ва ёпилиб усадиган утлар/ ишлатилади. Куёш га карши курилмалар нафакат хавони салкинлаштирибгина колмай уйни чиройли курунишига ҳам ёрдам берадилар.

Улар уйларни тарзини /фасадини/ бойитишга ва шинам булишига катта ёрдам берадилар. Юкорида айтиб утилган курилмалар Ўзбекистон шароитида салкин яратадиган ва табиий жихозлар деб саналади.

Шулар билан бир каторда сунбий жихозлар совугичлар /кондиционерлар/ ҳам хавони салкинлатишга хизмат киладилар.

Табиий иклим шароити буйича Ўзбекистон булакларга /зоналарга/ булинади. Бу умумий курсатгич албатта Ўзбекистонда /тогли, лалмикор, сахро булакларга булинади ва хавоси бир-биридан уларок фарк килади. Фаргона, Самарканд, Тошкент, Сурхондарё вилоятлар эса унинг тез-тез эсиб турадиган иссик шамоли билан бошка вилоятлардан фарк килади.

Таш ЗНИИЭП институти томонидан бу ерларни иклимий курсатгичлари ишлаб чикилган булиб Ўзбекистон территорияси 3 булакка булинади.

1-нчи булак: Совуқрок ва узок киш билан ва салкинрок ёзи билан ажралиб туради бунга /Коракалпогистон, Хоразм ва Бухоро вилоят-ларининг шимол кисми киради./

2-нчи булак: Асосий лалмикор ва саноат вилоятлари яъни Фаргона водийси Тошкент ва Самарканд вилоятлари киради. Бу вилоятлар юмшоқрок киши ва иссик ёзи билан ажралиб туради. Булар жуда кенг ва ахолиси зич жойлашган вилоятлардир.

3-нчи булак: Ёзи жуда иссик киши киска ва юмшоқрок иклимли вилоятлар киради. Бу ерда тез-тез жанубий иссик шамол эсиб туради. Хавонинг иссиклиги 45градусгача кутарилади. Бу нохияда иссик кунлар куп булганлиги сабабли табиий йул билан иссикдан сакланиш кийин нохиялар хисобланадилар.

Турар уй жой курилишида шахарсозлик талаблари:

Шахарга, турар-жой ноҳиясига ёки алоҳида турар-жой уйига ер сатҳини танлаш ута жавобгар ишдир, чунки бу ерда аҳолининг яшаш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд бўлиши ва келажак авлодларнинг яшашларини ҳисобга олиш зарур. Шахарсозлик масаласи алоҳида асосий юқори курсда утилади. Шунинг учун биз факатгина шахарсоз-ликни алоҳида турар уй жойи учун ер сатҳи баландроқ сув тупланмайдиган, ерга сув шахобчалари утказиш ва кукаламзорлаштириш имкониятига эга бўлган, ундан ташқари саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридан санитария гигиена узоклигидаги масофада бўлиши керак.

Шунингдек бино бошқа турар жой ва жамоат биноларидан маълум бир жойда жойлашган қуёшга нисбатан яхши қаратилган бўлиши ва яхши шамоллаштириш керак. Уй ундан ташқари куча шовқинидан маълум бир масофада кучанинг кизил чизигидан кукаламзор ва шовқиндан сакланадиган тусиқлар орқали тусилиши керак.

Уйга автомобиль келиши учун йулакча ажратилган ундан ташқари уй атрофи кукаламзорлаштирилган ва сув утказилган болалар майдончалари, қир қуритадиган ва спорт майдончалари, соябонлар, катталар дам оладиган жойлар билан жихозланган бўлиши керак. Бу Ўзбекистон табиий иқлим шароитида катта муҳим омиллардан биридир. Ер сатҳи қушни уйлар билан ноҳия маркази билан богча, мактаб, савдо, маданий ва маиший хизмат курсатиш жойлари билан қулай богланган бўлиши керак.

Саволлар:

1. Аҳолини жойлаштириш усулига қараб уй жойлар неча гуруҳга бўлинади.
2. Ховлили турар уй жой биноларининг хиллари
3. Паст қаватли турар уй жойлар турлари.
4. Урта қаватли турар уй жой уйлар турлари.
5. Қўп қаватли турар уй жойлар турлари.
6. Турар уй жой биноларини оптимал ориентацияси.
7. қуёшга қарши қурилмалар.
8. Хонадонларни шамоллатиш йуллари.

МАЪРУЗА-3

Уйлардан унумли фойдаланиш ва қурилиш пайтида тежамкорлик масалалари.

Режа:

1. Турар - уй жой биноларини қурилишдаги тежамкорлик
2. Тежамкорликка ер кимирлаш таъсири.
3. Турар - уй жой биноларини қурилишида ранг танлаш ахамияти.
4. Халк меъморий усулларида, ҳозирги замонавий - фазовий композицион усуллардан унумли фойдаланиш.

Давлат уй қурилишида ҳар йилда сарфланадиган куплаб маблағларни тежамкорлик билан сарфлаб купрок фойда олишига ҳаракат қилинади ва шу билан бирга купрок уй-жой сатҳини оширишга ҳаракат қилинади. Уй жой қурилишида энг зарур талаблардан бири бу тежамкорликдир. Аммо қурилган уй мустаҳкам чидамли ва уйни иситиш учун куп иссиқлик сарф қилинмаслиги тез-тез қайта таъмирланмаслиги зарур талабларидан биридир. Уйлар тез эскирмасликлари учун улар яъни хонадонлар қулай шинам булиши керак.

Тежамкорлик ва ундан фойдаланиш масалалари бир-бирига қарама қаршидир. Шунинг учун меъморнинг асосий санъати ва вазифаси шундан иборат, у бу қарама қаршилиқларни бир бириги таъсирсиз хал қилмоғи лозим.

Қурилишни тежамкорлик билан олиб боришда қурилиш жихозла-рини ва қурилмаларини тугри танлаш тежамкорликнинг асосий йунал-масидир. Заводда тайёрланаётган андозали қурилма ва жихозларни купрок ишлатиш қурилишни арзонроққа туширишга ёрдам беради. Ундан ташқари уйнинг қаватини ва қурилиши майдонини тугри танлаш ҳам тежамкорлик омилларидан биридир.

Лойиҳаларни танлашда архитектура меъёрларидан тулик ва унумли фойдаланиш зарур, лекин меъморчиликда бунинг узигина қифоя қилмайди. Шунинг учун лойиҳа танлашда бир неча хил лойиҳалар-нинг ичидан техник иқтисодий томонлари юқори булганларини олиш яхши натижалар беради.

Юқорида айтиб утқанимиздек, Ўзбекистон иқлим шароитида уйларни яхши шамоллатиш учун деразаларни икки тарафга урнатиш, булинмада /*секция*/ турт хонадан урнига икки хонадон жойлаштиришни такозо қилади, бу эса зина катақларининг сонини ошиб кетиши, қатта-қатта ёзги хоналардан фойдаланиш ва қуёшга қарши қурилмаларни урнатилиши, уйнинг таннархини ошиб кетишига сабаб булади. Ўзбекистонда тез-тез ерни кимирлаб туриши ҳам уйларни мустаҳкам қурилмалар билан қуришини такозо этади. Бу эса уз навбатида ортиқча пул сарфланишига олиб келади. Шунинг учун бу сабаблар бизнинг меъморларимиз олдига қурилишда тежамкорлик ва унумлик меъморчилик лойиҳаларини танлашни такозо этади.

Турар уй жойларига қуйиладиган меъморчилик бадий талаблар:

Турар уй жой узининг вазифасига нисбатан уз қурилишига эга булиши керак.

Қурилишда турар уй жойининг булақлари /*детали*/ инсон улчовига ҳамоҳанг булиши керак. Бу вазифа паст қаватли уй жойларда осонроқ хал қилинади. Куп қаватли турар-жой уйларининг ташқи қурилишини қидиришда меъморлар олдида анча қийинроқ вазифаларни ечишга тугри келади. Уйларни тарзларни ечишда /*колонналар, устунлар, антаблемент* ва бошқалар /уй жойларини монументал ва бой булишига уларнинг олдига қуйилган бадий талабларига жавоб бериши керак.

Турар уй жой айниқса жануб уйи табиат билан мужассам бирлашиб кетиши керак. Бу функционал хусусият узининг бадий қурилишини ёзги хоналар /*айвон, супа* ва бошқалар/ тарзида уз аксини топади. Қуёшга қарши қурилмалар уйни иссиқдан саклаш учун ишлатилиши жануб уйининг узига хос бадий қурилишини яратишга ёрдам беради.

Бунга яна кукаламзорлаштириш ҳам ёрдам беради.

Уйларга ранг танлашнинг узига хослиги мавжуд яъни ҳар-хил қорамтир рангларни ишлатишдан сакланиш керак, чунки улар бинога хунук қурилиш бериш билан бирга бу ранглар қуёш нуруни яхши қайтара олмайдилар ва хоналарининг исиб кетишига сабаб буладилар. Бу ерда табиатдаги иссиқ ва очик рангларни ишлатиш зарур.

Халк меъморчилигининг усуллари ҳозирги замон фазовий компо-зицион усуллари билан ижодий қушиб халк анъаналари, урф-одатларини инобатга олган ҳолда турар-жой биноларининг меъморчилигини жонлаштириш мумкин.

Типик турар жойлар билан узига хос *оригинал* ва ҳар-хил қурилишидаги турар жой масалаларини яратиш меъморлар олдида усталик ва ижодий янги иш услубларини талаб этади.

Турар уй жой жамоат биноларини муваффакият билан аралаштириб кичик нохия /микрорайон/ ва турар жой нохиялар /жилой район/ курилиш композицион хар-хил силуэтлар хосил килиш, ранг ва фактуралардан тула фойдаланиш ер сатхи билан тула уйгунлашиб кетиши кукаламзорлаштириш ва сув билан тугри таъминлаш курилишдаги локайд куринишларини йукотишга олиб келади. Типик лойихаларга хар-хил янги усулларни киритиш йули билан уйларни бойитиш лозим. Шунингдек хар-хил усул ва йулларни ишлаб чикиш керак. Меъморлар бу усул ва йуллардан тугри композицион тузумга эга булган турар жой бекатлари ва уйлар лойихасини тузадилар. Шундай килиб меъморлар ишида муваффакиятли лойихалар учун хар-хил усулларини куллаб турар-жой бекатларини бойитиш, тажриба ва иктисодий ёндошиш оркали хар-хил композицион вазифаларини хал этишлари мумкин.

Саволлар:

1. Турар - уй жой биноларини куришда тежамкорлик натижасида нималарга эришиш мумкин.
2. Тежамкорлик турар – уй жой биноларининг курилишига бир–бирига таъсирсиз хал килиш.
3. Турар - уй жой биносининг уз курилишига эга булиши.
4. Турар уй жой биноларининг узига хос оригинал курилишдаги масалаларига эришишда архитекторлар вазифаси.

МАЪРУЗА- 4


Хонадоннинг таркиби ва жихозлари.

Режа:

1. Хонадон турар уй жойларнинг асосий таркиби.
2. Хонадон булаклари.
3. Турар - уй жой хоналар таркиби.
4. Ёрдамчи хоналар таркиби.
5. Хонадонлар ичкарасига жойлаштирилган зинапоялар.

Хонадон деб бир-бирини бирлаштириб боғлаган битта оиланинг яшаши учун мулжалланган булакка айтилади. Хонадон турар-жойларнинг асосий таркибий қисми булиб ҳисобланади. Бу хоналарда оила аъзолари узининг асосий вақтини утказиши яъни улар бу ерда дам олишида ишлашида, ухланишида, овқатланишида ва меҳмон кутишида.

Уй тарҳини ечишга унинг қандай ҳажмли булишига қарамадан у ерда ҳамма ҳаёт кечириш учун керак буладиган шарт-шароитлар яратиш зарур. Булар нималар: ҳар бир оила аъзосини дам олишга ва шахсий ишларини бажаришга, уй хужалигини олиб боришга, овқат тайёрлаш ва овқатланишга, оила аъзолари бир-бири билан ва бошқа одамлар билан мулоқатда булишига ва гигиеник тозаланишга шарт-шароит яратиш керак. Турар-жой хоналарининг сони ва ҳажми оила аъзоларининг сонига ёшига қараб белгиланади. Ундан ташқари оила аъзоларининг касби ҳам ҳисобга олинади. Ёрдамчи хоналарнинг майдони яшайдиган хоналарнинг сонига қараб белгиланади.



Хонадонлар асосий хужалик ва ётоқ булакларга булинади. Асосий булакларга меҳмон кутиб оладиган ва шу билан бирга оила аъзоларини бир ерга тупланиши /емакхона, меҳмонхона, иш кабинети/ бу хоналарга тугридан-тугри дахлиз орқали утилади. Хужалик булагига /ошхона, образхона, казнахоналар/ улар асосий булак билан ётоқ булак уртасида жойлашган булиб у узокрокда жойлашгани маъқул.

Яхши санитария-гигиена шароитини яратиш учун ҳар бир оила аъзоси учун етарли микдорда майдон билан таъминланилади /камида 9 м.кв./ ва ҳажми /камида 25 м. куб/. Хоналар ва ёрдамчи хоналар баландлиги жануб ноҳияларида 2,7 м кам булмаслиги керак.

Санитария гигиена шароитини яхшилаш мақсадида келажакда турар жой нормаси битта одамга 12-15 м.кв. ташкил этиши керак.

Турар жой хоналари етарли ёруғликка эга булиши керак./камида 1/8 ер майдонидан/ тугри ориентацияга ва табиий шамоллатишга мослаштирилган булиши керак.

Деворларнинг калинлиги хонадонни кишда совукдан ёзда эса иссикдан саклаши шу билан бирга куча шовкини ва чангидан асраши керак. Булардан ташкари ички ва ташкари деворлар товуш утказмаслиги хусусиятга эга булиши керак.

Турар жой хоналар таркибига: мехмонхона, умумий хона, иш хонаси, катта оила аъзолари учун ётокхона ва ёш болалар ухлаши уйнаши учун хоналар киради. Ёрдамчи хоналарга: дахлиз, ошхона, хожатхона, кул ювадиган жой, йулкалар, казнокхоналар, токчалар, тахмонлар киради.

А) Умумий хона.

Турар-жой хоналари куйидагиларга булинадилар. Умумий хона оила аъзоларини мулокатда булиши учун емакхона урнида, айрим холларда ётокхона ёки дам олиш вазифасини бажаради. Куп фойдаланадиган хона булгани сабабли унга куйилган талаб катта булади.

Майдони буйича энг катта хона хисобланади. Умумий хона майдончасининг хажми 18 м.кв. дан кам булмаслиги керак. Хоналар сони ортиб борган сари умумий хона майдони ҳам ошиб бориб 20 м 2 дан кам булмаслиги керак. Ундан ташкари умумий хоналарнинг эни 3,5 метрдан кам ва буйи 6 метрдан ошиб кетмаслиги керак. Умумий хоналарнинг нисбатлари */пропорциялари/* яъни эни буйига нисбатан 1:2 булиши кулай хисобланади. Качонки булар 1:2 дан 2:3 ни ташкил килса. Умумий хонанинг нисбий пропорциясини тугри танлаш хонага мебель ва хар хил керакли уй жихозларини унумли ва кулай жойлаштиришга ва хонани тугри ёритишга ёрдам беради ва хона тусиклари ва деворларини узунлигини */периметрини/* киска булишига олиб келади.

Умумий хона дахлиз билан тугридан-тугри боғланган булиши шарт. Ошхона билан умумий хона боғликлиги кулай, лекин тугридан тугри булиши керак эмас, чунки ошхонадан чикадиган хар хил хидлар айникса киздирилган ёг хидини киритишдан саклаш керак.

Умумий хона емакхона ва мехмонхона вазифасини бажариш учун биз унинг майдончасини 2 унумли булакка булишимиз керак. Унинг учун умумий хонани бир томони чузинчокрок булса уни булакка булиш анча кулайлашади. Айникса бундай килиш бир хонали хонадонларга жуда кераклидир, чунки бу ерда умумий хона ҳам, емакхона ҳам, мехмонхона ҳам, иш хона вазифасини ҳам бажариши керак, бундай шароитда умумий хона иккига булиниши керак яъни мехмонхона ва емакхона булимига ҳамда ётокхона булинмасига булинса, ётокхонани йигиладиган тусик билан ёки парда билан тусиш мумкин булади.

Шу билан бирга ётокхонани ҳам жойлаштириш мумкин. Умумий хона жихозлари узининг вазифасига караб куйидагилардан иборат булиши керак: овкатланадиган стол, буфет, ёки сервант, стуллар ва стол ошхона булимига, диван, 2 та кресло, кичкина журнал столи ва китоблар учун махсус шкаф ёки жойлар мехмонхона булимига жойлаштирилиши керак.

Бу булимда */зонада/* музика асбоблари телевизор, радиоприемник ва гуллар жойланиши керак. Мебель ва жихозларнинг сони ва жихати умумий хонанинг хажми оила аъзоларининг сони уларнинг хунарига караб узгаради. Аммо хар бир холатда мебель ва жихозларни купайиб кетишига ва шу билан бирга нокулайликлар тугдиришга йул куймаслиги керак.

Хонада бемалол юриш учун йулаклар колдириши керак. Купхонали хонадонларда битта хонани мехмонхона учун ажратиш мумкин. Бундай холатда умумий хонанинг улчовларини кискартириш мумкин. Мехмонхонани умумий хона ёнига жойлаштириш мақсадга мувофик булар эди. Чунки булар орасида йигиштириладиган тусиклар урнатилиб вақти-вақти билан уларнинг бирлаштириб туриш мумкин булар эди. Мехмонхона билан умумий хонанинг ориентацияси гарбга ва жанубий гарбдан ташкари бошка колган томонларга каратилган булиши мумкин. Агарда бу хоналар шимол томонга каратилса унда уларнинг олдида ёзги хона яъни айвонча жойлаштириш ман этилади.

Иш хонаси дахлиз ёки йулак билан тугридан-тугри боғланган булиши ва умумий хонага кириш кисмига якинрок жойда жойлашган булиши керак. Бу хонанинг майдончаси 8-12 метр квадратни ташкил этиб, аклий меҳнат килиш учун мулжалланган булади.

Хар хил хонармандчилик ва санъат */хайкалтарошлик, музика, тасвирий санъат/* билан шугулланиш учун хажми катта ва махсус асбоб-анжомлар билан жихозланган хоналар булиши керак. Хонанинг кенглиги 2,2 метрдан кам булмаслиги, узунлиги эса 4,5 метрдан ошк булмаслиги керак. Хонанинг бир-бирига томон нисбатлари 1:1 дан 1:2 гача булиши керак. Хона холи булиб, бошка хоналарга утиш вазифасини бажармаслиги лозим.

Иш хонасида иш столи, китоб жавони, диван ёки кушетка, кресло ва стул учун жой булиши керак. Иш хонаси учун гарб ва жанубий гарбдан ташкари хар кандай ориентация кабул килиниши мумкин. Агар шаркий ориентация булса куёшга карши курилмалар ишлатилиши керак.

Б) ётоқхоналар

Ётоқхоналар катталар ва болалар учун мулжалланган булади. Улар 1ёки 2 кишини жойлаштиришга мулжаллангин булади. Бир кишига мулжалланган ётоқхоналарнинг майдончаси 12 квадрат метрдан кам булмаслиги, 2 кишига 12-14 м.кв. дан кам булмаслиги керак. Ота - оналар учун мулжалланган ётоқхоналарда эмизикли болага жой булиши керак.

Болалар ётоқхонасида энг яхши санитария ва гигиена шарт-шароити зарур. Бу эса уз навбатида яхши ухлаш, дам олиш, дарс тайёрлаш, уйнаш учун кулайлик яратади. Шунинг учун ётоқхонани яхши ориентация билан таъминлаш зарур. Бунинг учун деразаларни жануб ва шаркий-жанубий тарафга каратиш ва шу билан бир суткада камида 3 соат куёш нурини тугридан-тугри тушишига имконият яратиш керак. Бундан бошка ориентациялар болалар ётоқхонасига ярамайди. Ётоқхонанинг кенглиги бир киши учун 2,2 метрдан кам булмаслиги 2 киши учун 2,4 метрдан кам булмаслиги, узунлиги эса 4,5 метрдан ошмаслиги керак. Томонлар нисбати эса 1:1 ёки 2:3 булиши керак. Купинча ётоқхоналар нафакат ухлаш учун мулжалланган булиб одатда у ерда ишланади. Шунинг учун бу хонада иш столи хам булиши керак. Бу эса ётоқхона лойихасида меъмор ётоқхонани энг кам меъёрни олмасликка харакат килиниши керак.

Катталар ётоқхонасида кароватлар, тумбочкалар, кийим ечадиган шкаф туалет столи ва стуллари жойлаштирилади. Ётоқхонада иш столи, китоб жавони учун жой ажратилса максадга мувофик булади.

Болалар ётоқхонасида кроватлардан ташкари уйин ва машгулот учун стол, кийим ечадиган шкаф ва стуллар булиши керак. Бу нарсаларни жойлаштирилиши майдондан ташкари уйнаш учун алохида майдонча булиши керак. Ётоқхоналар кираверишдан узокрокка жойлаштирилиб, йулак оркали дахлиз билан боғланадиган булиши керак. Катталар ётоқхонаси умумий хона билан боғланган булиши керак. Ётоқхоналар хожатхона ва чумилиш хоналарига якин ва кулай боғланган булиши керак, айникса болалар ётоқхонаси. Ётоқхоналар-дан бошка хоналарга утиш ман килиниб, улар холи булишлари керак.

В). Ёзги хона.

Урта Осиё иклим шароитида ёзги хоналар хар-бир хонадоннинг энг керакли элементи булиб хисобланади. Узининг куринишлари буйича ёзги хоналар: очик балконлар, шийпон, айвон, соябон. ёпик айвонларга булинадилар. Агарда биз ёзги хоналарга йигма ёки чикариб олинадиган деразалар ишлатсак айвонларни ярим очик холатдан трансформация килиш йули билан ёпик холатдан очик холатга айлантириш мумкин. Лекин ёзги хоналарда ойналарни ишлатиш бир томондан уларни фойдаланишга вақтини купайтириш билан бирга улар оркасида жойлашган бошка хоналарни хусусиятини шамоллатишга нокулайлик яратади. Шунинг учун бу усулни баъзи бир лойихаларда ишлатиш мумкин. Яъни асосий хоналар олдига ёзги хоналар жойлашган булса.

Ёзги хоналарнинг вазифаси хар хил булади. Шунинг учун улар умумий хона ёки ётоқхоналар билан ойнабанд йигиладиган тусиклар билан булинса яхши булади ва вақти келганда улар бирлаштирилиб юборилади. Ёрдамчи ёзги хоналар, ошхоналар якинида жойлашган булиб улар ошхона учун омборхона вазифасини утайди.

Лекин хар бир турар жой хоналар олдига ёрдамчи ёзги хоналар жойлаштириш бу жуда кимматга тушиб кетади. Шунинг учун лойихалаш амалиётда битта универсал ёзги хона ишлатилади. Бундай хона умумий хона ва ошхона якинига жойлашган булиб, улар билан тугридан-тугри боғланган булиши керак.

Ёзги хоналар урта ва катта хонадонлар учун умумий хонадон сатхини 20% ни ташкил килиши керак, лекин бу 1 хонали хонадонлар учун кичкинадир. Бундай хонадонлар учун бу сатхни салгина оширишга тугри келади. Ёзги хоналарнинг эни 2 метрдан кам булмаслиги керак, чунки шундагина бу ерга стол, стул, супача ва кроват бемалол жойлаштириш мумкин булади. Лекин асосий хоналар, ёзги хоналар оркали ёритилса, уларнинг кенглиги 2,5 метрдан ошмаслиги керак. Ёзги хоналардан унумли фойдаланиш уларнинг ориентациясига боғлиқдир. Агар ёзги хоналар шимол ёки жануб тарафга караб жойлаштирилса, улардан кун буйи фойдаланиш мумкин. Агар ёзги хоналар шарк тарафга каратиб жойлаштирилган булса, бу хоналардан эрталаб фойдаланиш нокулайдир. Ёзги хоналарни гарб тарафга караб жойлаштирилганда улардан куннинг иккинчи ярмида яъни пешиндан кейин фойдаланиш кийинлашади. Бу хоналарни исиб кетишига олиб келади. Шимолга каратилган айвонлар уй рузгор нарсаларини саклашга кулайдир. Жанубга караган хоналардан кун буйи фойдаланиш мумкин, лекин уларни албатта куёшга карши горизонтал курилмалар билан жихозлаш зарур.

Яшаш учун мулжалланган ёзги хоналарни албатта шовкиндан ва хар томонлама куринишидан химоя килмок зарур. Шунинг учун купинча ён томондаги деворлар ёпик холатда курилиши керак.

Ёзги хоналарнинг поллари совук яъни /муздек, плитка, пластинка/ булиши мумкин. Ёгоч полли хоналар факат ойнавий ёзги хоналарда булиши мумкин.

Г) Хонадондаги ердამчи хоналар

Дахлиз жуда керакли ва хар хил жуда мухим вазифаларини бажаради. Шунинг учун уни турар-жой лойихасини ечишида хонадонни кулай ва унумли булишига боғлиқдир.

Дахлиз оркали хонадон ташки мухит билан боғланади яъни тугридан-тугри кучага яъни-ховлига чикилади.

Дахлизда куннинг совук кунларида устки кийим, бош кийим ечилади ва одам бу ерда узини тартибга солади.

Шунинг учун дахлизни лойихалаётганда унга хар-хил талаблар куйилади. Коида буйича дахлизнинг эни камида 1,4 метрни ташкил этади. Агар дахлиз хажми кичикрок булиб колса у ерда купрок одам тупланганда анча нокулайлик вужудга келади.

Шунинг учун дахлизнинг хажмини узунчокрок килиб лойихалаш тавсия этилади ва томонлар нисбати 1:2 ёки 2:3 килиб олинади. Дахлиз сатхи майдони 4-5 метр квадратдан кам булмаслиги керак. Бу уз навбатида ойнани, дорни, телефон учун тумбочкани, кичкина столчани кулай жойлаштиришга шароит яратиб беради. Одамларни кийналмай утиб кетишига жихозларни олиб утишига шароит тугдира-ди.

Урта хажмдаги хонадонлар учун дахлизнинг эни 1,6-2 метр ва узунлиги 3-4 метр булиши тавсия килинади. Ундан ташкари албатта дор ва шкаф жойлаштириш учун ёпик девор ёки токча булиши керак. Хожатхона ва чумилиладиган хонага дахлиздан тугридан-тугри кириш мумкин, аммо буларга /шлюз/ йулак оркали кирилса дахлизда эшиклар сони камрок булишига муяссар булади.

Дахлиз учун табиий ёруглик булиши шарт эмас лекин иложи бор жойида уни ёритиш керак. Вакт утиши билан дахлизларнинг вазифаси ошиб боради ва улар асосий хоналар олдидаги тантанавор кутиш жойларига айланадилар.

Д).ошхона.

Ошхоналарнинг асосий вазифаси-овкат тайёрлашдир. Газ ва электр жихозларидан, совукхоналардан бошка хозирги жихозлардан ва яъни ярим тайёр озик-овкатлардан фойдаланиш факат овкат тайёрлашни энгиллатибгина колмасдан уларни пиширишни тезлатишга олиб келади.

Ошхоналар нафакат овкат тайёрлаш балки бу ерда овкат ейишга хам хизмат киладиган булди ва курилиш лойихалаш амалиётида ошхона емакхона терминини келиб чикишига сабаб булди. Бу хилдаги стол ва стулларни ёки хонтахтани жойлаштириш катта булмаган ошхона унинг майдонини кенгайтиришга олиб келди. Аввалам бор бу хилдаги ошхона-емакхона 1-хонали хонадонларда ишлатилиб кулай-лиги сабабли кейинчалик урта ва катта хажмдан хонадонларда хам ишлатила бошланди. Ошхона-емакхонаси бор умумий хонадан хонадонларда факат дам олиш ва байрам кунларида фойдаланадиган булдилар. Ошхоналарни жихозлари учун аввало газ ёки электр махсулотларини тайёрлайдиган стол, совукхона, идиш товоқлар учун ва курук озик овкатлар учун шкафлар жойлаштириш керак.

Маълумки овкат тайёрлаш учун бекаларининг жуда куп вакти, кучи кетади. Шу вақтни тежаб-тергаб сарф килиш учун албатта ошхонадаги мебел ва жихозларни тугридан-тугри ва кулай жойлаштириш керак. Жихоз ва мебелларни уч хил жойлаштириш системаси мавжуд: биртарафлама, иккитарафлама ва бурчакли.

Жихозларни шундай жойлаштириш керакки, уларнинг хамма элементлари уй бекасига якин ва кулай жойлашган булишлари керак, ва шу билан бирга табиий ёругликни тусмасликлари керак. Шунинг учун жихозларни дераза рупарасидаги девор ёнига жойлаштириш керак эмас. Жихозларни бурчакли тарафга жойлаштириш бу талабга купрок жавоб беради.

Бир тарафлама жихозларни бурчак буйлаб жойлаштириш анча нокулайдир.

Чунки уй бекаси бу ерда купрок харакат килишига тугри келади. Жихозларни бурчак буйлаб жойлаштиришда овкатланадиган столни кулай жойлаштириш мумкин. Жихозларни яна хам кулай жойлаштириши учун ошхонада огир булмаган идиш-товоқлар учун деворга осма жавонлар ишлатилади. Ошхоналарда табиий ёритиш меъёрига риоя килиш учун дераза майдонини полга нисбатан майдони 1/8 булакни ташкил этса, ошхонадаги табиий ёруглик яхши хисобланади. Ошхоналар томони шимол, шимоли-шарқ, шимоли-гарб тарафга каратилса яхши ориентация хисобланади. Ошхоналарни иссик тарафга каратиб лойихалашдан саклаш керак чунки уларнинг узи иссик чикадиган хона хисобланади. Ошхона поллари иссик материал-лардан яъни ёгочдан килинган

булиб усти линолиум ва бошка яхши ювиладиган ёг шиммайдиган материаллардан килинса мақсадга мувофиқ булади.

Ўзбекистон шароитида ошхоналар ёзги хоналар яъни айвонлар билан тугридан-тугри боғланиш керак ва алохида шамоллатиш йулига эга булиши керак. Бизда яшаш хоналари билан ошхона тугридан-тугри боғлаб булмайди, чунки бизнинг миллий таомлар тайёрлаш учун, албатта пахта ёғи яхшилаб киздирилади ва бунда жуда куп тутун ва хид пайдо булади. Бу тутун ва хидларни бошка хоналарга кириб кетишидан албатта саклаш керак.

1-2 хонали хонадонлар учун ҳозирги замон қоидаси бўйича ошхона майдони 6 метр квадратдан кам булмаслиги керак. Хоналарнинг сони ошиб борган сари ошхона майдони ҳам ортиб боради ва 10 метр квадратга етади. Ошхона-емакхона майдони 8 метр квадратдан кам булмаслиги керак.

Ошхона кенглиги жихозлар бир томонлама жойлаштирилган булса 1,8 метрдан кам булмаслиги керак. Ошхона- емакхонанинг кенглиги 2,4 метрдан кам булмаслиги керак ва жихозлар икки тарафлама ёки бурчакли қилиб жойлаштирилган булса унинг кенглиги 2,5 метрдан кам булмаслиги шарт.

Бирлаштирилган санитария-гигиена булими факат 1-хонали хонадонлар учун мулжалланган булади ва икки қаватли уйларда алохида хожатхонаси бор уйларда, меҳмонхоналарда ва дам олиш уйларида руҳсат этилади 2 ва ундан ортик хонали хонадонларда эса обрешхона булимлари алохида хоналарга жойлаштирилади.

Ваннахоналар факат ювинишгагина эмас балки кир ювишга ҳам мулжалланган булади. Шунинг учун бу ерда ваннадан ташқари кул ювиш жихози /раковина/ ҳам урнатилади. Ванна хонада кир ювадиган машина, қийим ва сочик осадиган жихоз, ойна ва ифлос қийимлар учун кути жойлаштирилган булиши керак. Бу жихозларни жойлаштириш учун ваннахона маълум бир сатҳдаги майдонга эга булиши керак. Ванналарнинг ҳажмлари 1,55x0,75 дан 1,8x0,8 метргача булади. Утириб ювинадиган ваннанинг ҳажми 1,2x0,8 метрни кул ювадиган жихоз 0:55x0,45 метрни ташкил этади.

Ваннахона қатта намлик хонаси ҳисобланади ва шунинг учун унинг поли, деворлари юқори қисмларида намликка чидамли материаллардан фойдаланиш керак. Поллари, керакли деворлари учун гламур плиткларидан фойдаланиш керак. Ваннахонани шамоллатиш учун албатта вентиляция техникасидан фойдаланиш керак. Ванна- хонага дахлиздан, йулакдан кириш мумкин, яшаш хоналаридан ёки ошхоналардан ваннахоналарга кириш ман этилади. Лекин ривожланган мамлакатларда ҳар бир ётоқхонанинг алохида ваннахонаси бор. Бизнинг иқтисодимиз ҳозирча бундай қилишга йул бермайди, лекин вақт утиши билан бизда ҳам ҳар бир ётоқхона учун алохида ваннахона булишига эришилади. Ваннахоналарга табиий ёруғлик тушиши шарт эмас, лекин бизнинг иссиқ иқлимлик республикамизда дарча орқали ваннахоналар шамоллатиб турилса мақсадга мувофиқ булар эди. Ваннахона эшиклари албатта ташқарига очилиши шарт.

Е). Хожатхона.

Хожатхоналарнинг кенглиги 0,85 метрдан бўйи эса 1,4 метрдан кам булмаслиги керак. Хожатхонага йулакдан ёки дахлиздан кириш мумкин. Хожатхонага йулак орқали қирилса жуда яхши булади, чунки бунда ҳар-хил ноҳуш хидлар хонадонга тарқалмайди. Шунинг учун албатта хожатхоналарга шамолни тортадиган вентиляция дарчаси урнатиш шарт ҳисобланади. Бу дарчаларни йули турар хоналардан алохида булиши керак. Урта Осиё иссиқ иқлимида бу шарт-шароитларга риоя қилиниши жудаям зарур ҳисобланади, чунки иссиқ шароитда ҳар-хил ноҳуш хидларнинг тарқалиши тезроқ булади. Шунинг учун эски уйларда яъни канализацияси йук булган уйларда хожатхона ховлининг энг узок жойига жойлаштирилган. Ҳозирги замон меъёр ва талабларига биноан хожатхоналарни иложи булса албатта табиий ёритиш мақсадга мувофиқ булади. Хожатхоналарнинг поллари нам утказмайдиган материаллардан ишлатилиши керак. /линолиум, керамик плитка/ деворлар мой бўёқ билан бўялиши ёки гламурли плитклар ишлатилиши керак.

Хонадонлар икки қаватга жойлаштирилган булса ва куп хонали хонадонлар /беш ва ундан ортик/ булса унда 2 та хожатхона ётоқхона ва дахлиз яқинига жойлаштириши мақсадга мувофиқ булади. Дахлиз олдида жойлаштирилган хожатхонада албатта кул ювадиган жихоз жойлаштирилиши керак, шунинг учун унинг сатҳи кенгрок қилиб олинади. Ётоқхона яқинида жойлашган хожатхона алохида қилмасдан ваннахона билан бирлаштириб юбориши мумкин.

Ж). Хонадон ичига жойлаштирилган зинапоялар.

Бундай зинапоялар икки қаватли хонадонлар учун мулжалланган булади. Уларнинг кенглиги 0,85 метрдан кам булмаслиги керак. Оғиш бурчаги эса 1:1,75 дан 1:1,5 зина сатҳлари эса 28x16 сантиметрдан 27x17 сантиметргача булади. Бу хил зинапояларда чопиб чиқиладиган зина-поялар ҳам

ишлатилади, лекин булар мебел ва бошка жихозларни олиб чиқишда, болаларни ва қарияларни чиқиб тушишида ноқулайлик тугдиради. Зинапояга чиқиш дахлиз йулаклардан ёки умумий хонадондан назарда тутилиши мумкин. Зинапоя умумий хонага жойлаштирилган булса у хона ичини эстетик бойитишда ёрдам беради, аммо умумий хонани юриб утадиган хонага айлантириб анча ноқулайлик тугдириш мумкин. Зинапояларни ётоқхона ёки ошхонага жойлаштириш ман этилади.

Зинапоялар очик ёки ёпик ҳолатда булишлари мумкин. Очик зинапоялар шу жойлашган хона орқали ёритилса, ёпик зинапоялар учун алоҳида деразалар урнатиш керак. Зинапояларнинг остки қисмидан унумли фойдаланиш учун унинг тагига хожатхона, шкаф, ёки ҳар хил нарсаларни саклайдиган жавонлар жойлаштириши мумкин. Зинапоялар учун ёғоч ёки пластик материаллардан фойдаланиши мумкин.

3). Йулак ва шлюзлар.

Хонадонларнинг лойиха ечимига қараб уларда йулаклар булиш ва булмаслиги мумкин, аммо қупхонали хонадонларда улар жуда керакли элемент ҳисобланади. Чунки яшайдиган хоналар йулакларга айланмаслиги учун албатта йулак ва шлюзалардан фойдаланилади. Йулаклар 2 хил булади: яшаш хоналарига кириш учун ёки ёрдамчи хоналар билан боғланиш учун. Яшаш хоналарга қирадиган йулакларнинг кенглиги 1,2 метрдан кам булмаслиги, ёрдамчи хоналарга қирадиган йулак кенглиги 0,95 метрдан кам булмаслиги керак.

Шлюзалар - бу кичкина хоначалар булиб, ошхона ёки ваннахона олдига жойлаштирилади, улар тутун ва ҳар хил хидларни саклаш вазифасини утайди. Йулак ва шлюз тепасига шкафлар урнатилса унинг хажмидан тулик фойдаланилади ва анча қулайликлар яратилади. Хоналар ичига қурилган жавон ва шкафлар ишлатилиши кичкина ётоқхоналарни тусиб қуйишига йул қуймасдан қулайлик тугдиради. Қурилган жавон ва шкафларнинг кенглиги 0,6 метрдан кам булмаслиги керак.

Ётоқхоналарга қийим-кечак қурпа ёстик саклайдиган шкаф, таҳмонлар булса бу анчагина қулайликлар яратади. Бундан ташқари шкаф қурилмалар ошхона учун ҳам зарур элементлардир, чунки улар ошхона майдоннинг тусилиб қолишдан саклайди ва уй бекасига қулайлик яратади. Ошхонада озик-овқатларни ва майда жихозларни саклаш учун ер сатҳидан 1,8-2 метр юқоридан жойлашган осма жавонлар ишлатилса жуда яхши булади.

И). Қазнокхоналар.

Бу хоналар вақти-вақти билан ишлатиладиган қийим-кечак асбоб-ускуна, челак, пол ювувчи материаллар ва озик-овқат саклашга хизмат қилади. Бу хона хонадонни ҳар-хил нарсалар билан тулиб кетишидан саклайди. Паст қаватли уйларда бундай хоналарда хонадонларни узларида яъни ер остига қушимча хоналарга жойлаштирилади. Қуп қаватли уйларда қазнокхона ер остига жойлаштирилиши эса қуп жойни банд қилади. Шунинг учун одатда қуп қаватли уйларда қазнокхона қурилмайди. Лекин вақт утиши билан уй жойларни лойихалашда қазнокхоналарни қулай жойлаштириш албатта ҳисобга олиниши керак. Ўзбекистонда шкаф ва қазнокхоналарни айвонларга жойлаштириш кенг қуламда ишлатилади, лекин бу уларни майдонини қисқаришига олиб қелиш билан бирга ҳаво совуғач яъни киш пайтида эшикни айвон тарафга очишига мажбур булинади ва бирмунча ноқулайлик тугдиради. Шунинг учун қазнокхоналарни хонадон ичига жойлаштириш қулайдир.

МАЪРУЗА-5

Турар-жойларнинг элементлари.

Режа:

1. Турар жойларнинг асосий элементлари.
2. Хонадон таркибий тузилмасининг қурилишдаги сабаблари.
3. Фойдаланиладиган зиналар ва лифтларнинг жойлашуви.
4. Умумий фойдаланиладиган йулақлар.

Куп хонадонлик уйлар талайгина элементлардан ташкил топган бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, тарх тузуми қурилмалари ва меъморий бадиий ечими бўйича бирликка эгадир.

Турар уй жойларининг асосий элементи бу вертикаль /зинапоя, лифт/ ва горизонтал /йулак/ ёрдамида боғланган хонадонлар ҳисобланади. Бир-бири билан боғланган хонадонлар тузилмаси турар уй жойларнинг йирикланган бўлинмасини /секцияни/ ташкил этади. Бу ерда боғланиш зинапоя катаги ёки зинапоя, лифт катаги орқали бажарилади. Йулак /галерия/ хилдаги блокларда эса горизонтал боғланиш йулак /галерия/ орқали, вертикаль боғланиш эса зинапоя лифт орқали бўлса йулакли блокларда эса хонадонларни бир-бири билан боғланиш йулак ва зинапоя лифт орқали бўлади. Секция ва блокларни бир-бири билан хар-хил ҳолда бир бутун бўлиб жойланиш ҳолати, турар- уй жойни ташкил этади.

Хонадон турар жойнинг асосий элементи.

Оилама - оила хонадонларга жойлаштириш, бу уларни асосий тархий структурасини ташкил этади. Хонадон улчами унинг сони ва турар жойларнинг майдони оила аъзоларининг сонига уларнинг ёшига, хунарларига ва бошқа белгиларига қараб белгиланади.

Хонадон таркибий тузулмасининг қурилишига қуйидаги сабаблар таъсир этади:

- табий иқлим шароити
- аҳолини маданий-турмуш одатлари
- социал шароит, аҳолини касби хунари
- иктисодий шароит ва материал-хунар қурилиш базаси
- қурилиш жойи /шаҳар, туман ва бошқалар/

Санаб утилган сабаблар хар доим динамик узишда бўлиб узғариб туради, шунинг учун хонадонларнинг таркибий тузулмаларининг энг яхши қурилишини ташкил этиш бу жуда қийин масаладир. Хар бир лойиха қурилиш жараёнида хар бир тарихий даврнинг ёки бир булак вақтнинг ичида энг яхши тархий структурали хилдаги уйларни топиш мумкин. Лекин вақт утиши билан унинг қурилиши эскириб қолади. Шундай қилиб илмий текшириш ва лойихалаш иши хар доим узғариб турадиган процесс бўлиб, социал, иктисодий техник шароитларга мослашиб боради.

Шуни таъкидлаб утиш керакли биноларни лойихалашдан тортиб уйни ичига қириб олгунча 1-2 йил вақт утади ва шу вақтнинг ичида талаб ва шароитлар анчагина узғариб кетади ва андозали /типовой/ лойихаларнинг хиллари эскириб кетади. Шунинг учун илмий асосланган талабларни ишлаб чиқишда, янги серияли структураларни ҳисобга олган ҳолда асосий ривожланиш оқимининг яқин ва узок даврини мулжаллаш керак бўлади.

Лойихалаш ва қурилиш учун энг асосий талаблардан бири бу хонадоннинг ривожланиш жараёнига жавоб бера оладиган қилиб яратишдир.

Хонадонларни хилларига таъсир қиладиган сабаблар узғармас яъни иқлим /масалан табиат иқлим шароити/ ва узгарувчан /социал иктисодий, техникавий, маданий, турмуш шароитларидир/.

Лекин ҳозирги пайтда табиат иқлим шароити шартли равишда узғармас деб ҳисоблаш мумкин, чунки инсон хар доим узини ураб турган табиатга таъсир утказди: сув омборлар қурилаяпти, сунъий сугориш усуллари ривожланыпти, сахро ва чуллар узлаштирилаяпти, лалмикор ерлар пайдо қилинапти. Албатта буларнинг ҳаммаси Урта Осиё табиат иқлимини юмшатишга унинг қурилишига жуда катта узғариш қирита олмайди. Шунинг учун табиат иқлим шароитини узок вақтгача узғармас деб қабул қилиш мумкин. Унга қараганда социал шароитлар маданият урф одатлар мамлакат иктисодий материал техник қурилиш базаси тезроқ узғариб борапти.

Хамма бу сабаблар хонадонларда қулайлик ва жиҳозларга бўлган талабларни ошишига олиб келади. Яшаш хоналарини сонини аниқлайдиган асосий курсаткич бу аҳолини демографик таркибидир. Урта Осиёда куп тугилиш ва улишни қамайиши жараёни аҳоли сонини тез узиб кетишига сабаб бўлди, шу билан бирга куп болали ва мураккаб оилаларни вужудга келишига олиб келди, бу эса уз

навбатида куп хоналик хонадонларнинг сонини купайтиришга сабаб булди ва алохида тархий тузумга эга булган хонадонларни вужудга келтирди.

Структурали хилдаги уйларнинг энг асосий хосияти бу Узбекистон шароитига айникса ёз пайтига мослаштирилганлигидадир.

Шунинг учун меъморларнинг асосий вазифаларидан бири бу узбек халки меъморчилик анъаналарни ривожлантириб хозирги замон турар уй жой биноларида ишлатиш уларни иссик ва совук хаводан сакланиши хозирги замон "Европа" типдаги уйларни усулларини куллашдан иборатдир.

Хозирги вақтда Узбекистон табиат иклим шароитига жавоб бера оладиган хонадонлар тархини тузишда қандай талабларни ҳисобга олиш зарур. Хонадон учун энг қулай ориентация бу жанубдир, ёрдамчи хоналар учун шимолдир. Шунинг учун уйларни 2 тарафга қаратган маъқулдир. Хоналар учун мумкин булган ориентациялардан бири жанубий шарк, шарк ва шимолий гарбдир. Агарда кам хонали хонадонларни бир томонга ориентация қилишга мажбур булинса, хонадонларни албатта жануб томонга ёки жануб-шарк томонга қаратишимиз керак, куп хонали хонадонларда эса умумий ва иш хонасини шимол томонга қаратса булади.

Шамоллатиш /елвизак/ энг яхши шамоллатишнинг йули булиб у 2 томонлама ва тикка /вертикаль/ шамоллатишдир, бурчакли шамолла-тиш /елвизак/ коникарли ҳисоблана, бир томонлама шамоллатиш эса коникарсиз ҳисобланади. 2 томонлама шамоллатиш учун албатта хона-лар уйнинг 2 томонига қаратилгани булишлари керак,бу эса хозирги замон хонадонларини тархий-таркибини ташкил этади. Асосий ва ёр-дамчи хоналар учун алохида алохида шамоллатиш яхши натижалар беради.Тикка вертикаль шамоллатиш эса икки қаватга жойлашган хо-надонлар учун ишлатилади ва бу усулни ишлатилишини чегаралайди.

А). Куёшга қарши қурилмалар.

Ноқулай ориентацияга қараб қолган хонадонларнинг хоналари учун куёшнинг ортикча нуридан саклаш учун ҳар хил /қурилмалар, жалюзлар,маркизлар, панжаралар ва хоказолар/ ишлатилади. 4 та таби-ий иклим зонасида шарк, жануб ва гарб тарафга қаратилган хоналарга албатта куёшга қарши қурилмалар ишлатилиши шарт. Жануб томон-га қаратилган уйларга горизонталь шаклидаги куёшдан саклайдиган қурилмалар жануб, шарк ва жануб гарб томонга эса ҳар-хил қатак шаклдаги куёшга қарши қурилмалар ишлатилади. Бошқариш мумкин булган куёшдан саклайдиган қурилмалар жуда яхши натижалар беради. Хона ичига қурилган куёшга қарши қурилмаларнинг умуман фойдаси йукдир. Куёшга қарши тусик сифатида панжаралар ва дарахт ва қукатлар хизмат қилиши мумкин.

Хоналарнинг ҳавоси учун табиий усуллардан яъни бу тугри ориентация қилиш, яхшилаб шамоллатиш куёшга қарши қурилмаларни жойида ишлатилиши билан эришиш мумкин.Ундан ташқари ташқи деворларни юзасини қамайтириш девор ва томларни иссиклик утқизиш хусусиятини қамайтириш, ташқи деворларни оч ва окиш куёш нурини қайтарувчи бўёқларга бўяш, қуқаламзорлаштириш билан атроф мухит ҳавосини юмшатиш, ер юзасидаги ут-уланларни купайтириш, асфальтланган ер юзларини қамайтириш атрофни сув билан таъминлаш сув пургагичлар билан ҳавони намлаш ва бошқалар орқали эришиш мум-кин. Биноларни шундай ер қисмига жойлаштириш керакки хоналарни осон шамоллатиш мумкин булсин. Хоналар баландлигини ошириш уларнинг ҳавосини салқин қилишига,намликни йукотишга,ҳаво алмаш-тириш ишини яхшилашга сабаб булади.

Б). зинапоялар.

Умумий фойдаланадиган зинапоялар турар уй жойни ташқи мухит билан қулай ва яхши боғланиш учун хизмат қилади. Зинапоялар ёпик қилиши мумкин /зина қатагининг ичида/ ойнабанд деразалар билан бутунлай уралган, ёки ярим очик зинапоя уралмаган қилишлари мумкин. Қурилиш ва лойиҳалаш нормалари буйича шимол ва урта иклим зоналарида фақат ёпик ҳолатдаги зинапоялар ишлатилиши мумкин, лекин амалиёт шуни курсатадики бундай зинапоялар ишлатилган уйларнинг дахлизлари қиш пайтида жуда совуқ кетишини қузатилди, шунинг учун қириш эшиклари 2 қаватли ёки дахлиз олдида қичкина дахлиз /шлюз/ қурилиши керак. Шунинг учун жануб зоналарида иситилган ва ёпик зинапоялар ишлатилиши керак. Очик умумий булган зинапоялар фақат 2 қаватли уйлар учун ва куп қаватли уйларда эса эвакуация учун мулжалланган булади.

Тархий тузилмаси буйича зинапоялар бир маршли: икки маршли, маршли йуналишли ва уч маршли булади. Зинапоялардаги зиналарнинг сони 18 тадан ошмаслиги керак. Маршларнинг қиялиги нисбатан 1:1,75 дан 1:2 гача олинади 1:2 нисбатан купрок амалиётда ишлатилади, чунки бундай зинапоялардан қутарилиш ва тушиш анча қулай қилиши билан бирга зинапояларнинг улчами 30 ва 15 сантиметрни ташкил этади. Узбекистон иклим шароитида, иссик ёз пайтида зинапоялардан

кутарилиш анча кийин булганлиги туфайли, урта ва баланд каватли уйлар учун зинаполяр нисбати 1:2 олинади, каватларнинг баландлиги 3м булганда 20 та зинача керак /18 та зинача +2 зинаполяр майдончаси/ керак. Демак, бир зинаполяр горизонталь ҳолатда $18 \times 30 = 5,4$ метрни, икки маршли зинаполяр $9 \times 30 = 2,7$ ва уч маршли зинаполяр $6 \times 30 = 1,8$ метрни ташкил этади. Маршнинг энг кичик кенглиги 1,05м килиб қабул қилинган. Икки марш орасидаги масофа 10 смдан кам булмаслиги керак. Зинаполяр катагининг ички улчами марш ва майдончанинг улчами яъни каватлардаги ва каватлар орасидаги йигиндисидан иборатдир.

Каватлар орасидаги майдончанинг кенглиги маршнинг кенглигидан кичик булмаслиги каватлардаги эса 15-20 см кенгрок булиши керак. Андозали /типовой/ қурилма элементларининг сонини қамайтириш мақсадида ҳамма майдончалар кенглиги бир хил килиб /каватдаги кенглик/ 4,2 м олинади.

Ишлатилиши жараёнида қулай булганликлари ва ишлаб чиқариш оддий ва арзон булганлиги учун 2 маршли зинаполяр купрок ишлатилади. Паст каватли бинолар учун бир маршли зинаполяр ишлатилади, куп каватли /лифтлар билан/ бинолар учун 2 маршли зинаполяр билан бирга 3 маршли зинаполяр ҳам ишлатилади. Маршлар орасидаги бушликни эса лифт шахтаси эгаллайди. Юқоридаги курсатмалар жудаям мажбурий ҳисобланмайди. Бир хил пайтларда умумий композицион ютуққа эришиш учун тежамкорлик камрок булган ечимлар ҳам ишлатилиши мумкин.

Умумий зинаполярга қуйиладиган талаблар.

Ёпик булган зинаполяр катаги албатта табиий ёруғлик нури билан таминланиши зарур. Ёруғлик тушадиган дарчаларнинг улчами ер улчамининг 1/15 қисмига/ тугри келиши керак ва очиладиган деразалар билан таминланиши керак. Майдончалар, маршлар, ёпички ва тусадиган қурилмалар ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши керак. Зинаполяр катаги ва хонадонларга қирадиган эшиклар ёпик ҳолда яъни ойнасиз ва ойна /фрамуга/ зич ҳолда ёпилган булишлари керак.

Ер кимираш тез-тез буладиган шароитда зинаполяр ва зина катакла-рини лойihalашда ер кимирашга қаттиқ қаршилик курсатадиган қурилмалардан ва 2 та тарафлама-тараф урнатилган эшиклар булиши керак.

Йулакчи ва коридорли турар уй жойларидан хонадонлардаги энг узок эшикдан зинаполярғача булган масофа 25 метрдан узок булиши керак эмас. Умумий булган зинаполярдан чопиб чиқадиган зина-полярни ишлатиш ман этилади. Куп каватли уйларда зинаполяр катак-лари тутун камалиб қолмайдиган булиши керак. Хозирги пайтида купкаватли уйларни қуриш бу заруриятга айланиб қолди. Бу биноларда ернинг урнини алмаштириш учун очик ёзги хоналардан фойдаланил-япти ва шундай қилиб бу уйлар ичкарасида қулайликлар барпо қилин-япти. Куп каватли биноларнинг қамчиликларини қамайтириш учун тез вертикаль алоқа ва етарли ер кимирашга қарши қурилмаларни ишлатилиш орқали эришил-япти, ундан ташқари тоза ҳаво алмаштиришни тезлатиш, шаҳар шовқинини юқори каватларга камрок эшитилиши бу уйларни яшашга қулайроқ қилиб мослаштиради.

В). Лифтлар.

Вертикаль алоканинг энг осон ва тез воситасидир 5- каватдан юқори булган биноларга урнатилади. Лифтлар кабиналари шахта ичида зинаполяр билан бирга урнатилади. Лекин лифт шахталари алоҳида хоналарда ҳам булишлари мумкин. Лифтларни борлиги бизни зина-полярни урнатишдан озод этмайди, чунки зинаполяр аҳолини эвакуация қилишда энг ишончли воситадир. 6- каватдан 9- каватгача булган уйларда ҳар бир зинаполяр катаги аҳоли учун лифт, 9- каватдан ортик биноларда эса аҳоли учун 320 кг юк қутарадиган ва 500 кг юк қутарадиган қилиб урнатилади.

Г). Умумий фойдаланиладиган йулаклар.

Турар жой тархий системада зинаполяр купрок ишлатилиб, уларни сони камрок булганлиги сабабли улар иқтисодий томондан тежамли ҳисобланади. Йулакнинг кенглиги 1,2 метрдан кам булмаслиги, қи-риш эшигидан эса энг узок жойлашган хонадоннинг узоклик масо-фаси зинаполяр лифт катагидан 25 метрдан ошмаслиги бу эса энг узун йулакчи уй жой блокининг узунлиги 50 метрдан ошмаслигига олиб келади.

Йулакларни табиий ёруғлик билан ён тарафга жойлашган дарчалар орқали ёритиш керак. Йулакларнинг узунлиги кичикроқ булса улар-ни зинаполяр-лифт катаги орқали ёритилиши мумкин. Албатта йулакчи табиий шамоллатиш керак, шу йул билан хонадонларни ҳам табиий шамоллатиш керак энг яхши шамоллатишга ён томонга очиладиган деразаларни урнатиш натижасида эришиш мумкин.

Умумий фойдаланиладиган йулакларнинг поллари енгил ювилади-ган ва буёклари учмайдиган булиши керак. Бу талабга керамик плит-калар коникарли жавоб бера оладилар. Умумий булган йулакларга ҳам худди зинапоялар катагига куйиладиган талаблар куйилади, яъни ер кимирашга карши талаблар, ёнгинга карши талаблар, шунинг учун улар ёнмайдиган материаллардан куриш ва улар тутун тупламайди-ган, ер кимирашига чидамли булиб, улар ахолини кийин экстремал булган пайтларда тез уйдан чикиб кетишларига /эвакуацияга/ хизмат килиш керак.

Д). Галереялар.

Улар ҳам йулакларга ухшаб хонадон ва зинапоя лифт катагининг орасида алока хизматини утайди. Уларга жанубга жойлашган уй жойларда табиий климатик зоналардаги турар жойида кулланади. Галереяли системалар ҳам худди йулакли системаларга ухшаб зинапоя катагининг сони камрок булиб, купрок ишлатишга сабаб булади, ле-кин йулакли системадан фарки шуки бу ерда хар бир хонадоннинг деразаларини хар икки томонга карама-карши жойлаштириш имкония-ти борлиги туфайли яхши табиий /елвизакли/ шамоллатиш имкония-тига эга. Галереяли уйларга ҳам худди йулакли уйларга ухшаш талаб-лар куйилади /яъни уларнинг кенглиги 1,2 метрдан кам булмаслиги, кириш эшигидан энг узок жойлашган хонадоннинг масофаси 25 метрдан ошиб кетмаслиги керак. Галереялар ер кимирашига чидамли ёнмайдиган курилмалардан ва темир бетон ва баландлиги 1,2 метрдан кам булмаган темир тусиклар билан тусилиши керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. ХОНАДОН ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИГА КАНДАЙ САБАБЛАР ТАЪСИР ЭТАДИ ?
2. ХОНАЛАР УЧУН ЭНГЯХШИ ОРИЕНТАЦИЯ?
3. ЗИНАПОЯЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАР КАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?
4. УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЙУЛАКЛАР.

МАЪРУЗА--6

Турар-жойларнинг йирик булаклари.

Режа:

1. Булинма (секцияли) типдаги уй-жойлар
2. Хонадонли турар уй-жойлар
3. Булинмали-галереяли типдаги уйлар.
4. Йулакли уйлар туркуми

Булинма /секция/ деб бир гуруҳ хонадонларни зинапоя ёки лифт зинапоя атрофига тупламига айтилади. Хар бир каватда икки, уч ёки тўрт хонадон бирлашиб секцияни яъни унинг йирик бир тупламини ташкил этилади. Булинма /секция/ уч хил қурилишга эга : бир қаторли оддий /рядовой/, бурчакли /угловой/, чеккали /торцевой/. Энг қўп тарқалган бу оддий булинма булиб у бир хил, пайтда чеккали булинма-ни/секцияни/ урнига ишлатилади.

Бурчакли булинма ҳозирги пайтда қам ишлатилади, чунки яхши тархий режали хонадонларни ташкил этиш қийин иқтисодий тарафдан тежамкорлик қам ва қурилмаси қийиндир. Секциялар /булинмалар/ ик-ки, уч, тўрт хонадон учун лойихалаштирилган буладилар хонадон-ларнинг сони ошиб кетса уларга зинапоя майдондан қириш қийинлаша боради. Шунинг учун йулакларни ишлатишга мажбур булинмали /секция/ типдаги уйлар йулакли типдаги уйларга айланиб қолади. Хонадонларни сонини зинапоя 4-қатига нисбатан қўпайтириш, вертикаль коммуникацияларни нархини қамайтиришга интилишдан қилиб қиқайди, қўпхонадонли секциялар урушдан кейинги дастлаб йилларда жуда қўп тарқалган булиб турар уй жой қризиси даврида қўпхонали хонадонларни қурилишига олиб қелади. Асосий типлардан бири булиб тарқалгани 2 хонали хонадонлардир. Энг қўп тарқалгани эса 1 хонали хонадонлар булади. Натижада асосан секциялар уч хонадонлик /2-2-2 ва 2-1-2/ ва тўрт хонадонлик /2-2-2-2, 1-1-2-2/ булиб шаклландилар.

Тажриба шуни қўрсатдики, 2 хонадонлик секциялар елвизак қилиб шамоллатиш талабларини бутунлай қониқтириладилар ва қўёшга қаратиб жойланишларида горизонтни икки қарама-қарши тарафига жойлашадилар, уч хонадонлик булинмаларда /секцияларда/ эса фақат 2 хонадонгина қоникарли ечилган булсалар, учинчи хонадон эса бир тарафга қараб қолади ва елвизак қилиб шамоллатиб булмайдиган булиб қолади, тўрт хонадонлик булинмаларда /секцияларда/ эса ҳамма хонадоннинг ечими қоникарсиз булиб қолади. Шундай қилиб тўрт хонадонлик булинмалар /секциялар /Ўзбекистон шароитида қурилишга ноқулай деб ҳисоблансалар, уч хонадонлик секциялар эса айрим шароитлардагина қурилишга рўхсат этилади. Энг яхши ечимга фақат икки хонадонли булинма /секция/ эгадир. Энг чеккадаги уч хонадонлик булинмаларда икки хонадонлик бурчакли шамоллатиш ва ориентация билан таъминланиши мумкин булганлиги сабабли уларни уч хона-донлик қилиб тарх ечимини ечиш мумкин, шунинг учун чеккадаги булинмалар уч хонадонлик булишларига рўхсат берилади.

Турар уй жойлар бир булинмали булса уларга тўртта хонадон жой-лаштириш мумкин, чунки уларни хар бири бурчакли шамоллатиш имқониятига эгадирлар шунинг учун бу система мумкин булган тархий ечимларга олиб қелади.

Блок /булак/ хонадонларнинг зинапоя лифт ва горизонт алоқачи /йулак/ галерея атрофига бирлашган гуруҳига блок деб айтилади. Блок ҳам секцияга уқшаш турар уй жойнинг йирик элементи булиб ҳисобланади. Блокнинг энг узун масофаси энг узок жойлашган хонадоннинг эшигидан то зинапоя лифт қатигининг ораси билан белгиланади. Нормалар буйича бу масофа 25 метрдан ошиши қерак эмас. Шундай қилиб блокнинг узунлиги 50 метрни ташкил этади. Йулакни ёки галереянинг энг қичик /соф/ қенглиги 1,2 метрни ташкил этади. Лекин амалиёт шуни қўрсатдики уларни қенглиги 1,4 метрдан қам булмаслиги қерак. Икки тарафига хоналар жойлашган йулак чеккага жойлаштирилган деразалар орқали табиий ёритилиши қерак. Бу ҳолатда йулакнинг узунлиги 40 метрдан ошмаслиги қерак. Боши берк йулак ва галереяларнинг узунлиги эса 20 метрдан ошмаслиги қерак.

Хонадонлик турар уй жайлар.

Одамларни жойлаштириши усулига қараб турар жойлар 2 хилга булинади : Хонадонлик хилдаги оилаларга мулжалланган уйлар ва хонама-хона ёлғиз одамларга мулжалланган уйлар. Қурилишда

турар жойларни купчилик хилини хонадонлик уйлар ташкил этади, чунки кишлок ва шаҳарларда купчилик турар жойларни хонадон типдаги уйлар ташкил этади, чунки аҳолини купчилик демографик таркибини оилалик одамлар ташкил этади.

Турар уй жойларнинг фазовий тархи уй олдига жойлашган ховлиларни ишлатиш характериға ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Шу хусусиятға қараб уй жойлар қуйидагиларға бўлинадилар:

- шахсий ховлиға эға булган уйлар:

Умумий ховлилардан фойдаланиладиган куп хонадонлик уйлар /буларға урта, баланд каватли ва одамлар хонама-хона жойлашган уйлар қиради/.

Каватларнинг жойлашишиға қараб уйлар фазовий тархий ечими билан бир-бирдан ута фарк қилади. Каватларига қараб бу уйлар қуйидагиларға бўлинадилар:

- паст каватли уйларға /1-2 каватли/
- урта каватли уйлар /3-5 каватли/ уйлар умумий фойдаланиладиган зинаполяр орқали вертикаль боғланиши имкониятиға эғадирлар.
- Куп каватли уйлар /6-9 кават/ улар умумий фойдаланиладиган зина-поляр ва лифтлар орқали вертикаль/тикка/ боғланиш имкониятиға эға.
- Баланд каватли уйлар /9 каватдан юкори/ умумий зинапоядан ташқари улар 2 та лифтға эғадирлар.
- Паст каватли уйлар тархий тузумиға қараб қуйидагиларға бўлинадилар:
- Якка тартибдаги уйлар /уй хонадон/.
- Бирлаштирилган уйлар /2 хонадонлик/
- блокли куп хонадонлик уйлар, кетма-кет уланиб кетган блокка бирлаштирилган буладилар.

Урта ва юкори каватли куп хонадонли уйлар тархий системаларига қараб бўлинмали /секцияли/ галерияли, йулакли, бир бўлинмали /ёки нуқтали/ ва аралаш хилдаги уйларға /секция галерея, секция йулак ва бошқаларға бўлинадилар.

Бўлинмали уйлар ҳар хил сизимдаги хонадонлар /бир хонали хонадонлардан то куп хонали хонадонларгача/ ишлатилади. Бу тархий хилдаги уйлар қурилишида энг куп ишлатиладиган ва тарқалган бўлиб универсаль аҳамиятға эғадир. Бу хилдаги уйларни ишлатиш /3-4 хонали ва куп хонали хонадонлар учун қулайдир.

Галерея типдаги уйлар вертикаль /тикка/ боғланишға эғадирлар /зинапоя ва лифтлар/ ва горизонталь боғланиш булган галереялар қупинча кам хонадонлик булган хонадонлар учун ишлатиладиган, қаерда секция типдаги уйлар тежамқорлик жихатдан ёмон натижа берса, /зинапоя ва лифтларға кам зуриқиш булса/ галерея типдаги уйларда зинапоя ва лифтлар орқали вертикаль боғланишға зуриқиш қуп тушади.

Йулакли хилдаги уйлар ҳам галерея уйларға ухшаб вертикаль ва горизонталь /йулаклар/ орқали уйлар каватлари билан боғланишға эғадирлар. Бу уйлар ҳам вертикаль боғланиш воситаларига етарли даражада зуриқишға эға бўлиб, улар кам хонали хонадонлар қурилишида унумли хисобланадилар.

Бир бўлинмали /бир булакли/ уйлар тархий ечимлари буйича куп секцияли уйлардан катта фарк қиладиган ва тархий ечимлари алохида гуруҳға бўлинадилар. Бир бўлинмали тархий системаларни ҳар қандай хонадонлар учун ишлатиш мумкин ва шунинг учун улар универсаль хисобланадилар. Улар қупрок куп каватли ва баланд каватли уйлар учун ишлатиладилар /башенный тип/. Мавзеларни /микрорайон/ларни жойлаштириш ва силуётларни яхшилаш урта каватли уйлар билан бирға аралаш қуриш учун хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Бўлинмали (секцияли) уйларнинг афзаллиги қандай?
2. Хонадонли турар уй-жойларнинг турлари?
3. Галереяли, коридорли типдаги уйлар ечимлари.
4. Бўлинмали-галереяли типдаги уйлар.

Маъруза-7

Якка тартибдаги уй-жойлар.

Режа:

1. Якка тартибдаги уй-жойлар турлари.
2. Турар жойларнинг шаҳарсозликда жойлаштирилиши.
3. Кам каватли уйларнинг тархий ешими.
4. Кам каватли уйларнинг ховлилик турлари.

Якка тартибдаги уй-жойлар

Якка тартибдаги уйлар 2 хил қуринишига эга буладилар: шаҳар ва кишлоқ уйлари. Улар бир-биридан ховли юзасини сатхи ва уларни ишлатиши услуби билан тула фарқ қилади ва уйлар меъморий-тархий ечимларини бир-биридан ажратиб туради. Якка тартибдаги шаҳар уйларни ер сатхи унча катта булмасдан /200-400м²/ ташкил этади ва улар асосан ёз вақтларида фойдаланадилар. Ховлиларда ховузлар, гулзорлар, соябонлар, супалар болалар майдончаларни ва дарахтлар утказилиб, ёзги ошхоналар ташкил қилинади. Уйга кириш куча томонидан ташкил қилинади.

Биринчи вариантдаги ечим албатта иктисодий тарафдан тугри бу-либ кучанинг чузилиб кетишдан сакласада, иккинчи вариантида кучанинг узунлиги 3-4 марта купрокдир.

;

Турар уй жойлар. Шаҳар ва кишлоқ уйлари 1-2 каватли қилиб қурилади. 2 каватли уйларда ховли билан тугридан тугри боғланиши уларни 2 ярусга жойлаштириш ҳисобига эришилади. 2 каватли уйлар бир каватли уйлардан афзаллиги билан фарқ қилади, чунки улар ер сатхини том сатхини, пойдевор ва цокол ҳамда уй хажми 2 марта қис-қартирилишига олиб қелади ва шу билан уларнинг нархини арзонроқ булишига сабаб булади.

Лекин кишлоқ аҳолиси 1 каватли уйларни қурилишга мойилроқ буладилар, чунки улар ер билан узвий боғланган буладилар /горизонталь буйича/ ундан ташқари 1 каватли уйларнинг тархи оиланинг усишига мос булиб, купинча уйларни қуришга қулайдир. Уй майдончасини купайтириш учун шароит булса бу жамоа хужалиги ишчиси учун қулайдир, чунки узлаштирилган ерни бошқа ерга алмаштириш бу қийин ва ноқулайдир.

Паст каватли уйларни куп томонга қаратилиши /ориентацияси/ куп каватли биноларга қараганда унча катта аҳамиятга эга эмасдир, чунки паст каватли бинони дарахт ва буталар билан ураб уларни қуёшдан саклаш мумкин.

Шунинг учун бинони гарбга қараб қуриш мумкин. Бундай уйларда факат ётоқхоналарни шимол томонга қаратишдан сакланиш лозим у ерда яхши санитар гигиена шароитини яратиш лозим. Ваннахона ва хожатхоналарни табиий ёритиш тавсия этилади, чунки бундай биноларда бунга имконият бор. Икки каватли уйларда хожатхонани дахлизда ёки /шлюзда/ ваннахона эса хожатхона билан бирлаштирилган ҳолда 2 каватда жойлаштириш мумкин.

Кир ювиш асосан ваннахонада бажарилади. Ваннахонанинг 2-инчи каватида жойлашиши ноқулайлик тугдиради. Шунинг учун энг қулайи ошхона энига махсус кир ювадиган хона /кир ювиш машинаси, сув кетадиган жой, дазмоллаш ва қийимларнинг тахлайдиган жой, қуриши шкафи/ жойлаштиришдир.

Ховли биноларни қуришда асосан маҳаллий қиммат булмаган қурилиш материалларидан фойдаланиш керак: хом гишт, пишган гишт, паҳса ганч, алебастр ва хокзолар. Аммо кишлоқ қурилишни индустриаль ва механизация усули билан тез қуриш учун заводда тайёр буладиган элементлар: блоклар, панеллар, темир-бетон, ёпқичлар ва бошқаларга утиш тугри келди ва булар ховли уйларнинг лойихалари характерига таъсир қилди. Шунинг учун заводда тайёр буладиган элементларнинг улчовига қараб лойихалаш пайтида бино улчовлари шу элементлар улчовига қараб олинади.

Аммо маҳаллий қурилиш материаллари хали ҳам уз қимматини йукотгани йук ва шунинг учун меъмор олдида уларни заводда тайёр буладиган қурилиш материаллари билан аралаштирилиб ишлатилиш вазифаси қуйилади.

Бу категорияда бинолар уч хил тархий қурилишига эга: бўлинмали, галереяли ва блокли. Турар жой биноларини оммавий қурилишига утилгандан кейин шаҳарларда секцияли уйларни қуриш кенг ривожланди. Урушдан сунг дастлабки йилларда 2 каватли андозали /типовой/ лойиха буйича /210 серияли/ турар жой биноларини қуриш кенгайди. Бу секциялар билан Тошкентда ва бошқа шаҳарларда бутун бошли маҳаллалар /массивлар қурилиши бошланди.

1 каватли блокли ва 2 каватли бир хонадон учун мулжалланган биноларда ховли билан узвий боғланиш мумкин. Шунинг учун блокли тархий системадаги паст каватли биноларгина Ўзбекистон шароити учун энг қулай деб топилган бу бинолар оммавий қурилишга тавсия этилган.

А). Кам каватли ховлили уйлар.

Бу хилдаги турар жой уйлари шаҳар маҳаллаларида /кичик туманларда/ куп оилалиларга мулжалланган. 1 каватли уйлар асосан кишлок жойларида ва ноҳия марказларида фойдаланилиб ҳозирги пайтда шаҳар четларида ва ниҳоят шаҳар марказларида ҳам шу усулдан фойдаланиляпти. Ҳозирги пайтда кишлок жойларида яшовчи оилалар томоркадан унумли фойдаланилмаётгани туфайли блокли уйлар яъни 2 каватли хонадонлар ишлатиляпти. Хар бир хонадон учун /50-100 м²/ томорка ажратилган, ёзнинг илик кунларида уз вақтларини утказиш учун томоркада гулзорлар, ёзги соябонлар, ховузча, болалар уйнаши учун кум яшиги ва хокозалар иборат булиши мумкин.

Лойиха 2 каватли томоркали уйлардан тубдан фарк қилмайди, фарқи шундаки бу уйларда факат 2 карама - қарши томонга ёруғлик бериш мумкин /томоркали уйларда эса 3-4 томони очик ёруғликни хоҳлаган томондан бериш мумкин/ Хонадонга қириш асосан куча томондан ташкил этилган булиб ёки йулак билан умумий хона ва ошхонадан ховлига чиқишга қулай шароит яратилган булиши керак. Ёзги хона /айвон/ асосан ховли томонга жойлашган булиб, умумий хо-на ва ошхона билан чамбарчас боғланган булиши шарт. Бу уйлар "қизил қизикдан" 6 метр ташлаб қурилади. Уй олдида пан-жарали гулхона ва қириш ва чиқиш учун дарвоза ёки эшик урнатилади. Томорканинг орқа томони эса тор хужалик қучасига қаратилган булиб унинг хужалик хоналари шу томонда жойлаштирилган булади.

Уй атрофига гулзорлар, ховузлар, ёзги ошхона, соябонлар ва дарахтлар утказилади. Ундан қолган ер сатҳи сабзавотлар ва мевали дарахтлар узумзорлар учун ишлатилади. Гараж учун ҳам қулай жой танлаш зарур. У уй ичида /состав/ида ҳам булиши мумкин. Уйларни қулай жойлаштириш учун уларни бирлаштириб яъни битта том тагида жойлаштириш мумкин.

Саволлар:

1. Яққа тартибдаги уйларнинг шаҳарсозликдаги урни.
2. Кам каватли уйларнинг турлари.
3. Кам каватли уйларга қуйиладиган талаблар.
4. Кам каватли уйларнинг тархий ечимлари.

Маъруза-8

Турли каватли турар жой бинолари.

Режа:

1. Урта каватли уйлар.
2. Булинмали уйларнинг лойихавий ешимлари.
3. Куп каватли уйларнинг турлари.
4. Баланд каватли уйлар.

Б). Урта каватли уй турар - жой бинолари.

3-5 каватгача булган уйлар урта каватли турар жой бинолари турига киради. Бу хилдаги уйларда хонадонлар лифтсиз ва факат умумий зинапоя оркали боғланади. Уларни курилмалари оддий булиб, завод курилмалари ва индустриал булиши мумкин. Бу хилдаги турар жой курилиши зич курилиш булиб, сахар ерини кам эгаллайди. Хамма замонавий кулайликни ишлатиш мумкин, курилиш иктисодий ва фойдаланиш хам кулайдир. Хозирги вақтда бундай уйлар асосида турар жой курилиши сахарларни ташкил этади. Секин аста бундай уйлар кишлокларга хам таркаляпти.

Кейинги пайтда катта тура ржой дахаларининг ривожланиши натийжасида Тошкентда ва Узбекистоннинг бошка сахарларида кенг микесдаги 4-5 каватли тура ржой бинолари кад кутара бошлади, шундан сунг курилиш материаллари, курилиш-техник базаси ташкил этилди, темир-бетон конструкторлик заводига укшаш, панели уй курилиш комбинатлари, бир канша андозали сериали, панели, синч-панелли бинолар курилиши йулга куйилди. Курилш жараенида булар кенг куламда ишлатилди ва купгина ишлар индустриаллашди ва механизациалаштирилди. Эксприментал лойиха ишлари кайтадан куриб чикилди ва якши томонга узгартирилди.

1966-йил 26 апрель куни Тошкентда ер кимирлагандан бу ишлардан кенг куламда фойдаланилди. Урта каватли тура ржой бинолари курилишда енг асосий уринни эгаллади, тура ржой курилишида эса бутун республикамизда кенг ейилди. Урта каватли уйларда лойиха туркумларининг булинмали(секцияли), булакли, коридорли, битта булинмали, йулакли(галереяли), булинмали-коридорли усулларини кенг куламда ишлатиш мумкин.

Булинманинг туркум лойихасида хонадонларни хар хил катталиқда бир хонадонли хонадондан тортиб куп хонали хонадонларни лойихалаштириш мумкин. Уларнинг афзаллиги шундаки унда урта катталиқда ва куп хонали хонадонларни лойихаси жойлаштириш мумкин. Булинмали туркум лойихаси кенг микесда ишлатилади, чунки у амалиётда текшириб курилган булиб, унинг лойихаси оддий ва харажати кам.

Йулакли туркум кам хонали хонадонларни курилишида ишлатилади /1-2 хонали/ Узбекистон иклим шароитига тулик жавоб беради. Шунинг учун йулакли турар жой бинолари андозали турар жой бинолари таркибига киритилган.

Коридорли туркум лойихаси.

Йулакли туркумга нисбатан бу туркум анчагина арзонга тушади чунки бу туркумда коридорни икки томонига хонадон жойлаштириш мумкин, корпуси кенгайди, коммункация тежамлашади. Узбекистон шароитида бу туркум нокулайдир чунки бунда хонадонлар бир томонга караб колади хамда елвизаклик шамоллатиш йуколади.

Узбекистон иклим шароитида тулик жавоб бера олмагани учун ундан кам куламда фойдаланилади.

Бир булинмали ёки нуктали туркумда бир каватда тулик 4 хонадон жойлаштириш мумкин. Кулайлиги шундаки унда кам ва урта хонали хонадонлар хам жойлаштириш мумкин. Шунинг

учун бу туркум универсалдир. Ихчам жойлашган булиб зинапоядан кейин унумли фойдаланилади. Кенглиги /корпус/ хам анча купаяди. Аммо 3-5 каватли уйларда булар узини куринишини йукотади нисбати /пропорция/си кубга якинлашиб қолади. Шунинг учун ундай туркум урта каватли уйларга уз кимматини йукотади. Асосан бу туркум куп каватли уйлар курилишида ишлатилади.

Коридорли булинмали туркум бир каватли уйларда уз ахамиятини йукотади. Шунинг учун Узбекистон иклим шароитда бундай уйлар тавсия этилмайди. Дахаларда курилишида бир неча тархий туркумлар тавсия этилади, лекин булинмали, йулаккли булинма туркумларидан купрок фойдаланилади, чунки булар демокрафик талабларга жавоб беради, хамда кам хонали ва куп хонали хонадонларни унумли хал килиш осон булади. Ундан ташкари хар хил туркумдаги лойихалар курилишда дахаларни хар бири узига хос хар хиллик ва гузал ансамблларини ташкил этади.

Урта каватли уйларнинг асосий курилмалари. /конструкциялар/

Урта каватли турар жой бинолари асосан 3 та курилмадан иборат булиб:

- гиштан кутариб турадиган девор ва тусиб турадиган курилма.
- йирик панели кутариб турадиган девор ва тусиб турадиган курилма
- панелли ва синч гиштли курилма.

Куп ишлатиладиган курилма бу гиштли кутариб турадиган деворли булиб уни тулик индустриал ишлатиб булмайди, шунга карамай у жуда куп таркалган. Бу курилма яхши узлаштирилган булиб, хар хил ихчам лойихани ечишга кучли ер кимирлашда узининг мустахкамлиги билан фарк килади. 5- каватгача булган биноларда катта гишт завод базалари Республикани гишт билан таъминлаб тура олади. Шунинг учун пишик гиштан курилиш хали анчагача давом этади.

Тошкентта, Навоий, Фаргона, Самарканд, Нукус ва бошка шахарларда катта панели курилиши кенг куламда кулланилади. Катта заводлар курилган жойларда панели ва темир-бетон буюмлар уй курилиши комбинати булса, таерлаш вахтини кискартириши ва курилиш нархининг камайиши, заводда таерлаш сифатини ошиши урта каватли тура ржой биноларини еуришда анча кул келади.

Замонавий йирик панели уйларнинг хам камчиликлари бор. Ундаги енг катта камчилик-иссиклик саклаши ва товушни утказиши. Езда уйларнинг каттик исиб кетиши, курилиш натижасида дахалар жуда зерикарли, бир хил куринишда булиб қолиши хам шу камчиликлар жумласидандир.

Куп каватли турар жойлар.

Куп каватли турар жой уйларига /расм -30 -32 / 6- каватдан 9- каватгача булган уйлар киради. Урта каватли турар жой уйларидан фарқи шуки бу уйларда албатта лифт жойлаштирилган булиши шарт. Лифт булгани билан зинапоя урнига утмайди зинапоя вертикал йуналишда мухим роль уйнайди.

Шунинг учун зинапоя курилишига катта ахамият бериш керак. Ёнгиндан, ер кимирлаш чидамлигига эътибор бериш керак, яъни зина-поя мустахкам ва чидамли материалдан килинган булиб, димикмай-диган зинапоя булиши керак. Зинапоя майдонидан унинг икки томо-нига чикадиган очик йул булиши керак. Норма буйича зинапоя май-дони иситилиши шарт эмас, лекин кулайлик булиши учун иложи бул-са иситиш керак. Зинапоялардан ташкари куп каватли турар жой уйларида бошка чикиб кетиш йулларини яъни икки кушни орасидаги балконлар ёки айвонлар оркали бир биридан утадиган йулни хам эътиборга олиш керак.

Куп каватли турар жой бинолари курилишида хам хамма лойиха туркумлари ишлатилади. Булинмали, йулаккли, йулаккли-булинма ва нуктали (бир булинмали) куп каватли тура ржой бинолари курилиши миноралари деп аталади.

Айникса куп тавсия этиладиганлари булинмали, /секцияли/, йулаккли туркумдир.

Бу туркум универсаль булиб, куп хонали ва кам хонали хонадонларни тулик ечишга: иктисод томондан ҳам ютиш мумкин. Куп каватли уйларни узунлиги куп масофани эгаллаши билан бирга анчагина жойга уз сояси билан халакит беради, шунинг учун узунлиги камайтиришга тугри келади. Буларни эътиборга олсак 1 та булинмали уй купрок тугри келади.

Уйларни каватларини купайиши хонадонларни табиат манзаралари билан богликлик узоклашмоқда шунинг учун бундай уйларда ёзги хонадонларга катта ахамият бериш керак. Уларнинг майдонларини купайтириб хар хил гуллар билан кукаламзорлаштириш кичик богчалар хосил килиш керак, икки баравар баланд айвонлар яъни улар 2 каватлик баландликка эга булган, ховлилар булиши мумкин. Уларнинг кукаламлаштириш афзаллиги шундан иборатки, улар хонадонни кучадан тусиб туради. Яна хар хил чанг ва товушлардан асраб туради. Текис том устидаги очик майдонлар умумий майдонларга айланиб колиши мумкин, ундан ташкари шу уйда яшовчи кишиларни дам оладиган жойига айланади.

Текис томонлари кукаламлаштириш томларни ёзда исиб кетиши-дан саклайди ва хонадонларни хавосини анча пасайтиради. Куп кават-ли уйларда келажак дастурида очик каватлар ёки умумий фойдаланиш учун хар хил максадни кузлаб уйнинг бир тарафи очик ёзги айвонлар колдириш кузда тутилмоқда .

Юкорида курсатилган туркумдан ташкари коридорли ва йулакли хонадонлар лойихаси ҳам кулланилади. Бунда 2 каватга бир хонадон жойлаштирилади. Бир каватга жойлашган коридорли хонадонларга нисбатан бундай хонадонларда елвизак масаласи осон ечилади, ҳамда тугрима-тугри шамоллатиш хал булади, булардан ташкари хонадонлар икки тарафга караган булади. Бу билан ориентация масаласи ҳам хал булади.

Йулакли уйларда хонадонни 2 каватга жойлаштириш анча йулакни кискартиришга олиб келади.

Куп каватли уйларни Ўзбекистонда куриш якиндан бошланди. Биринчи булиб Навои шаҳрида /9 каватли йулакли уй/ курилди. Кейинчалик Тошкент ва бошқа шаҳарларда курилади бошланди. Шаҳар жойидаги ерларни аяш натижасида Тошкент ва бошқа катта шаҳарларда куп каватли уйлар курилиши авж олди.

Баланд каватли турар жой уйлари. Бу хилдаги уйлар кейинги пайтда Ўзбекистонда курилади бошлади. Бу уйлар ер иктисоди томонидан анча кулайдир. Куп каватли уйлардан фарқи шуки, бу уйларда камида 2 лифт урнатилган булиши шарт /одам ташийдиган ва юк ташийдиган/ бир булинмага ва блокка жуда баланд уйларда тез юрадиган лифтлар урнатилади.

Ердан богликлиги узилиши туфайли бундай уйлардаги ёзги хоналарга катта эътибор бериш талаб этилади яъни улар майдони анча катта булиши шарт. Шахсий ёзги хоналардан ташкари умумий ёзги хоналар булиши керак. Бир-икки булинмали уйлар оптимал вариант деб хисобланади. Бу типдаги уйлар дахаларни хар хил куринишга олиб келади. Кам каватли уйлар ва урта каватли уйлар орасида булар дахаларда жойлаштирилади. Куп каватли ва баланд каватли уйларни асосий курилмалари. Бу биноларни лойихасида асосий талаблар ишлатилдиган материалларни огирлиги ва курилмаларни иложи борича камайтириш. Бу айниқса каерда зилзила буладиган жойда ахамиятлидир.

Шунинг учун куп каватли уйларда синч панели курилма, енгиллаштирилган панеллар ишлатилади. Темир-бетонли еки пулатган синч булиши мумкин. Устун ва ригел ораси жуда кенгайиб кетмаслиги керак, бу баланд каватли биноларда оралик катта булмаслиги учун ахамиятлидир.

Келажакда куп каватли уйларни куришда синч хажмий элементларидан фойдаланиш кузда тутилапти. Баланд каватли уйларда еса пулат синчли булиб, хажм элементи билан тулдирилади. Бундай уйлар уз афзаллиги билан ажралиб туради, яъни уларнинг курилиши енгиллашади. Заводдан тайер элементлар келтирилиб, иш ҳам осанлашади.

Уларни хар хил усулда жойлаштириш мумкин, бунинг оқибатида меъморий куриниш анча бойийди. Охирги пайтда бундай уйларни купчилигини Сергели дахаларида жуда куп учратиш мумкин. Хозирги пайтда купгина уйлар куйма темир-бетонда куриляпти. Бундай уйларда

факат тугри шакл эмас, балки бошка хар хил шаклларни ишлатиш мумкин бу эса мъморий куринишни бойитади ва жуда катта зилзилага бардош беришини таъминлайди.

МАЪРУЗА -- 9

Турар жой уйларини хонама-хона жойлаштириш.

Режа:

1. Хонама-хона жойлаштириш турлари.
2. Ётоқхоналар, ердамши хоналар турлари.
3. Хизмат курсатиш хоналари.
4. Мехмонхоналар, дам олиш хоналари.

Хоналарга булинган турар уй-жойлар ойлаларни хонама-хона жойлаштиришга мулжалланган булади. Бу уйларда умумий маиший хизмат булимлари жойлашган.

Бу турар жойларда елгиз ишчилар, талабалар, хунар-техника билим юртлари ва мактаб-интернатлар укувчилари яшайдилар. Мехмонхона ва дам олиш уйларида эса мусофирлар, саехатчилар ва дам олувчилар яшайдилар.

Бу турдаги уйларга асосан ётоқхона, мехмонхона ва дам олиш уйлари ва бошка ахамиятига эга булган уйлар киради. Хажм жихатидан турар жой биноларига нисбатан анча фарк килади. Лекин кейинги пайтларда бу орадаги фарк анча камайяпти. Бу бинолар лойиха тузуми хар хил булиб, уларнинг фойдаланиш максадларига караб узгаради, у ерда истикомат киладиган кишилар ёшига уларнинг хаёт тарзига бошкалар-га боглик. Энг куп кулланидигани хонама-хона жойлаштириш турла-ри ётоқхоналар, кенг куламда куриладиган объектидир.

А). Ётоқхоналар.

Ётоқхоналар яшаб турадиган шахслар контингентига караб куйидаги группаларга булинади:

- мактаб укувчилар интернати
- талабалар ётоқхонаси ёки колледж укувчилари
- якка ишчи ёшлар ётоқхонаси
- кариялар уйи

Мактаб укувчилар интернати асосан кишлок жойларида курилади, қачонки битта мактаб бир неча ахоли пунктларга хизмат киладиган булса 6 укувчига 1 хона мулжалланган булади. Укувчилар маиший хизмат курсатиш хонаси керакми йукми бино хили аниклайди. Хозирги пайтда талабалар билан ёш ишчилар уртасида маданий ва яшаш шароитлари орасида фарк колмади деса булади. Купгина ишчи ёшлар сиртки ёки кечки укув олийгохида, ёки билимгохларида укимоқдалар. Шунинг учун улар хам дарс тайёлаш хонасига мухтождирлар. Талабаларни ва ишчи ёшларнинг маданиятини ошиши билан бир каторда уларнинг талаблари хам орта боради. Улар орасидаги фарк камаяди.

Ишчи ёшларнинг купрок куч талаб киладиган мехнатдан аклий мехнатга утиш уларда катта аклий усиш ривожланганини курсатади. Шунинг учун ишчи ёшларга ва талабаларга алохида ётоқхоналар ташкил этишнинг хожати йук.

Ёши ва маълум бир хаётгий йули, одати ва маошининг микдори хар бир ёлгиз ишчи учун ётоқхонани турига нисбатан талаблар орта боради, шу бунни курсатадики, уларга хос ва мос булган турли хилдаги ётоқхона куриш зарурияти пайдо булди. Кексалар ётоқхонаси алохида уринни эгаллайди чунки булар доимий маданий ва маиший тиббиёт хизматидан фойдалана олишлари керак. Охирги пайтда кариялар уйига катта ахамият бериляпти ва бир неча андоза /типовой/ хилдаги уйлар лойихалари ишлаб чикилмоқда.

Ишчилар ва талабалар ётоқхонаси хар хил тура ржой бинолари ичида енг куп кулланиладиган туридир. Бу хилдаги хонама-хона жойлаштириш ётоқхона курилишиди йилдан-йилга купайиб бормакда, чунки шахар кенгайиб бормакда, халк истеъмол буюмлари ишлаб чикариш корхоналари купайиши ишчи ва хизматчилар контингентининг ошишига, кишлок жойлардан ешларнинг шахарга куплаб келишига, олийгох ва

билимгохларнинг жуда кўпайиб кетиши асосий сабабдир. Умумий тура рўй курилиши хажмида ётоқхона курилиши энг муҳим уринни ташкил этади.

Ётоқхона курилишида ётоқхона биринчилардан ҳисобланади, янги ҳилдаги типик ётоқхоналар лойиҳасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Ўзбекистонда биринчи ётоқхоналар асосан олдинги Совет давлати даврида қурилди, биринчи қурилган ётоқхоналар асосан бир каватли бўлиб, унча катта бўлмаган ва қулайликлар яратилмаган. Биринчи 5 йиллик даврида ишчилар ва талабалар учун эса 2-4 каватли ётоқхона қулайликлари билан қурилади бошлади. Бу бинолар яққа ҳолда бўлиб шахсий лойиҳалар бўйича қурилган.

Биринчи андозали лойиҳа 2 каватдан иборат бўлиб, 100 та уринга мулжалланган андозали серия бўйича турар жой лойиҳалари бинолари /210/1946 йил кейинчалик 400 уринли турт каватли андозали лойиҳа амалга ошган. Замонавий ётоқхоналар турар жой хонаси ёрдамчи хоналар ва умумий маиший хизмат курсатиш хоналаридан иборат бўлиши керак.

Катта ҳилдаги ётоқхона биноларидан фойдаланиш қулайдир.

Ётоқхоналарни кенгайтириш қурилишида тежамкорлик ва фойдаланиш қулайликлар яратади уларни ҳар ҳилдаги уй комплексига айлантириш мумкин. Турар жой хоналарига бир хонада 1 ёки 3 та кроват жойлаштирилади. Битта одамга 6 м² майдон мулжалланган, лекин битта кроватли хона 8 м² дан кам бўлмаслиги керак. Ётоқхона универсал аҳамиятга эга шунинг учун бу хонада кроватга жой, стол-стул қуйиладиган жой, кийим иладиган жой, китоб жавонини албатта эътиборга олиш керак. Кроватлар ойна олди-дан ёки совуқ девордан 60 см нарида қуйилади. Кийим иладиган жой эшикка яқин ёки ойна олдида жойлаштирилиши керак. Токчалар ишлатиш ёки кутариб қуядиган кроватлар, устма-уст кроват жойлаштирилса жой анча кенгайиб қолади, лекин фойдаланишида кийинчилик яратилади.

Бир кроватли хона кенглиги камида 2,2 м икки кроватли хона камида 2,4 ва уч кроватли хона камида 3м бўлиши керак. Хона узунлиги 3,5мдан 6 метргача бўлиши керак. Ётоқхона ориентациясига катта аҳамият бериш керак, қолган хоналарни бошқа оптимал қулай томонга қаратиб елвизакка катта эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади, Лекин ётоқхонада бу хона бир ваҳтта ҳам дам олиш учун ҳам овқат ейиш, ҳам дарс тайёрлаш учун бўлганлиги сабабли бу хонани ориентациясига ва елвизакка жуда катта аҳамият бериш керак. Агарда бу қулайликлар бўлмаса унда бундай ётоқхонадан фойдаланиб бўлмайди. Шунинг учун қулай бўлмаган ориентацияга қаратиб қуриш керак эмас /шимол, шимолий шарқ, ғарб ва жанубий ғарб/. Энг қулай ориентация бу жануб ёки шарқ ва жанубий шарқдир. Ойналарга қўшга қарши тусилмалар урнатиш керак.

Ётоқхоналарда қулайлик яратиш учун хоналар енига дахлизларни жойлаштириш керак ва буерда кийимлар илиш учун дорлар, қул ювиш учун жихозларга эътибор бериш керак. Иложи бўлса гардероб хонаси жойлаштирилиши керак ва шу дахлиз бир нечта хона учун хизмат қилиши мумкин. Энг муқаммал лойиҳалардан бири, бу 2-3 хонали меҳмонхоналарга ҳос умумий дахлиз ва кийим илиш гардероби, санитар блоки-ванна еки душ, қул ювадиган жихозлар, аёллар хонаси бўлиши керак.

Ёрдамчи хоналар.

Ёрдамчи хоналарга вестибюль, зинапоя, лифт, йулақлар қиради. /горизонталь ва вертикаль боғланиш/хизмат курсатиш хоналари ошхона, туа-лет, умивальник, душ ёки ваннахона омборхона тоза ва кир чойшаблар сақланадиган жой, устки кийим ва оёқ кийим тозаланадиган жой, дазмоллаш хонаси, хизмат қилувчи ходимлар хонаси, комендант, шифоқор хонаси ва изолятор хонасидан иборат.

Ётоқхона вестибюлида гардероб урнатилади, чунки кийим бошлар турар жой хонасида сақланади. Вестибюль майдони ҳар бир яшовчига 0,25-0,30 м² ажратилганлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланади. Вестибюльнинг аҳамияти хонага қиритиш назорати ва келиб-кетувчилар билан учрашиш жойи ва хоказолар. Шунинг учун бу ерда қоравулхона учун стол ва стул келиб кетадиганлар учун диван ва кресло журнал столиқларига аҳамият бериши

керак. Катта хажмдаги ётоқхоналарда китоб ва газеталар киоскалари, газ сувлари буткалари муз каймоқ бутерброд учун сотув автоматлари урнатилиши мумкин. Вестибюлда албатта кийим куриштиш учун электро-куриштиш ва вентилиацион шкафи булиши керак. Буларнинг майдони ётоқхона хажмига боғлиқ 6м² дан 10м² булиши мумкин. Вестибюлда ёки унга яқин жойга зинапоё жойлаштирилади, вестибюлдан яққол куриштиш туриши маршнинг кенглиги 1,5-2,0м ёки уч маршли зинапоё булишлари мумкин. Унинг урта марши кенглиги 3,0м ёнидагиси 1,5м. Зинапоё табиий ёруғлик билан ёритилиши шарт. Турт каватдан юқори булган ётоқхоналарда лифт урнатилади. Асосий зинапоёлардан ташқари хизмат килувчи зинапоёлар ҳам эътиборга олинади. /биратула эвакуация ишини бажарувчи/ энг узок хона эшигидан зинапоёгача булган масофа камида 25 метрдан ошиб кетмаслиги керак. Бу зина маршнинг кенглиги 1,05м булиши мумкин, киялиги 1,1:1,75. Асосий зинапоё очик булиши мумкин, хизмат килувчи зинапоё ёнгина булганда ташқарига чикиб кетиши мумкин. Хамма зинапоёларни ёнгина чидамли материаллардан куриштиш ва зилзилага чидамли булишларини эътиборга олиш керак. Куп каватли катта ётоқхоналарда лифтлар урнатилади. Лифтлар узининг катта утказгич қобилиятига эга булиб, шунинг учун бу ерда юк ташиш лифтлари урнатилади 6-10та одамга мулжалланган булади. Лифтлар зинапоё урнига утмайди, зинапоё уз ахамиятини саклаб қолади. Зинапоё ва лифтларни бир клеткада жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Камида меъёр буйича бир лифтга 40 та яшовчи одам туғри келади.

Йулак орқали хоналарга кириш мумкин. Йулаклар асосий ва хизмат йулакларига булинади. Асосий йулаклар орқали вестибюл ва асосий зинапоёларга боғланади. Асосий йулаклар эни камида 2м булиб, ён томонидан ёки бурчакдан ёритиш керак. Хизмат йулаклари эса хизмат зинапоёлари ва турар жой хоналарини ёрдамчи хоналар билан боғлашда ёрдам килади ва эвакуация қилишда фойдаланилади. Хизмат қилиш йулагининг эни 1,2-1,5 булиб, ёруғлик бурчакдан берилади. Хамма йулаклар ёнгина қарши қучли булган материаллардан ишлатилади. Пол эластик булиб, ёнгил ювиладиган ва сув утқазмайди булиши керак. Йулаклар бир томонлама ёки икки томонлама куриштиши мумкин, энг арзони икки томонлама курилгани булиб, чунки бу ерда коммуникация масофаси қисқаради. Лекин бундай йулакларга факат бурчак томондан ёруғлик берилади бу эса шамоллатишни ёмонлашти-ради. Шунга қарамай икки томонлама йулаклардан фойдаланиш кенг қуламда ишлатилади. Бир томонлама йулакчи ётоқхонада шамолла-тиш яқши булади, лекин коммуникация узунлашиб кетади. Унинг кенглиги камайиб кетади, бу эса ёзда уйнинг исиб кетишига қишда тез совиб кетишига олиб келади. Шунинг учун бир томонлама йулакчи ётоқхона иқтисод томонидан куриштишда фойдаланиш ноқулай. Бундай ётоқхоналарни куриштиш унча ахамиятга эга эмас. Аралаш йулакчи куриштишда бундай камчиликлар йукотилиб, шу аралаш хилдаги ётоқхоналарга катта эътибор бериш керак. Лойиҳалар йулакчи турқумда ҳам булиши мумкин. Булар асосан кенг холлар орқали зинапоё клеткаси ва улар орқали турар жой хоналари, умумий хоналар билан боғланган булишлари мумкин. Бу хилдаги ётоқхоналар қулайдир, аммо иқтисодий томони яқши эмас, чунки катта майдонлар ҳосил булади. Булинмали турқумда қачонки булинмалар алоҳида-алоҳида булиниб, зинапоё лифт клеткаси билан ҳар каватда боғланади, шундай қилиб йулакчи хал булади, лекин зинапоёда лифтлар клеткаси қичраяди. Шунинг учун йулакчи ётоқхона афзалдир. Булинмали ётоқхона йулакчи хал булмайди. Барибир хоналар йулаклар орқали умумий хоналар билан боғланади.

Катта ётоқхоналар куриштишда булинмали, йулакчи аралаш система ишлатилса, бундан катта афзалликларга эриштиш мумкин.

А). Сан-техник жиҳозлари.

Улар асосан қул ювиш жиҳози /умивальник/, туалет: душлардан иборат. Сантехник жиҳозлари жойлашган хоналар табиий ёруғлик ва табиий шамоллатиш булиши шарт, албатта сунъий шамоллатиш йули ҳам булиши керак. Уларнинг ориентацияси шимол. Шамоллатиш йули яшаш хоналаридан алоҳида булиши керак.

Хисоб буйича 5 кишига 1та кул ювиш жихози /умивальник/ хар бир кул ювадиган жихоз /умивальник/ орасида камида 1 метр булиб, кул ювадиган жихоз /умивальник/ урнатиладиган жой кенглиги 0,65м битта одамга камида 1,5 м² хожатхона норма буйича 1 унитаз 12 эркак кишига -8 та аёл кишига. Кенглиги 1 та кабинани 85 см узунлиги 1,2 м / худди турар жой хонадонлариники сингари/ очик кабиналар килиш ман этилади, эшиги ташкарига очиладиган булиши керак. Эркаклар булимида 12 кишига 1 та писуар урнатилган булиши керак. Йулакни эни кабинагача 1,0-1,2 м хожатхона майдони 1 каби-нага 2,4-2,5 м² хожатхона олдига кичкина шлюз урнатилган булиши керак, у умумий булиши мумкин хожатхона билан кул ювиш жихози /умивальник/ учун. Лойихада 12 одамга 1 та душнинг хажми 1,0x1,01 кабина очик ёки ёпик булиши мумкин, ечиладиган хона алохида ёки душ хонасига жойлашган булиши мумкин. Ечинадиган хона хажми 1,5м² битта урнига, бирга булса орасидаги масофа 1,5 алохида булса 1м душ майдони 1 кабинага 2-3 м² тугри келади.

Санузел хонасини катта намга эга эканлигини эътиборга олган холда яшаш хонасига таъсир этмайдиган булиши керак. Иложи булса уни бир четга ёки курилмадан алохида жойлаштириш керак, аммо иссик йул оркали боғланган булиши керак. Хар бир каватда эркаклар ва аёллар хожатхонаси ва ваннахонаси булиши керак. Душ хонаси битта каватда булиб биринчи каватда ёки подвалда булиши керак. Санузел поллари сув утказмайдиган материаллардан килиниб тез ювиладиган булиши керак. Бу талабларга мозаик ёки плиткали поллар тугри келади, кичкина киялик /уклон/ ва сув томчилари окиб кетадиган килиб, деворлари глаzur плиткалари билан облицовка килинади 1,5 м баландгача душ хоналари деворлари эса 2 метр.Томи нам ва буг утказмайдиган булиши керак. Ётокхоналарни хамма ку-лайликлари билан куриш учун унда хар бир турар жой хоналарида санузель лойихаланади./4 та хонагача/ Унда бир хонада хам хожатхо-на, хам душ, ваннаси кул ювадиган умивальник эътиборга олиниб улар хона билан шлюз оркали боғланади. Бундай санузелларига хонадон санузелидаги талаб куйилади. Буларни жойлаштириш яшаётган ки-шиларга кулайлик яратади, аммо кимматга тушади хамда коммуника-ция трубаларини жойлаштирилиши кийинлашади,санузелларни булин-маларида жойлаштириш, умумий хожатхона урнига утмайди щунинг учун хар каватда умумий хожатхоналар булиши керак.

Ошхона.Лойиха буйича ошхона х ар бир яшовчига 0,4 кв.метр хисобида булиб,унда чой,кофе ва овкат пиширадиган жой булиши керак.Улар хар бир каватта жойлаштирилади.Куп каватли булинмали ётокхоналарда ошхона,хожатхоналар хар тика каватга биттадан жойлашиши мумкин.Ошхонада 3-4 кишига битта электр еки газ плиткеси мулжалланган булиб,идиш-товок,озик-овкат ювиладиган,совуткич,стол куйиладиган жой булиши керак.Озик-овкат махсулатларини ва идиш-товоклар куядиган жой булиши керак.

Ошхона яхши елвизакка эга булиши керак ва сунъий хаво тортадиган тешиклар колдирилган булиши керак. Ошхона хам санузелларга ухшаб булинмаларида жойлашган булиб хужалик хоналар атрофига жойлаштирилади иложи борича алохида елвизак йули билан хаво алмаштиришга харакат килиш керак, турар жой хоналаридан холи булган холда жойлаштирилиши керак. Энг яхши ориентация ошхона учун-шимол. Пол сув утказмайдиган ва эластик булиши керак, буларга урамали /рулонли/ материаллар тугри келади. Деворлар мойли буёк билан буялади ёки глаzur плиткеси билан 1,5 метр баландгача безак /облицовка/ килинади.

Оёк кийим ва куйлак тозалаш хонаси хар бир каватда жойлашган булиши керак ва у хужалик булимида жойланиши керак. Унда дазмол килиш мумкин.Куйлак ва шимни керакли жихозларини яъни бир кишига 0,05м дан 0,08 м гача, камида 12-15 м² булиши мумкин. Ёзнинг иссик кунларида бу хоналар урнига хужалик айвонидан фойдаланиш мумкин. Бундай айвонларни иложи булса хар бир каватга жойлаштирган маъкул.

Хужалик хоналарида юмшок ва каттик инвентар жойлашиши ва тозалаш буюмлари сакланиши мумкин. Бу хоналар асосан биринчи каватда ёки ертулада /подвалда/ булиши мумкин. Чойшаблар фаррош-лар хонасида жойлашгани маъкул иложи булса бир хонада булиб 3-4 м² майдонни эгаллаши керак. Кир чойшаблар учун алохида битта хона булиб, у биринчи каватда ёки ертулада жойлашган булиши мумкин. У хона ётокхона буйича битта

булиб машина йулига кулай жойда жойлашган булиши шарт. Бу хона майдони 8-10 м² булиши керак, шу хонада асбоб-ускуналар /инвентар/ учун ҳам жой ажратиш керак.

Хизмат курсатиш ходимлари хоналари.

Хизмат курсатиш хоналари кисмига комендант хонаси, навбатчи хонаси, фаррош хонаси, техник ходим хонаси ва шифокор хонаси киради. Хамма хоналар иложи борича биринчи каватга жойлашгани /аммо фаррош хонаси/ хар бир каватда булиши максадга мувофик булади. Навбатчи хонасининг майдони 6-8 м² вестибюль билан албатта боғланган булиши шарт. Вестибюль якин жойда комендант хонаси ва техник ходим хонаси/слесарь/ жойлашиши керак. Улар майдони 10-12м². Шифокор хонаси 12-15 м² булиб, вакти-вакти билан ётокхонада яшовчиларни тиббий куригидан утказиш учун ва зарурият пайтида тиббий ёрдам курсатиш учун мулжалланган. Хона биринчи каватга жойлашиши керак. Юкумли касалликлар учун алохида хона 200 та уринга шу ётокхона яшовчилар учун 1 та кроват ажратилади. У хона касаллар учун бокс холда ёки йулак оркали узининг ваннаси, хожатхонаси алохида булиши тугри кучага чикиш йули билан ажрати-лиши керак. 1500 уринли ётокхонада юкумли касаллар хонаси урнига тиббиёт пунктини жойлаштириш керак. Юкумли касалликлар хонаси-ни шифокор хонасини ёнига биринчи каватга жойлаштириш керак.

Умумий фойдаланиш хоналари.

Бу хоналар катта ахамиятга эга булиб, ётокхоналарда асосан ёшлар учун мулжалланган, уларнинг аксарият купчилиги ёшлардан иборат булиб, катта ёшдаги одамлар эса маданий - маиший хизмат курсатиш ходимларига мухтождирлар.

Булар факат битта ётокхона учун эмас, балки бир неча гурух ётокхоналари шаарчасида жойлашган булиб ёшларга хизмат килади.

Ётокхоналар уринлари сонини орта бориши умумий хизмат курсатиш хоналарини кенгайтишига олиб келади. Шундан куришиб турибдики хар бир ётокхонада албатта дам олиш хонаси, мехмонхона, дарсхона ва буфет булиши шарт.

Дарс тайёрлайдиган хона хар бир яшовчига 0,6 м² хисобидан май-дон ажратилади. Энг яхши ориентация - шимол, ойна майдони худди синфлар хонасидек 1/4, 1/5 пол майдонидан олинади. Ўзбекистон иклим шароитида дарс тайёрлаш хонаси олдида ёзги хона жойлаштириш керак. Унинг майдони хар бир яшовчига 0,3 м² дан булиши керак. Имтихон пайтида бу майдон кушимча дарс тайёрлайдиган жой булади. Дам олиш билан дарс тайёрлаш хонасини ёнма-ён жойлатириш урнига йигма йигма тусиклар /перегородка/оркали булинса керак пайтида йигма тусиклар сурилиб фойдаланиш имкониятини беради. Хар хил мажлислар, лекциялар ва бошка маросимлар утказилиши мумкин. Йулаккли ётокхоналарда дарс тайёрлаш хонасини хар бир каватда, булинмали ётокхоналарда эса икки каватга битта жойлаштириш мумкин булади.

Хар бир ётокхонанинг уз буфети булиши керак. У ерда эрталабки нонушта учун емакхона ва овкат тайёрлайдиган жой ва омборхоналардан иборат булади. Буфет биринчи каватга жойлашган булиб, алохида кирадиган жой булиши керак. Буфетларни иложи борича зинапоёга якин жойга жойлаштириш керак. Энг яхши ориентация - шимол. Хисоб буйича хар бир одамга 0.2 м² дан 1,2м² майдон мулжалланган булади. Хона /емакхона/ овкат еядиган жой жихозлари стол ва 4 та стуллардан ва кул ювадиган жихоздан /умивальникдан/ иборат. Буфет газ плиткеси ёки электр плиткеси, сув кайнатадиган асбоб, совутгич, шкаф ва идиш-товоклар, нонушта тайёрлайдиган стол, нон кесадиган асбоб ва буфет тахтасидан иборат булиши мумкин.

Умумий овкатланиш ва маиший хизмат курсатиш корхонаси шулар жумласига киради. Умумий овкатланиш очик кафе ёки ошхона оркали хал булади. Улар биринчи каватда ётокхона олдида ёки ётокхонага кушиб курилади, алохида кириб чикадиган эшиги булиши керак. Вестибюль, кийим ечиш жойи, санузел- кафе ёки ошхона кошида булади. Бу ерда албатта уйга олиб кетиш учун ярим тайёр овкатлар сотиладиган жой керак булади. Катта

кулайлик яратиш учун бутербродлар, сут ва катик махсулотлари сотиладиган автоматлардан фойдаланиш керак. Уларни ётоқхона вестибюлига жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Вестибюлда озик-овқат махсулоти қабул қиладиган буюртма хона бўлиши мумкин.

Турмуш шароитини яхшилаш учун очик саргарошхона, кир ювиш бўлими химчистка, оёқ кийим таъмирлаш /ремонт/, уст-кийимни таъмирлаш ва бошқа хоналарни жойлаштириш мумкин. Телевизор, радиоприемник, кир ювиш машинаси, совутгич, мотоцикл, велосипед ва бошқаларни вақтинча олиш учун ижара пунктини жойлаштириш керак.

Хамма турмушда керак бўладиган вазифаларни бажарувчи хоналар-ни бир жойга йиғиб бир ёки икки қаватли бинога жойлаштириш мақсадга мувофиқ булар эди.

Маиший хизмат курсатиш хоналари ётоқхона ва ишлаб чиқариш корхоналари орасига жойлаштирилган бўлиб, улар тез-тез қайтарил-маслиги керак. Ётоқхона майдонини катта кучага яқин буш жойга жойлаштириш керак. Ётоқхона атрофига бадан тарбия билан шугулланиш учун спорт майдони /гимнастика, спорт уйинлари, енгил атлетика /салкин берадиган сурилар дам оладиган жойлар, гулзорлар, фавворалар ва ховузлар ташкил этиш керак. Ётоқхоналарни катта даҳаларга бирлаштириб лойиҳалаш мақсадга мувофиқ талабалар шаҳарчаси ёки ишчилар шаҳарчаси даҳаларда катта маданий - маиший, умумий овқатланиш, савдо-сотик корхоналари ва спорт марказларини яратиш куп кулайликларни келтириб чиқаради.

Мехмонхоналар.

Мехмонхоналар турар жой бинолари туркумига қиради фақат жойлаштириши хонама хона бўлиб, бу келиб кетувчилар учун вақтинча яшаб туришга мулжалланади. Асосий вазифаси одамларни вақтинча турар жой билан таъминлаб вақтинча иш юзасидан келганларга, сайёҳларга, таътилда дам олувчилар ва ҳақозолар учун хизмат қилади. Кенг куламда шаҳарларни усиши ва бошқа мамлакатлардан чет эл сайёҳларни куплаб келиши туфайли ҳар хил типдаги мехмонхоналар қурилишига олиб келди, ҳатто кичкина

кишлоқ ва кичик шаҳарларда қулай шароитлар яратилган мехмонхоналар қурилади бошланди.

Ўзбекистонда мехмонхоналар асосан урушдан кейин кенг куламда қурилади бошланди. Айниқса куп қаватли қулайликлари муҳайё бўлган мехмонхоналардан Тошкентда "Ўзбекистон", "Чорсу", "Интерконтинентал" ни мисол қилиб олса бўлади. Бундан ташқари бундай мехмонхоналар Самарқандда ва Бухорода ҳам қурилди. Ундан ташқари куп юлдузли катта мехмонхоналар лойиҳалаштириляпти ва қуриляпти. Булардан ташқари эҳтиёжга қараб ноҳия ва қишлоқларда унча катта бўлмаган кичик мехмонхоналар қуриляпти. Бу мехмонхоналар фақат қулайлиги билан эмас балки умумий хизмат курсатиш /овқатланиш, рузнома, журнал, телефон, саргарошхона ва бошқа маданий дам олиш/ муассасаларини жойлаштириш билан бошқалари-дан ажралиб туради. Шунинг учун мехмонхоналарда ётоқхоналарга қараганда умумий маданий ва маиший хизмат курсатишга катта эътибор берилиши керак ва уларни турар жой хоналарига яқинига жойлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Умумий мехмонхоналар ҳар тарафлама вазифаларни бажариб, улар асосан хизмат буйича иш юзасидан келганларга, Олий Мажлис анжуман катнашчилари, конференция катнашчилари ва бошқа келувчиларга мулжалланади. Шундан қуриниб турибдики бундай мехмонхоналар асосан шаҳар марказларида, транспортга қулай бўлган жойларда қурилади. Ноҳия ва қишлоқ мехмонхоналари унча катта бўлмаганлиги туфайли умумий хизмат курсатиш хоналарининг энг асосийлари /алоқа, овқатланиш ва бошқалар/ ҳисобга олинishi керак.

Турар жой хоналари. Асосий мехмонхона хоналари келиб кетувчилар учун уч хил бўлиши: 1-уринли, 2-уринли, 1-хонали, 2-хонали юқори қулайликлари билан /люкс/. Қулайлик даражасига қараб номерлар классларга бўлинади: - номер "люкс" икки хонадан иборат бўлиб / ётоқхона ва умумий хона/ алоҳида ёки бирга ҳамма ёрдамчи хоналардан иборат, иложи бўлса қийим ечадиган хона билан:

-1 даражали хонада албатта қиришида даҳлизи, тулик санитар узели /хожатхона, ваннахона, қул ювадиган жой/ ҳамда қийим иладиган дор бўлиши керак.

-2 даражали хонада кираверишда дахлизи, хожатхонаси, кул ювадиган жой хона ичида /тахмонга урнатилган булиши мумкин/

"Люкс" номерда турар жой микдори 20-24 м², 1 та уринлигида эса 8-9 м², икки уринлигида эса-12 м² ва куп уринлида 4,5 м² битта одамга мулжалланади. Бир хонали хонада эса энининг энг кичиги -2,2 м, икки уринлида-2,4 м энг катта узунлиги икки кенгликдан ошмаслиги ва 6 м куп булмаслиги керак.

Хонада кроват ва тумба, кийим иладиган дор /дахлизи булган жойда/ кийим иладиган шкаф/ иложи булса тахмонда уст кийим учун стол, стул, кресло/ телефон столи, телевизор ёки радиоприемник. Люкс хонада эса диван, кроват ва журнал столини эътиборга олиш керак. Киришида эшик тепасида /дахлизда/ антресоль булиб, у ерда келганлар узининг чемоданини ва бошка юкларини куйишлари мумкин булиши керак. Хоналарда ёзги хоналар булиши керак, балкон, /лоджия ёки айвонлар/. Хоналарни табиий ёруглик билан ёритиш худди турар- жой хонадонларини ёритиш талабига жавоб берадиган булиши керак.

Богловчи хоналар. .Вертикал ва горизонтал богловчиларга вестиб-юл, йулаклар, коридор, зинапоя - лифт катаги киради.

Вестибюл. Бу ерда яшовчилар учун кетиш ва жойлашиш расмийлаштирилади /регистратура/ хона калитлари бериледи, юкларни юк саклаш хонасига топширилади ва хакозолар. Одатда вестибюлда рузнома ва журнал киоскалари, совга ва хар хил нарсалар сотиладиган жойларга катта эътибор бераларди. Катта мехмонхоналарда эса вестибюл ёнида холл ва почта, аклока булими, омонат кассаси жойлашади. Холда стол, стул, кресло диван жойлашади.

Вестибюл ёки холдаги маиший хизмат курсатиш хоналари яъни сартарошхона, кийим кечак тозалаш хонаси, фотолаборатория шу-нингдек маъмурий хоналар, директор хонаси, кабул хонаси, хисобот хонаси, маъмурий ва иш юритувчи хонаси назарда тугилади. Кийим ечадиган жой асосан унча катта булмаган хажмда шу ердаги хизматчилар учун ва келиб кетувчиларга мулжалланган булади. Мехмонхонада вестибюл уз вазифаси ва куриниши билан асосий хоналардан бири булиб хисобланади, унда кирган одам уз таассуротига караб мехмонхона тугрисида бир фикрга келади. Шунга караб мехмонхонанинг камчилиги, кулайликларига эга эканлигини билиш мумкин. Шунинг учун вестибюл уртада жойлашган булиб, узининг куриниш ички жихозлари тартиби, буёклар билан ажралиб туриши керак. Мехмонхонада вестибюл билан зинапоя кулай боғланган булиб, зинапоя лифтдан тугри вестибюлга чикиш имкониятини яратишга харакат килиш керак. Тез ва кулай эвакуация йулларини яратишга катта ахамият бериш керак. Ёнгин ва ер кимирлаш халокатидан асраш йулларини кузда тутиш керак. Вестибюль майдони 1-та яшовчи хисобига 0,25 ва 0,30 м² ни ташкил этади.

./Йулаклар/

Йулаклар иккига булинади: асосий /тантановор/ ва хизматчи ишчилар учун мулжалланган булади. Асосий йулаклар зинапоя ва лифт билан боғланган булиб уларнинг эни 1,6 м, хизмат йули йулакларини -1,2 метрдан кам булмаслиги керак. Йулаклар асосан икки томондан жойлаштирилган булиб, булар ихчам ва коммуникация йулларини кискартиришга олиб келади ва мехмонхонадан фойдаланишга кулайлик яратишга имконият яратиб беради. Йулаклар икки томондан жойлаштирилган булса, у холда унинг ёнидан албатта ёруглик берилиши керак ёки ёрдамчи зинапоя катаги оркали ёруглик бериш керак. Йулакларни бир томонлама куриш тавсия этилмайди. Булинмали /секцияли/ мехмонхоналарда йулаклар узунлиги кискаради. Лекин зинапоя ва лифтлар сони купаяди. Шунинг учун лойихани танлашдан олдин унинг техник хисоботини куриб чикиш керак. Зинапоя ва лифтлар мехмонхонада хам ётокхоналарни талабларига ухшаш булади. Бирок 4-5каватли мехмонхоналарда хам лифтлар эътиборга олинади, чунки бу ерда катта ёшдагилар, кариялар яшаши мумкин уларнинг чикиб тушиши учун кулайлик яратилади.

Санатария узели мехмонхона юлдузига караб лойихаланади. Кулайликлари яхшироқ яратилган мехмонхоналарда санитария узели хар бир хонада, хизмат курсатувчи ходимлар учун хар бир каватда жойлаштирилган булади.

Ердамчи хоналар. Уларга хизмат курсатувчи ходими хонаси, оёк ва кийим тозалаш хонаси, дазмолаш хонаси киради, улар йулаккли мехмонхонада хар каватда алохида жойлашиши керак.

Умумий хизмат курсатиш хоналари.

Уларга кундалик турмуш юмуш ва маданий хизмат курсатиш хоналари киради. Кундалик турмуш хоналари сартарошхона,руйхатга олиш жойи оёк кийим тозалаш, таъмирлаш ва умумий овкатланиш /ресторан, кафе, чойхона, хар хил нарсаларни сотиш жойи ва бошкалар/.

Маиший турмуш хизмат курсатиш хоналарини иложи борича паст каватга жойлаштириш керак. Сартарошхона ва умумий овкатланиш пункти очик холда булиши керак. Маиший турмуш хизмат курсатиш хоналари мехмонхоналарнинг катта кичиклигига караб, уларнинг юлдузига ва каерда жойлашишига караб ва бошка омилларга караб хал килинади. Кишлок мехмонхоналарида кичик умумий хизмат курсатиш корхоналари, марказда жойлашган мехмонхоналарда эса талабга тулик жавоб берадиган умумий хизмат курсатиш корхоналари кузда тутилади. Шунинг учун бундай корхона микдори белгиланмайди шахсий лойихада куриб чикилади.

Маданий хизмат курсатиш хоналари хам мехмонхона юлдузига, неча уринлигига ва каерда курилганлигига караб танланади. Марказда жойлашган мехмонхоналарда маданий хизмат курсатиш хоналари узи-га кутубхона, кино концерт зали, суратхона, теннис уйини учун хона, шахмат шашка ва спорт залидан иборат булади.

Катта мехмонхоналарда вестибюл, холл ташкил этиш лозим топи-лади. Качонки бу почта, телеграф, омонат касса, телефон станцияси, справка берадиган бюро, сув сотиш жойи,совга ва бошкалар, холл залади эса креслолар ва диванлар жойлашади. Холл оркали мехмонхона маъмурияти хонаси, сартарошхона, ресторан, мехмонхона ходимлари хонаси билан боғланган булиши керак.

Мехмонхона марказга берадиган, темир йул, тайёрагох ва автомобил йуллари билан кулай боғланган булиши керак.Мехмонхона олдида ажратилган майдонда салкин берадиган сурилар дам олиш учун кукаламзорлар, фавворалар, гулзорлар, йулаклар, спорт майдонлари чумилиш учун сув хавзалари, савдо - сотик хоналари ва маиший хизмат корхоналарини алохида кузда тутиш керак. Бу нарсалар асосан катта мехмонхоналарда булиб, кичик мехмонхоналарда эса асосан кукаламзорлаштириш, ховуз,салкинлик берадиган сурилар, дам олиш жойлари эътиборга олиниши керак. Умумий майдондан кириш йулларини хисобга олган холда ер майдонинг микдори курилиш майдонинг 20-30% ни ташкил этиш керак.

Мехмонхона лойихасида асосий ишлатиладиган усуллар йулаккли /коридор/ якка тартибда /башенный/ёки булинмали /секция/ ли булиши мумкин.Бу усулларни ишлатиб иктисод томондан энг кулай ва хохла-ган вариантда куриш мумкин булади. Бир тарафлама коридорли ва йулаккли мехмонхоналар иктисод томондан унча арзон эмас. Охирги йилларда якка тартибли куп каватли мехмонхоналарга купрок эътибор берилипти. Чунки булар катта шаҳарларни зичлигини оширади, ер сатхини кам эгаллайди, вертикаль боғланиш кулай, яшовчилар учун хамма кулайлик мавжуд.

Дам олиш муассасалари.

Дам олиш муассасалари Хамдустлик мамлакатларида кенг таркалган, уларнинг курилиши хамма нохия ва шаҳар четларида жадал авж олган. Давлатимизни инсонларга гамхурлиги туфайли, хар бир нохия ва вилоятда сайёхлар, автосайёхлар ва бошка турдаги дам олувчиларнинг хусусиятларини хисобга олиб, сайёхлар базаси, дам олиш уйлари, пансионатлар, мотель ва кемпинглар кейинги пайтда кенг куламда курила бошлади.

Асосан купрок таркалгани бу дам олиш уйлари. Хамдустлик мамлакатларида уларнинг курилиши жуда кенг таркалган. Улар 100 уриндан 500 урингача мулжалланган булиши мумкин. 100 уриндан кам булган дам олиш уйлари узини унча окламайди, 500 уринли дам олиш уйлари бошкариш жуда кийин. Дам олиш уйлари иложи борича чиройли табиат манзараларига якин жойларга урмонларга ёки тоглик жойларга, шаҳардан узок булмаган жойда транспорт кулай булган жойда булишини эътиборга олиш керак. Танланган жой санитар-гигиеник талабига жавоб бериши керак.

Дам олиш уйларидан йил давомида ёки ёз мавсумида фойдаланиш мумкин. Ёзнинг иссик кунларини эътиборга олиб, йил давомида фойдаланадиган дам олиш уйларида, ёз мавсумида келиб кетувчилар учун кушимча, фойдаланадиган ётоқхоналарни эътиборга олиш керак. Дам олиш

уйларига келиб кетувчилар асосан 3-4 хафта буладилар. Катта шаҳарларда булардан ташқари шаҳар четларида дам олувчилар учун бир кунлик дам олиш уйларини ҳам эътиборга олиш керак. Улардан йил давомида ёки ёз мавсумида фойдаланиш мумкин.

Турар жой биноларидан узоқда жойлашган дам олиш уйларида хизмат курсатиш ходимлари учун турар жой майдонларини эътиборга олиш керак. Дам олиш уйларига автотранспорт йули булиши керак ва хужалик ва ошхонага келадиган йулларни ҳам аҳамиятга олиш керак. Йуллар дам олувчиларга халакит бермасликлари керак. Спорт ва соғломлаштириш майдончаларида албатта спорт майдони /валејбол, баскетбол, теннис/ ювинадиган хоналар, душ, кийиниб ечинадиган ва спорт анжомлари саклайдиган хоналар булиши керак. Бу майдонларни ёпик бадантарбия хоналарини атрофига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Сув хавзалари атрофида жойлашган дам олиш уйларида чумилиш жойи ҳамда қайик қуядиган жойни қузда тутиш керак. Шу майдонга чумилиш ховузи, кийиниб ечинадиган павильонлар, соя берувчи сурилар ва бошқалар жойлаштирилиши керак. Дам олиш уйи маълум тартиб буйича ишлагани учун, дам олувчиларга ҳамма шароит яратиб берилиши лозим. Дам олиш уйларида асосий хоналардан бири турар жой - ётоқхона бир киши учун, 2 кишига, 3-4 кишилик мулжалланган булади. Бир кишилик хона майдони 8 м² дан кам булмаслиги керак, бошқалари - камида 6 м² булиши керак. Бир одамга қулайлик яратиш учун хар бир хона олдида дахлиз, кийим иладиган жой ва хожатхонаси булиши керак. Иктисод томонидан бир неча хоналарни бир дахлиздан қирадиган қилиб, хожатхона ва ваннахона шу дахлизга урнатилиши мумкин. Дам олиш уйини ориентацияси муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда қоникарли ориентациядан ташқари яна табиат манзараси билан чамбарчас боғлиқлик булиши керак, ундан ташқари шамолнинг қаерга йуналишини ҳам эътиборга олиш керак. Шунинг учун бир томонлама аралаш йулакли дам олиш уйини қуриш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ерда қулай ориентация ҳосил қилиниб елвизакка эътибор бериш керак. Фақат ёз мавсумида ишлайдиган дам олиш уйларида очик йулакли /галерия/типида қурилгани маъқул чунки у иктисод томондан қулайдир. Иссик иқлим шароитида турар жой хоналари олдида ёзги хоналар жойлаштирилади. Унинг улқови унча қичик булмаган ҳолда у ерда ёзги қроват қуйиб ётиш мумкин. Бундан ташқари очик айвон хонани товушдан эҳтиёт қилади. Шаҳсий ёзги хоналардан ташқари умумий ёзги хоналарни ҳам эътиборга олиш керак. Улар қутубхона, меҳмонхона гуруҳлари атрофида жойлашган булиши зарур.

А). Умумий овқатланиш жойлари.

Бу хоналар гуруҳида дам олувчиларга бир вақтда утириб овқатланадиган ошхона ёки қойхоналардан иборат булади. Улар йил давомида ёки ёз мавсумида хизмат қилиши мумкин /ёзги хиллари/. Овқатланиш зали ёнига ёзги хона жойлаштириш керак, унда дам олувчиларни 50 фоизи сигадиган қилиб ва қичик залда пархездаги кишилар учун овқатланадиган зал жойлаштириш керак. Уларни ориентацияси икки ёқлама шимол ва жанубга булса қулай булади, шунингдек елвизакка ҳам катта эътибор бериш керак. Ошхона икки булимдан иборат бўлиб, Европа ва миллий таомлар учун мулжалланган булиши керак. Миллий таомлар тайёрланадиган ошхоналарда очик жойларга ва айвонларга катта эътибор бериш керак, чунки у ерда ош, қабоб, манти ва шурва пиширилади ва тайёрланади.

Умумий овқатланиш жойи алоҳида бинода қурилган булиши мумкин, лекин ётоқхонага яқинроқ жойда йулақлар орқали утиш мумкин булиши керак. Йил буйи фойдаланадиган дам олиш уйларида уларни иложи борича ёпик йулақлар орқали боғлаш мумкин. Ёз мавсумида фойдаланадиган дам олиш уйларида эса очик йулақлар орқали боғлаш мумкин.

Маданий хизмат курсатиш хонаси. Буларга кино-концерт зали узининг ёрдамчи хоналари билан танца зали, ёзги майдон, қутубхона қитоб уқийдиган зал меҳмонхона, суратхона ва тугарак хоналари қиради.

Ёпик куриш зали 65-75% дам олувчиларга, очик куриш зали эса хамма дам олувчиларга мулжалланган булади. Куриш залида албатта эстрада, экран хамда кинокурсатиш хоналари булиши керак. Залда кино ва концерт куриш хар хил маърузалар, мажлислар, унча кийин булмаган театр куришиларини утказиш мумкин. Хиёбонда очик кино-концерт залига эътибор бериш керак. Хамма дам олиш хоналарини ва маданий ишлар буйича хоналарни алохида жойлаштириб улар ётоқхоналар билан кулай боғланган булиши керак. Улар йулаклар оркали /очик ёки ёпик/ боғланиши мумкин.

Бадан тарбия ва спорткомплекси. Бу гурухга очик ва ёпик майдонлар таркибидаги, даволаш гимнастикаси ва спорт уйинлари майдони киради. Ёпик хоналарда гимнастика зали, кийимни алмаштириб оладиган жой, душ ва хожатхона, спорт анжомларини саклайдиган хона, массаж хонаси, инструктор ва шунингдек спорт уйинлари хонаси жойлашган булади. Катта дам олиш уйларида ёпик теннис ва биллиард хоналари, чумилиш хавзалари булишига эътибор бериш керак. Очик спорт майдонига валејбол, баскетбол, теннис, гимнастика ва эрталабки бадантарбия жойлари киради.

Очик ва ёпик булакларни алохида лойихалаш тавсия этилади, улар кулай боғланган булишлари керак. Очик майдонларда агар у ёпик бинолардан узокда жойлашса ёзги майдон атрофига кийим алмаштирадиган жой ва душ хонасига катта ахамият бериш керак. Сув хавзалари атрофига дам олиш уйларида сув буйларида чумиладиган жойлар, кийим куядиган жойлар, соя берадиган суриларга эътибор бериш керак.

Тиббиет ходимлари хизмат хоналари . Тиббиёт ходимлари хизмат хоналари хар бир дам олиш уйда курилади. Кичик дам олиш уйларида уларни таркиби дам олиш уйининг неча уринли эканлигига боғлиқ булиб, улар шифокор хонаси, даволаш хонаси ва дорихоналар-дан иборат. Катта дам олиш уйларида эса алохида тиббиёт булаклари курилади. Санатория хилидаги дам олиш уйларида амбулатория ёки поликлиника узининг хар хил мутахасисликлари буйича шифокор хоналари, даволаш, массаж, сув, ёруглиқ нурлари шифобахш балчик ва сув хамда даволаш гимнастика залига эга булиши керак.

Маъмурий хоналар. Бу гурух хоналарига дам олиш учун келувчиларни кутиб олиш ва кузатиш хонаси, директор хонаси, кабул хона, канцелярия, хисоб хона, хужалиқ мудир ва катта хамшира хонаси киради. Бу хоналар ётоқхона бош вестибюлида ёки алохида булиб, дам олувчилар билан якин ва кулай жойга жойлашиши керак.

Дам олиш уйлари ихчам /битта бинода/ ёки эркин бир неча бинодан иборат булиши мумкин. Жуда катта булмаган дам олиш уйларида ихчам булгани маъкул, катта дам олиш уйлари алохида биноладан иборат булиб, улар узаро бир бири билан боғланган булиши керак. Павильон туркумидаги уйларни нотекис ерларда куриш ва ёзги мавсумда дам олиш уйларини павильон туркумида куриш хам мақсадга мувофиқ булади. Ётоқхона каватлари хозирги замонавий тез ва кулай вертикаль боғланишини эътиборга олган холда лифтлардан фойдаланиб, унинг баландлигини чегаралаш шарт эмас. Ёз мавсумида дам олиш уйларини йулакчи ёки павильонли куп каватли корпусларда жойлаштираш хам булади. Умумий хизмат курсатиш жойларида зал хонаси булса уни 1-2 кават корпусига жойлаштирган маъкул.

«Жамоат бинолари типологияси»

II - БУЛИМ

МАЪРУЗА - 10

Жамоат биноларини лойихалашнинг илмий-назарий асослари

РЕЖА:

1. Жамоат биноларини лойихалашнинг функционал асослари .
2. Жамоат бинолари лойихалашда архитектуравий қурилиш стандартлари
3. Жамоат бинолари ва иншоотларига қуйилган талаблар
4. Жамоат бинолари ва иншоотларининг шаҳарсозликдаги ўрни.

Жамоат бино ва иншоотларини лойихалашнинг функционал асослари. Жамоат бинолари ва унинг комплекслари сунъий яратилган муҳит булиб бир ёки бир нечта жараёнларнинг узаро боғлиқ булган инсоннинг ҳаётий фаолиятини утказишга мулжаллангандир. Жамоат бино ва иншоотларнинг энг асосий омили эса, унинг хажмий-режалаштирилишини асосини инсоннинг ҳаётий фаолияти давомида жамиятга, хизмат қилишга эришишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам жамоат бино ва иншоотларини лойихалашда турли хилдаги комплекс омилларини (факторлар) ҳисобга олиш керак булади. Булар: ижтимоий, шаҳарсозлик, табиий-иқлимий, миллий-маиший, конструктив, физико-техникавий, иқтисодий, архитектуравий -бадийдир.

Асосий фактор эса, унинг инсонга хизматидир. Инсон турмуш тарзининг беқиёс даражада ушиб бориши эса, техник жараёнларининг активлиги билан боғлиқлиги натижаси улароқ функционал технологик жараёнлар ҳам жамоат биноларининг янги-янги типларини яратишни тақозо этади. Хозиргача 14-гурухдан иборат булган архитектура қурилиш нормаларининг жамоат бино ва иншоотларининг классификацияси мавжуд булиб, булар уз навбатида 900 дан ортиқ. (КМК ва ШНКлар СНиПлар)

Жамоат ва иншоотларни лойихалашда архитектуравий қурилиш стандартлиги. Ушбу булимда, жамоат бино ва иншоотларини лойихалашда билиш керак булган нарсалар хозирги замонавий лойихалаш ва қурилиш тажрибасида кенг қуламда ишлатиладиган услублардан саналмиш архитектура қурилиш стандартлари: типизация, унификация, нормализация стандартизациядир.

Типизация-бу ягона архитектуравий-қурилиш жараёни балиб, биноларнинг куп марта такрорланиши, айрим булак ва қисмлар (секциялар, блок-секция, хажмий-режалаштириш элементлари), ҳамда айрим деталь ва қурилмалардан иборат булиб, архитектуравий-бадий, функцияга, технологик ва конструктив ечимга, иқтисодий талабларга жавоб бериши лозимдир. Демак типизация-бу олий формадаги стандартизациядир. Типизация унификация асосида амалга оширилади.

Унификация-архитектура ва қурилишда бино ва иншоотларнинг улчовларини унинг булак қисмларининг габаритларини яхшилаб илмий равишда урганган ва исботланган тушуншадир.

Архитектура қурилиш стандартидаги асосий томонлар модуль системасига асослангандир.

Структуравий модуль, аниқ бир қурилиш деталининг улчами билан боғлиқдир, масалан, устун, юмалоқ тусин, ғишт, панель ва хоказолар. Бинонинг барча улчамлари ва унинг

кисм булакчалари ана шу структуравий модульга нисбатан геометрик курилма тарзида ёки хисобланиш ҳолатида аниқланди:

Замонавий бинолар катакли модуль асосида лойихаланади. Ле Корбюзье-модулори ҳам икки қаторнинг олтин нисбати асосида курилган булиб 183 см.ли одамнинг улчамидан келиб чиққан, 226см. (қулининг кутарилган ҳолати)

Жамоат бинолари узининг қуриниши, ҳамда режалаштирилишига қараб турли-туман ва энг купчиликни ташкил қилади. Шунга қараб унинг усқунлари ҳам турли-туман ва хилма-хилдир. Хозирги замон архитектураси ва қурилишида усқуналарнинг жойига ва бинонинг функциясига қараб танлашни тақозо этади. Иккала структуравий ва улчовли модуллар ҳам чет элда ва узимизда қулланиб келинмоқда.

Жамоат биноларининг диапазони кенг булиб, узига барча туркумдаги биноларини укув тарбия муассасаларини, савдо-маиший хизмат, тиббиёт соғломлаштириш, илмий-текшириш институтлари, олий укув юртлари, театр, кино, клублар, музей, томоша заллари, кутубхона, спорт иншоотлар ва хоказоларни уз ичига олади. Буларнинг барчаси инсон фаолияти билан боғлиқ булган, ишлаш шароити, дам олиш, маиший хизмат курсатишга зарур булган сунъий мухитнинг асосини ташкил қилибгина қолмай, куп ҳолларда, турар жойлар, қишлоқ ва шаҳарлар қиёфасини белгилаб беради.

Нормализация-бу типизация қуринишларидан бири булиб, турли типдаги жамоат биноларининг ва уларнинг бўлимларини режалаштириш ечимларини топишда қушимча роль уйнайди.

Жамоат бинолари ва иншоотларига қуйилган талаблар Жамоат бино ва иншоотларнинг архитектураси инсон ҳаётининг серқирра томонларини, жамиятнинг социал-ижтимоий ривожланиш жараёнини бадиий қиёфада ёритиб беришга хизмат қилади. Шу билан бирга жамоат бинолари жамиятнинг манавий ва мафқуравий дунё қарашига ҳам бир қатор боғлиқ булиб, давлат мафқураси қандай булса, замон архитектураси ҳам шунга жавоб бериши лозим.

Хар доим ҳам, энг қизиқарли ва энг мухташам бинолари-бу жамоат бинолари булиб келган, инсон тафакқурининг энг олий даражасидаги хайратлантирувчи бинолар-бу жамоат бинолари комплекси дир. Шунинг учун булса керак, шаҳарсозликда қурилишга ажратиладиган маблағнинг –28-30 % жамоат биноларига берилади. Халқ турмуш даражасининг ошиб бориши эса қурилаётган йирик шаҳарлардаги туристик марказлар, олий даражада хизмат курсатувчи меҳмонхона комплекслари, йирик илмий, маданий ва маърифий марказлар, кинотеатр, концерт ва кургазма заллари, спорт иншооблари ва хоказо биноларининг қурилиш билан боғлиқдир. Кундан-кун ривожланиб бораётган илмий-техника тараққиёти эса, жамоат биноларини архитектуравий лойихалашнинг услубий, назарий ва тлмий асосларини урганмай туриб, бадиий композицияни тушунмай туриб, янги қурилиш нормативларини билмай туриб лойихалаш мумкин эмаслигини тақозо этади.

Шунинг учун ҳам булажак мутахассис архитекторларга ушбу йирик дастур-жамоат биноларининг типологияси курси бутун уқиш давомида ургатилиб борилади. Бу эса уз навбатида бинолар типини ташкил эттириш билан бирга, асосан уларни систематик тарзда урганишни тақозо этади, шаҳарсозликдаги вазифасини, конструктив ечимини, ижтимоий-иқтисодий томонларини, бадиий-архитектуравий ечимларини, бино типлари номенклатурасини, классификациясини, нормаларини ва хоналар туркумларини аниқлаб беради. Булардан ташқари типология-климатология масалаларини, архитектурадаги ёруғлик дунёсини, акустикани ва эвакуацияни ташкил қилишни уз зиммасига олади.

Типология-жамоат биноларининг сониявий, сифатлик қурилиши параметрларини, жамият тараққиётининг ривожланиб бориши томонларини, уша давр билан ҳамнафас булиш, ёки, нима кураёпсиз, қанча ва қандай қилиб қуриш керак деган саволларга жавоб беради.

Турмуш тарзининг беқиёс даражада узгариб бориши жамоат биноларининг янги-янги типларини яратишда алоҳида талаблар куяди. Умуман олганда жамоат бинолари қурилишининг ҳажми жихатидан анча салмоқли уринни эгаллайди.

Жамоат бинолари ва иншоотларининг шаҳарсозликдаги ўрни. Шаҳарсозликдаги барча қурилиш ишлари қурилиш нормаси асосида ташкил қилиниб учта принцип буйича яъни поғоналик тартибда олиб борилади. Демак деярли ҳамма типдаги муассасалар жамиятга хизмат курсатувчи ташкилотлар биноти узининг қай даражада тез ва чакқон хизмат курсатишга қараб 3-гуруҳга ажратилади 1. «кундалик»; 2. «периодик» (хафтада 1,2 марта); 3. «эпизодик» (хар замонда).

1.«Кундалик» муассасалар биноси асосан, турар жойлар, ёки кичик микрорайонлардаги аҳолига энг яқин жойга қурилган булиши керак;

2.«Периодик»-муассасалар эса, йирикроқ массивлар ва мавзеларга яқин жойда булиб уларга хизмат курсатилади:

3.«Эпизодик»-муассасалар хизматидан эса туман ва шаҳарлардаги аҳолилар фойдаланиши керак.

Албатта бу ерда барча турдаги жамоат биноларининг функционал жихатидан боғлиқлигини ҳисобга олиш керак. Демак, жамоат бинолари, маҳаллада, мавзе, массив, ноҳия ва марказларда ҳар доим пиёда йуллари билан шаҳар транспорт йулларини боғлаб турувчи булиб, архитектуравий доминант вазифасини бажаради.

Инсон яратган барча нарсалар, айниқса жамоат бинолари теварак атроф билан узвий равишда боғланган булиб, табиат билан бир бутун яхлитликни ифода этади. Бунинг учун узок утмишдан бошлаб, ҳозирги замонда қурилаётган барча жамоат биноларини, черковлар (ибодат хоналар), мачит-мадрасалар, театр ва спорт иншоотларини, кино-театрларини, концерт залларини, маданий ва маъмурий марказларини куз олдимишга келтиришимиз керак.

Меъморчилик асарларида айниқса унинг инсонга булган эмоционал таъсири катта роль уйнайди. Масалан, мачит-мадрасалардаги бетакроп тарзда ишланган меъморчиликнинг узига хослиги, нақш безаш, сирли кошинлар ганч ва ёғоч уймақорлиги ва хоказолар; йирик жамоат биноларидаги интерьер ва экстерьерлар; унинг сирли равишдаги сайқали спорт ва телеминоралардаги конструкция (ускуна мосламалар)нинг имконият масалалари ва бошқалар.

Агар биз хайкални ёки шу каби асарларни олиб қурадиган булсак, у узининг ишланган формаси шакли билангина инсонга эмоционал таъсир утказа олди, лекин ундаги материал билан эмас. Демак, расм, муйкалам ва хайкалтарошлик булар фақат уша нарсани узини курсатиш билан кифояланади.

Меъморчиликда эса, бу нарса яратилади. Архитектура санъати-бу шакллантирувчи эмас, балки яратувчи санъатдир.

Меъмор эса, нима учун қурилаётганига қараб, ким учун мулжалланишга қараб, уша давр талабига қараб, қурилиш материалига (ашёлари) қараб танлайди ва яратади. Демак, давр талаби қандай булса, ушандай асар бунёд этилади.

Масалан: утган асарлардаги Бухора, Хива, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик асарлари, ҳозирги замондаги жамоат бино ва иншоотлар-Тошкент, Москва, Ленинград, Алма-Ата, Фарғона, Нукус, Ургенч ва бошқа шаҳарлар биноларини келтириш мумкин.

Энди меъморчиликдаги мутаносиблик туғрисида гапирадиган булсак, бу нарса билан меъморлар бутун бир даврда, яъни меъморчилик яралган даврдан бошлаб шу вақтгача шуғулланиб келишган.

Бино қисмларининг мутаносиблиги унинг пропорцияси билан боғлиқликдир. Айнан мана шу пропорция меъморчилик асарларининг қисмини бирлаштириб турувчи ва яхлитлигини сақловчидир.

- Математикада (ризиёт) пропорция деб, икки нисбатининг узаро тенглигига айтилади. Меъморчиликда эса, икки катталиқни бир-бирига солиштиришга айтилади. Пропорцияни ҳосил булиши учун иккита ёки бир нечта нисбатлар керак булади.
- Элементларнинг пропорционал боғлиқлиги чизикли булаклар ва геометрик сифат шакллар нисбатида намоён булади. Буларга мисол қилиб Афинадаги Эрейтиён ва Гершедаги виллаларни келтириш мумкин.
- Архитектурада, архитектуравий масштаб,бу улчов категорияси эмас, балки бу композициядир, уни меъморчилик асарларида туғри қуллаш бинонинг бадий сифатини янада оширади. Ерда яратилган барча нарсалар инсон томонидан яратилади шунинг учун бу нарсалар инсоннинг узига таққосланади. Демак, архитектуранинг масштаби инсон булиб қолади. Биз бинонинг масштаби эмас балки инсоннинг масштабини яратамиз-бу эса асосий нарсадир.
- Жамоат биноларининг деярли барчасида табиий ёруғлик, ранг ташқи ва ички безакларга алоҳида эътибор берилади, чунки буларнинг барчаси архитектуравий куркамликнинг ташкил этувчисидир.

Меъморчиликда жамоат биноларининг бадиий қиёфасини яратишда энг куп тарқалган воситалардан бири рангтасвир ва хайкалтарошлиқдир. Аммо лекин, архитектура асарларида рангтасвир ва хайкалтарошлиқнинг бевосита иштирок этиши, фақатгина буларнинг бошқа санъат турлари билан биргаликда уйғунлашиб кетиши натижасидагина энг яхши синтез ҳолатига эришилади.

Юқорида қайд этилган барча гаплар ушбу дастурнинг биринчи қисмига ҳам тегишлидир.

Назорат саволлари.

1. Жамоат биноларида архитектуравий ечимлар.
2. Жамоат бинолари шаҳарсозликда қандай аҳамиятга эга.
3. Жамоат бинолари типологияси.
4. Шаҳарсозликда қандай принципга амал қилинади.
5. Масштаб, пропорция. Табиий воситалардан фойдаланиш нима.

МАЪРУЗА -11

ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ ТИПОЛОГИК АСОСЛАРИ .

РЕЖА:

1. Жамоат бинолари ва иншоотлари бўйича умумий тушунчалар.
2. Жамоат биноларининг таснифланиши(классификацияси)
3. Жамоат биноларининг асосий белгилари

Жамоат бино ва иншоотларини лойихалашнинг типологик асослари.

Жамоат бинолари узининг хажмига кура курилишнинг бошка турлари уртасида энг оммавий тур хисобланади Улар инсон хаети фаолиятининг турли томонларини кондиришга мулжалланган объект сифатида миқдори жихатдан ҳамхизмат кўрсатиш турлари бўйича ҳам кўп асрлардан буен ривожланиб келмоқда..Замонавий курилиш тажрибасини умумлаштириб,жамоат максадига йуналтирилган муассасаларнинг куйидаги асосий гурухларини:укув-тарбиявий,маданий-маърифий,спорт,савдо,транспорт,согламлаштириш ва жамоат овкатланиш корхоналарини ажратиб курсатиш мумкин.

Ушбу гурухларнинг хар бири яна бир катор кичик гурухларга булинади.Масалан укув-тарбиявий муассасалар гурухи: мактабгача ешдаги болалар муассасалари (болалар богчалари) ва умумий таълим мактабларига булинади.Булар хам уз навватида хизмат курсатиш характериға,хажмига кура булинади.

Хар бир жамоат биносининг архитектуравий-режавий ечимлари уларда максадига мувофик юз берадиган белгиланган технологик жараенларга буйсиндирилган.Масалан мактабларда катта укув хоналари,спорт мажмуаларида заллар мавжуд.мехмонхоналарни кичик режалаштириш тузилмаларига мисол қилиб келтириш мумкин.Шуни алохида таъкидлаш лозимки,хоналарнинг жойлашуви ва жамоат биноларида уларнинг функционал белгиларига кура гурухлаштирилиши маълум қонуният бўйича амалга оширилади.

Зилзила бардошлик,фавқулудда вазиятларда(енгин хавфсизлиги) бинодан эвакуацион чиқиш тизимини ташкил этиш,биноларнинг кўп қаватлиги,конструкцияси уларнинг режавий ечимларида акс этади. Ушбу талабларни хисобга олган холда,биноларнинг узунлиги,қаватлиги,коммуникация тизимлари,кушимча дудланмайдиган зиналарни куриш белгиланади.Бу борада тежамкорлик масалалари хам катта ахамиятга эга.

Жамоат биноларининг таснифланиши.(классификацияси)Жамоат бинолари ўзининг асосий вазифалари,аҳоли пунктларида жойлашиши,режавий тузилмаси,асосий хоналар таркиби,архитектуравий композициясининг ғоявий-бадий тасвирланиши бўйича таснифланади.Жамоат биноларининг жойлашиш ўрни унинг ахамиятига,унга шахар қишлоқ,туман еки микрорайон аҳолисининг эхтийежи даражасига хизмат кўрсатиладиган аҳолининг тоифаларига ҳамда унинг бажарадиган вазифаларига кўра аниқланади.У яки бу гурухдаги жамоат биноларининг хажмий-режавий тузилмаси кўп йиллик лойиха куриш ва улардан фойдаланиш амалиетида шаклланади.Бу кўп йиллик шаклланиш асосида режалашнинг ва хажмий-фазовий композициянинг макбул(оптимал) тизимлари белгиланади ва бу тизимлардан типик тарзда фойдаланилади.Худди шу асосда жамоат биноларининг ташки киефасининг характери,уларнинг бадий тасвири хам шаклланади.Буларнинг барчаси хар хил турдаги жамоат биноларининг типологик характеристикасини яратиш учун шарт-шароит ҳозирлайди.Бу эса уларни асосий типологик белгилар бўйича гурухларга ажратиш имконини беради.Иқлим шароитлари,табият,аҳолии турмушининг маданий-маиший жихатлари ва халқнинг анъаналари,жамоат биноларининг композициясида ўз аксини намоен этади,лекин ўларнинг типологик характеристикаларини ўзгартирмайди..Бу эса уларнинг асосий типологик белгилар бўйича гурухларга ажратиш имконини беради.

Юкорида баен этилганларга асосланиб,жамоат биноларини куйидаги гурухларга булиш мумкин:

- укув-тарбия ва илмий муассаса бинолари;
- томоша бинолари;
- спорт иншоотлари;

- савдо,маиший хизмат курсатиш бинолари;
- маъмурий ва коммунал хизмат курсатиш бинолари;
- транспорт иншоотлари;
- даволаш,профилактика бинолари.

Жамоат биоларининг асосий белгилариЖамоат бинолари куп сонли ташриф буюрувшиларнинг вақтинчалик ташриф учун мулжалланган (театр,универмаг,стадион ва бошқалар) Шунинг учун коммуникация ҳамда ташриф буюрувчиларни кабул қилиш яки уларни қутқариш жамоат бинолари учун алоҳида аҳамият касб этади.Шунга боғлиқ равишда жамоат биноларида горизонтал ва вертикал боғлавчилар(Вестибюллар,коридорлар,лифтлар,нишабли йулақлар ва эскалаторлар ва бошқалар)га катта эътибор қаратилади.Шунингдек,жамоат биоларининг характерли белгиларидан бири-бу куп сонли одамларга мулжалланган хоналар(залларнинг) мавжудлигидир.

Одатта жамоат бинолари микрорайонларда,тураржой худудида шаҳар яки қишлоқда марказий ҳолатни эгаллайди ва архитектуравий ансамблларни яратишда асосий объект булиб хизмат қилади.

МАЪРУЗА -12

ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ КОНСТРУКЦИЯСИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ.**РЕЖА:**

1. Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари
2. Жамоат биноларининг муҳандислик қурилмалари
3. Жамоат биноларининг элементлари

Жамоат бинолари ва иншоотларининг конструкциялари. Жамоат бинолари узининг қурилиши, ҳамда режалаштирилишига қараб турли-туман ва энг қўнғилиқни ташкил қилади. Шунга қараб унинг усқуналари ҳам турли-туман ва хилма-хилдир. Ҳозирги замон архитектураси ва қурилишида усқуналарнинг жойига ва бинонинг функциясига қараб танлашни тақозо этади.

Биноларни лойиҳалаш тартибига қараб барча турдаги бинолар устуворлиги ва ишлатиш мулкчилигига қараб синфларга ажратилади. Классга тегишли бўлмаган энг йирик давлат аҳамиятга молик биноларнинг хизмат курсатиш муддати 100 ва ундан ортиқ йил.

Масалан: Тошкентдаги «Халқлар Дўстлиги» саройи ва бошқалар.

1- Класс бинолари шаҳарларда қўнғилиқ қуриладиган бинолар бўлиб 70 йил ва ундан оғир муддатга мулкчилланади. Маданият саройлари, аэропортлар, вокзаллари ва х.к.бунга мисол бўла олади.

2- Класс бинолари шаҳарда қўнғилиқ ўқрайдиган мамурият, меҳмонхона, ресторанлар каби бўлиб энг қўнғилиқ 50 йилга мулкчилланади.

3-Класс биноларининг хизмат курсатиш муддати бошқаларга қараганда оғирроқ бўлиб 25-50 йилга боради. Шу билан бирга ҳар бир бинонинг усқуналарининг утга чидамчилигига қараб ҳам классга ажратилади.

Биноларнинг усқуналари ҳам унинг ишлатилишига қараб қўнғилиқлик, қўнғилиқлик ёки катта масофали (пролёт) деб айтилади.

Архитектуравий композиция конструктив ечимларини хал қилишда қўнғилиқда: табиий ва сунъий муҳит, қўнғилиқ радиацияси, ранг, ҳаво намлик, шамолнинг тезлиги ва йўналиши, ёғингарчилик ва товушлар каби компонентлар жуда муҳим роль ўйнайди

Жамоат бинонинг ва иншоотларини лойиҳалашнинг архитектуравий-климатик асослари.

Юқорида қайд этилган барча омиллар, ёруғлик, рангларнинг архитектуравий композицияда эстетик роль ўйнаши мутахассис архитекторлар тайёрлашда уларнинг ижодий фаолиятида жуда муҳим хизмат курсатади. Аммо лекин, ёруғлик бу фақатгина замонавий ва архитекторларнинг ижодий услубидаги шакл ва бўшлиқ яратувчи факторларнинг бир улушидир ҳолос. Бу каби факторлар комплекси (мажмуаси) архитектура фанининг салмоқли бўлими бўлиб, архитектуранинг сифатини ва физикавий параметрларини аниқлайди, ҳамда бинонинг файзли бўлишига, қўнғилиқлик бағишлашда, иқтисодий ва тежамлик масалаларини хал қилишда лойиҳалаш ечимларининг мукамаллигига хизмат қилади. Ҳуллас ушбу тармоқ инсон томонидан атроф-муҳит билан боғланган, ранг ёруғлик, иссиқ-совуқ, акустика қонуниятларини аниқлашда ,умуман «Архитектуравий климатологияни» ташкил қилади.

Архитектуравий композиция конструктив ечимларини хал қилишда қўнғилиқда: табиий ва сунъий муҳит, қўнғилиқ радиацияси, ранг, ҳаво намлик, шамолнинг тезлиги ва йўналиши, ёғингарчилик ва товушлар каби компонентлар жуда муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирги индустриаль қурилиш жараёнида инсоннинг турмуш тарзини табиий иқлим шароитсиз, юқорида қайд этилган компонентларсиз тасавур қилиш қийин.

Ёруғлик, иссиқлик муҳити, акустика, микроиқлимларини архитектуравий лойиҳалашда тутган урни бекиёс даражада муҳим бўлиб, буларни урганмай туриб ёки унга риоя қилмасди сира иложимиз йўқ. Архитектор ижодида ёруғлик муҳит, табиий, ясама ва қўнғилиқ ёруғлик, инсоляция ва қўнғилиқдан сақлагичлар, ранг ва ранг бериш, биноларда микроклимат яратиш, зал акустикаси ва шовқиндан сақланиш масалалари ката аҳамиятга эгадир.

Жамоат биноларининг мухандислик жихозлари деб одатда қуйидагилар ҳисобланади: сантехника қурилмалари, (иссиқлик системаси, шамоллатиш, ҳаво кондиционери, совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация, газ таъминоти), электр жихозлари, радио-телефон, телевидение, ички ва вертикал транспорт сахна устки-остки жихозлари, совутиш ва транспорт жихозлари (савдо биноларида театрларда) ва ҳ.к.

Замонавий мухандислик жихозлари ишлаш шароити давомида ҳеч вақт панд бермаслиги, аниқ ва қулай равишдаги хизматидан бино хизматчилари унумли равишда фойдаланиши лозим.

Бинонинг ташқи томонида фойдаланиладиган инженерлик жихозларига эса алоҳида эътибор бериш зарур ва уни эстетик дидли равишда лойihalаш лозим

Шахардаги барча жамоат биноларидаги мухандислик жихозлари куп ҳолларда ташқи энергия манбасидан ҳаракатга келтирилади. У ҳам бўлса, энг куп тарқалган манба тури электр энергиясидир, иссиқлик энергияси ёки газдир.

Жамоат биноларини иситишида асосан сув ва ҳаводан иссиқ берувчи сифатида фойдаланилади.

Одатда бино ичидаги одамларга қулайлик яратиш учун ҳамда ёқилғини тежаш мақсадда ҳона ичидаги ҳавонинг температураси-автоматик тарзда бошқарилиб турилади. Ҳона ичида микроиклим қилиш ва шамоллатишдан қузда тугилган мақсад: одамларга ҳона ичида қулай шароит яратиш, сангигиена, ҳамда қурилиш ускуналари ва ички пардозларни узок муддатда хизмат қилишга эришишдир.

Энергия таъминоти, иситиш,шамоллатиш. ҳавони кондиционерлаш, ҳоналарга эътибор, жамоат биноларини лойihalашнинг техник-иктисодий жихатдан баҳолаш хусусиятлари, ҳажмий режалаштириш ва ускуналар ечимининг иктисодий баҳолаши ва унинг асосларининг ҳар бири алоҳида фан сифатида ҳам урганилади.

Жамоат биноларининг элементлари. Ҳар бир жамоат биноси тегишли вазифаларни бажариш учун мулжалланган асосий ҳоналар (мактабта-синфлар олий ўқув юртида-аудиториалар, театрда-томоша заллари, универмагларда-савдо-сотик заллари ва ҳ,к) га эга бўлади. Асосий ҳоналардан ташқари, ҳар бир жамоат биноси ердамчи ҳоналар (вестибюллар, фойе, коридорлар, зинополяр ва бошқалар) га ҳам эга бўлади.

Алоҳида асосий ва ердамчи ҳоналарни жамоат биноларининг элементлари деб номлаш қабул қилинган.Жамоат бинолариниң куплигига ва турли-туманлигига карамастан, уларнинг барчаси куплаб бир турдаги ҳоналарга эга болади, бу бир турдаги ҳоналар уларни умумлаштириш, гуруҳларга булиш, уларга умумий характеристика бериш ва лойihalашнинг асосий талаблари ва жихатларини белгилаш (урнатиш) имкониятини беради. Жамоат биноларининг барча асосий ва ердамчи ҳоналарини ҳамда жойларини санаб утиш ва уларга таъриф бериш имкониятини тасаввир қилиш мумкин. Фақатгина лойihalаш амалиетида куп учрайдиган асосий ҳамда ердамчи ҳоналар ва жойларни атаб утишга ва уларга таъриф беришга тухталамиз, холос.Ердамчи ҳоналарга вестибюллар, фойелар, горизонтал (зинополяр,лифтлар, нишобли йулаклар, эскалаторлар) боғловчилар, санитария узеллари киради. Асосий ҳоналар уларнинг сонига ва бажариш вазифаларининг турли-туманлигига боғлиқ равишта купрок кизикиш уйғотадиган, катта миқдорда ташриф буюрувчиларини сиғдирадиган катта улчамли заллардир. Уларга қуйидагилар таълуқлидур.

--театр, кино, цирклар ва бошқа тамоша муассасаларининг тамоша заллари:

--курғазмалар, музейлар, картинали галереяларнинг намоиш қилиш заллари:

--жамоат мажлиси заллари ва мажлислар заллари:

--спорт билан шуғилланиш ва жисмоний тарбия заллари:

--кутубхоналарнинг ўқув заллари:

--турли вазифали савдо-сотик заллари:

--ташриф буюрувчилар билан хизмат курсатувчи ходимлар уртасида тугридан-тугри мулоқат содир буладиган банк, жамғарма кассалари, почта, вокзал, аэропорт ва бошқа муассасалардаги операцион заллар. Маъмурий бинолардаги (иш кабинетлари) ва укув юртларидаги иш ҳоналари (мактаблардаги синф ва лабораториялар, олий укув юртлари ва колледжлардаги аудиториялар ва чизмачилик кабинетлари) катта турли-туманли ва кенг оммавийликга эгадир.

Вестибюллар. Жамоат биносини ташқи муҳит (куча,майдон,) билан боғлайдиган ҳона вестибюл деб аталади . Ташкилот, муассаса, корхона ходимлари, ишчи ва

хизматчилари ҳамда томоша муассасаларига ташриф буюрадиганлар еки томошабинлар ишчи хоналарига ва томоша залларига вестибюль оркали утишади. Вестибюль оркали утувчилар, кабулни кутадилар.

Вестибюль жамоат биносининг биринши хонаси сифатида, унинг ишлаш характери, унинг ахамияти, архитектуравий жиҳотлари хақида маълумат беради. Гардеробли вестибюллар майдони юзасининг меъёри кенг диопозонда узгаради: хар бир кишига 0,25-0,4 м² тугри келади. Алоҳида муҳим ахамият касб этадиган жамоат бинолари вестибюллари нинг майдонига зарур булган тантанаворлик ва монументалликни яратиш учун олий меъерий улчамлар буйича хисоблаш тақоза этилади. Гардеробларнинг майдони хар бир кишига тугри келадиган 0,08-0,1 м² норматив юза буйича хисобланади. Алоҳида гардеробларнинг майдони хар бир киши учун 0,2 кв.м ташкил этади.

Вестибюль уз жойлашиш ўрнига кўра бино хоналарини ташки муҳит билан боғлайдиган хона хисобланади. Уни бино биринчи каватининг марказий қисмига жойлаштириш табиий ва қулоқдор.

Фойе-қулуарлар. Томоша яки кино сеанси бошланишини кутиш ва танаффус пайтида дам олишга мулжалланган жойлар фойе деп аталади. Фойе бевосита томоша зали олдида жойлаштирилади ва зал билан қулай боғланган булиши лозим.

Фойе майдони томоша залидаги жойлар, ўринлар сонига боғлиқ равишта аниқланади ва хар бир уринга 0,5-0,6 кв.м хисобидан келиб чиқади. Фойенинг балантлиги 3,5 метрдан кам булмаслиги лозим.

Кулуарлар. Фойенинг кенг коридор қуринишида зални қуршаб оладиган қисмига қулуарлар дейилади. Улар томоша залларида жамоавий мажлис ва конференция залларида қулланилади. Кулуарлар ҳам худди фойелар каби хизмат қурсатиш хоналарига эга булади.

Горизонтал ва вертикал боғланиш жоилари. Горизонтал (коридорлар, галереялар) ва вертикал (зинаполяр, лифтлар, эскалаторлар) боғланиш воситалари жамоат биноларидаги турли вазифаларини утовчи хоналар ва жойларни уз -аро боғлашга мулжалланади. Коридорлар табиий равишта еритилиши зарур. Коридорнинг энг узок нуқтасидан зинапоя яки лифтгача булган масофа 25 метрдан ошмаслиги лозим.

Галереялар. Иссик иқлимли кун қисқарок ва иссик давр купрок давом этадиган мамлакатларда горизонтал боғланиш воситалари сифатида галереялар қўлланилади.

Зинаполяр. Энг куп қўлланиладиган зинапоя турлари: икки маршли ва уч маршли зинаполяр. Зинаполярни лойихалаштиришда қуйилладиган асосий талаблар.

1. Зинапоя майдончаси маршининг энидан кам булмаслиги лозим .
2. Уртадаги маршнинг эни ен томондаги маршлар энининг йигиндисига тенг булиши лозим.
3. Маршдаги зиналарнинг сони 3 дан кам ва 18 дан куп булмаслиги лозим.
4. Маршнинг оғмалиги 1:2 нисбатида булиши керак
5. Зиналарнинг улчами 15х30см , тусик балантлиги 90см булиши лозим .

Зинапояр жоилашиши буйича: ташки ва ички, бажариладиган вазифаларига қура: бош, хизмат ва кутқариш зинапоярларига булинади.

Лифтлар. Йуловчи, юк , юк-йуловчи ташиш ва махсус, яъни ихтисослашган вазифаларини бажариш турларига булинади. Жамоат биноларидаги йуловчиларни ташишга мулжалланган лифтларнинг юк қутариши 4 киши ва ундан ортиқ булиши лозим. 4 одамга мулжалланган лифт кабинасининг улчамлари-1,0х1,2м, шахтасининг улчамлари эса 1,4х1,6м булиши лозим. Юк ва йуловчиларни ташишга мулжалланган лифтларнинг юк қутариши 500кг. ва ундан ортиқ булиши лозим. Кабинасининг минимал улчамлари эса 1,5х2,2м булиши лозим. Махсус лифтлар кабинаси улчамлари 1,5х2,2 м.

Нишабли йулақлар(пандуслар) Зинапоярларга нисбатан қутарилишни анча енгиллаштиради, лекин зинапоярларга қараганда 3-4 марта куп майдонни эгаллайди, мутанасиб равишта қурилиш ишларини қимматлаштиради. Шунинг учин бино ичида нишабли йулақлардан вертикал боғловчи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас (яъни, улардан кенг фойдаланиш ихтисодий жиҳатдан самарасиздир.) Бирок хусусий ҳолларда, масалан, томоша қурсатадиган биноларда куп сонли тамошабинларни қутқариш мақсадида бино ичида ҳам,

унинг ташкарисида ҳам нишабли йулаклардан фойдаланиш зинапояларга нисбатан самаралироқдир. Агар томоша залидаги фойенинг поли хар хил сатҳда жойлашган булса, у холда нишабли йулаклар урнатилиши зарур. Нишабли йулакларнинг томоша заллари ичида кулланилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Ичкаридаги нишабли йулакларнинг юқори оғиши 1:6 нисбатта, ташқаридагиси эса 1:8 нисбатта булиши тавсия этилади. Нишабли йулакларнинг эни зинапоя маршлари учун белгиланган меъерий буйича, яъни 100 нафар одам оқимига 0,6м кенглик туғри келадиган улчамлардан келиб чиқиб аниқланади.

Эскалаторлар. Эскалаторлар утказувчанлик қобилияти буйича зинапоялар, оғма йулаклар ва лифтларга нисбатан анча самаралироқдир. Шунинг учун доимий равишта одамлар мавжуд булган бино ва иншоотларда кенг кулланилади. Эскалатор зиналарининг улчамлари зинапояларникига мос келади, яъни 15х30см оғмалиги эса 1:2 нисбатта булади. Эскалатор маршларининг эни заводда ишлаб чиқариладиган буюмлар энига кура аниқланади ва 0,9-1,2 м булади.

Санитария узеллари. (буғинлари) деп, санитария-гигиена вазифаларини бажарувчи ва битта мажмуага бирлашувчи хоналар гуруҳига айтилади (хожат хона, ювиниш хонаси, душ хонаси) Бинони лойихалашда санитария узеллари учун кузга ташланмайдиган жойлашиш урни, енгил аниқланадиган ва шамоллатиш кузда тутилиши лозим булган жойларни танлаш тавсия этилади. Санузеллар майдонларини ҳисоблаш учун меъерлар бино вазифасининг характериға боғлиқ ва улар бир-биридан фарқланиб туриши лозим.

Маъруза-13

Ўқув–таълим ва илмий муассасалар бинолари

Режа:

1. Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари.
2. Умумий таълим мактаблари
3. Академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари

Барча **мактабгача таълим-тарбия муассасалари** давлат қарамоғидаги муассасалар бўлиб 6-7 ёшгача булган болаларни тарбия қилишга қаратилган. Мактаб ёшгача булган болаларнинг жамоатчилик асосида давлат томонидан тарбия ва соғламлаштириш муассасалари бўлиб, болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ривожланишига, уларнинг соғлигини ҳимоя қилишга, жисмоний ва маънавий жихатдан тўғри тарбиялашга, ишчан ва эстетик руҳда таълим беришга қаратилган.

Муассасалар болаларнинг ёшига, уларнинг жисмоний-рухий ҳолатини ҳисобга олиб гуруҳларга ажратилган.

Давлатимиз таърибасида ҳозиргача қуйидаги гуруҳлар мавжуд:

- А) Ясли ёшидаги 3 ёшгача булган болалар; (ёшига қараб 1 гуруҳда 15-20 бола бўлади)
 - Кичик ясли ёшдаги бир яшаргача булганлар (15та бола I гуруҳ);
 - Уртача ясли ёшидаги 1-2 ёшдагилар (20та бола, бир гуруҳда.);
 - Ясли ёшидан каттароқ 2-3 ёшгача булганлар (20та бола I гуруҳ);
- Б) Мактаб ёшгача булган болалар етти ёшгача;
 - Кичик мактабгача ёшдагилар 3-4 ёшгача (25та бола I гуруҳда);
 - Уртача, мактабгача ёшдагилар (4-5 ёшликлар), ҳамда каттароқ мактабгача ёшдаги тайёрлов гуруҳлари (6-7 ёшгача);

Соғлам ва ақли расо мактабгача ёшдаги болалар учун умумий турдаги муассасалар асосий ҳисобланади.

Махсус турдаги болалар муассасалари қуйидагилар:

1. Болалар уйлари (ота-онасидан ажралган болалар учун).
2. Санитария соғламлаштириш (юқимли касалликлар билан касалланган болалар учун) уйлари.
3. Махсус (юраги порог, қузи ожиз, ақли заиф болалар учун) муассасалар.

Болалар муассасалари сизимига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

- кичик сизимли-4 та гуруҳ;
- урта сизимли-5-8 та гуруҳ;
- катта сизимли-9-14 та гуруҳ.

14 та гуруҳдан ошган БМ комплекс ҳисобланади.

Сизимига қараб ҳозирги замон нормаларига асосан БМ 6 турдан иборат, яъни улар 50,95,140,190,280,330 уринли бўлиб, мос равишда, 2,4,6,8,12,14 та гуруҳга тўғри келади. 560-600 уринли БМ лар болалар ясли-боғча комплекси ҳисоблангани, 24-28 гуруҳдан иборат бўлади.

Мактаб ёшигача булганларни тарбияловчи муассасаларнинг асосий ва энг қўп тарқалган типиде умумий типдаги болаларга тарбия берувчи уларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қурсатадиган муассасадир.

Мактаб ёшгача булган болалар муассасаси узининг иш вақтига ва фойдаланиш хусусиятларига қараб: кундузгига яъни болаларнинг 9-12 соат бўлишига мувожазланган; ҳамда бир сутка ёки хафта мобайнида (мактаб ёшигача интернат) 24 соатлик; ёки учинчи тури аралашма ҳолда кундузги ва суткалик гуруҳлари мавжуд. Шаҳарларда болалар муассасасини 140 уринлик, шаҳар типиде аҳоли марказларида 90 уринлик қилиб ва қишлоқ шароитида эса 50 уриндан кам булмаган ҳолда қилиб қурилади.

Энг қўп тарқалган кундузги мактаб ёшигача булган муассасаларнинг асосий тури аҳолига яқин булган (хизмат қурсатиш доираси 300-500 м) жойда маҳалла, мавзе ва микрорайонларда қурилади. Суткали, хафталик БМ (Интернет типидеги)лари эса ноҳия ва кичик шаҳарлар аро қурилган бўлиб хизмат қурсатиш доираси аниқ бўлиши шарт эмас.

Махсус ва соғламлиштириш БМ лар,асосан,шахар четидаги кукаламзор микроклимли жойларга курилади.Амал килиниб келаётган нормаларга асосан болалар ясли-боғчалари шахар демографик тузилишига караб биринчи навватда куриш учун 75% хисобида БМ уринлари мулжалланади.

Шундай қилиб мактаб ёшигача булган болалар муассасалар шахарсозликда турар жой комплекслари билан бирга шахар структурасининг бир қисми хисобланади. Буларни жойлаштиришда турар жойнинг энг яхши ерига қизил чизикдан 15м. ичкарига куриш лозим. Архитектуравий композицион ечимлари, хажмий режалаштириш принциплари эса курилиш нормаси ва қоидалари асосида булиш шарт.Асосий болалар хоналари (уйинхона,ошхона ва гурух хоналари) жанубга еки жанубий-шархга ва шархга караб жойлашиши керак.Болалар хоналарини шимолга,шимолий-гарбга,шимолий –шархга каратиб куриш тавсия этилмайди ва айникса гарбга,жанубий-гарбга каратиш мумкин эмас.

Умумий таълим мактаблари биноларининг типлари Ўзбекистон Республикаси Халк таълими вазирлигининг қарорларига мувофиқ белгиланади.

Умумий таълим мактабларининг асосий типи- бу 7 ёшдан 17 ёшгача булган усмирларни тарбияловчи муассасадир.

Кейинги вақтда умумий таълим мактабларида тайёрлов синфлари очилиб 6 ёшлик болаларни қабул қилишга утилди.

Умумий таълим асосан узининг куриниш принципига караб куйидагиларга булинади: бошланғич,туликсиз урта ва урта маълумот берувчи.Кейинги вақтга келиб урта техник маълумот берувчи,хамда лицей,гимназия каби турлари пайдо була бошлади.

Одатдаги умумий таълим мактабларидан ташқари мактаб-интернатлари булиб,у ерда болалар хам укиб,ота-онасининг розилигига караб уша ерда ётиб қолиши хам мумкин.

Умумий таълим мактабларининг хизмати доираси 500 м. радиус билан нормал хисобланади. Мактабларнинг турларини одатда уша аҳолининг яшаш шароитидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Мактабларни режалаштиришда унинг композицияси,хоналарнинг узаро боғлиқлиги,секция блокларнинг турли хиллиги диққатга сазовордир.Мактаб курилиши тажрибаси шуни курсатадики,асосан биноларнинг 1-2 каватлиги куп тарқалган булиб,замонавий мактаблар эса 4 каватгача булади. Мактаблар курилишида асосан ерлик курилиш материаллардан куплаб фойдаланилади.

Мактаблар асосий хоналарининг ориентацияси синфлар ва кабинетларнинг жанубий,жанубий-шархий ориентациясини кузда тутиши тавсия этилади,тасвирий санъат ва чизмачилик,информатика кабинетлари учун шимолий ориентация маъқулроқдир.

Мактаблар ва интернат мактаблар ер участкаларининг жойлашиши ва улчамларини ШНК 2.01.07 га мувофиқ қабул қилинади. Мактаблар ва интернат мактаблар ер участкалари куйидаги зоналарга булиниши мумкин:жисмоний тарбия-спорт,уқув тажриба,дам олиш ва хужалик ва ҳакоза.

Мактаблар ва интернат мактабларнинг кукаламзор ер участкаларининг майдони участка майдонининг 30-40% ни ташкил қилади.

Мактаб,мактаб-интернатлар ва мактаб қошидаги интернат биноларидаги хоналарни таркиби ва майдони функционал-ташкилий ва педагогик талаблардан келиб чиқиб,хисоблашлар орқали аниқланади.

Мактаб таркиби куйидаги хоналар гурухларидан иборат:

- а) бошланғич мактаб учун(1-4 синфлар)синфлар,мехнат қилишга ургатиш жойлари,узайтирилган кун учун универсал хоналар,рекреация,хожатхона,вестибюл гардероби билан;
- б) асосий мактаб учун(5-9синфлар) синфлар,ўқув хоналари ва лабораториялар,мехнатга ургатиш устахоналари,профориентация хоналари;
- в)мактаб учун умумий булган жойлар:ўқув-спорт ва мажлис зали,кутубхона,маърифат-манавият хоналари,клуб-тугарак ва умумий фаолият учун хоналар,ошхона,бошқарув-хужалик ва тиббий хизмат курсатиш хоналари,рекреация,хожатхоналар,вестибюл .

Ўқув хоналари.Синфхоналари,ўқув хоналари ва лабораториялар майдонларининг хисобланган солиштирма курсаткишлари 1-жадвалда берилган.

Мехнатга ургатиш ва касбга йуналтириш хоналарининг майдонлари 2-жадвалга мувофиқ қабул Килиниши тавсия этилади. Мехнатга ургатиш хоналарини, қоидага кура, шовқин чиқарувчи Манбалар булганлиги учун овқатланиш яки залли блоклар билан блоклаштириш тавсия этилади.

Мажлис залидаги уринлар сони ҳисобланган сиғими бўйича шаҳар мактабларида 20-25%, қишлоқ жойларидаги мактабларда 30-35%, мактаб интернатларда 50% ни кузда тутиши керак. Мажлис залининг майдони бита уринга 0,65-0,72 кв.м.га тугри келиб чиккан ҳолда қабулланади. Кутубхона 20 минг бирликни сақлаш фонди билан битта хона қуринишида ташкил этилалаи (ўқув зали ва китоблар сақланадиган хоналар 2:1 нисбатта булиши лозим) Кутубхона майдони

4-жадвалга мувофиқ қабул қилинади. Кутубхона блоки хоналарида мактаб сиғимига боғлиқ равишда майдони 36-60 кв.м. булган «маънавият-маърифат» хонасини кузда тутиш талаб этилади. Рекреация, дам олиш хоналари. Езги рекреациялар (лоджиялар, терассалар, ички ховлилар) майдонлари лойihalаштириш топшириғига асосан белгиланади. Рекреация коридорларининг эни 2,8 м. дан кам булмаслиги лозим; ўқув хоналарини икки томонлама жойлаштиришда рекреация коридорларининг эни 3,2-4 м. булиши тавсия этилади.

Дам олиш ва дарс таерлаш хоналарининг майдонини яшовчилар умумий сонининг 50%и учун бир нафар иштирокчига 1,25 кв.м. тугри келишини ҳисоблаб, қабул қилинади.

Ўқув-спорт машғулотлари учун мулжалланган жойлар. Ўқув-спорт залларининг улчамлари бир нафар иштирокчига 0,9 кв.м. тугри келиш ҳисобида, 5-жадвал бўйича қабул қилинади. Иштирокчиларнинг 3 ва 4 оқимига мулжалланган йирик мактабларда иккитадан спорт заллари яки битта катта зал (540 кв.м./30x18) қабул қилинади. Залнинг баландлиги 9x18 м. да-5,4 м. 12x24 м ва 30x18 м. да 6 м. дан кам булмаслиги керак. Спорт залларида уғил болалар ва қизлар учун алоҳида ечиниш-кийиниш хоналари, душ ва хожатхоналар кузда тутилади. (42 кв.м.) Иккита спорт зали булганида бу хоналар майдони 84 кв.м. (42x2) дан кам булмаслиги лозим.

Спорт залларида улчамлари 12x24 м булган зал учун юзаси 16 кв.м. дан, 30x18 м зал учун юзаси 20 кв.м. дан кам булмаган снаряд майдони; юзаси 8-12 кв.м. булган мураббийлар хонаси булади.

Академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, 1997 йил 29 августта «Таълим тўғрисида» ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кадрлар тайерлаш миллий дастури» тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши, таълим соҳасида туб бурилишни бошлаб берди.

Кадрлар тайерлашнинг миллий дастурининг мақсади таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, ривожланган демократив давлатлар даражасида, юқори малакали кадрлар тайерлаш миллий тизимини яратишдан иборатдир.

Мазкур Ҳукумат топшириқлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябридаги 406-сонли қарори билан академик лицей ва касб-хунар коллежларини ташкил эти шва уларни маблағ билан таъминлаш дастури тасдиқланиб, узликсиз таълим тизимида янги мустақил бўғин, яъни ўрта махсус, касб-хунар таълимини шакллантириш бошланди.

1998 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қурилиш ва реконструкция ишлари бошланиб, кўплаб касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар барпо этилди. Ўларнинг дастлабки лойihalалари қайта ишланиб, янада иқтисодий, тежамли ва оптимал кўринишларга келтирилди.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари бинолари типларини шакллантириш ўқув дастурларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Минвуз томонидан тасдиқланган, академик лицейлар асосий сиғимлари-375,600,825 ва 1050 ўқувчига, касб-хунар коллежлари учун-300,400,600,700,900 ўқувчига мулжалланган. Ҳар бир ўқув гуруҳида 25 ўқувчидан тугри келиши керак. Академик лицейлар одатта- 15,24,36 ўқув гуруҳларига, касб-хунар коллежлари -12,18,24,36 ўқув гуруҳларга ҳисобланади. (ШНК 4.13.52.-04)

МАЪРУЗА -14**ОЛИЙ ЎҚУВ ВА ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ МУАССАСАЛАРИ****РЕЖА:**

1. Олий укув юртлари, классификацияси, типлари
2. Олий таълим муассасалари участкаларига булган талаблар
3. Асосий бинолар ва хоналарни хажмий режалаштириш
4. Илмий текшириш институтлари ва ўларнинг ечимлари

Олий таълим муассасаларини жойлаштиришни ШНК 2.07-01 шаҳар қурилиши талабларига мувофиқ амалга ошириш зарур.

4 минг ва ундан кўп талабаларга мулжалланган катта олий ўқув муассасаларини ва ўзининг таркибида катта миқдордаги махсулаштирилган объектлар, лабораториялар, конструкторлик бюрлар, клиникалар, полигонлар, тажриба участкаларини қамраган майдонларни, шу билан бирга мажмуалик талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамма керакли объектларни шаҳарнинг четки ҳудудларида жойлаштириш зарур.

Олий таълим муассасаларининг майдон юзалари аниқ шаҳар қўрилиши талабларига мувофиқ, ШНК 2.07.01 ни инобатга олган ҳолда аниқланади. .

Олий таълим муассасаларининг ер участкаларида куйидаги: ўқув ва илмий текшириш бўлимлари, овқатланиш, савдо-маиший ва хизмат курсетиш (соғламлаштириш-тиббий хизматлар), спорт, хужалик-техник зоналар белгиланган (етокхона, ўқувчилар сонни таркиби учун уйлар ажратган ҳолда зоналаштиришни назарда тутиш лозим).

Олий таълим муассасаларининг ер участкаларини кукламзорлаштириш юзалари энг камида умумий майдоннинг 35 % ни ташкил этиши керак. Ўқув бинолари ва илмий - текшириш фаолияти учун бинолар магистрал кучаларнинг тез ҳаракатлениш қисмларидан энг камида 50 м узоқлаштирилган, бошқа ҳолларда эса маҳаллий аҳамиятга эга кучаларнинг ўтиш қисмларидан энг камида 25 м узоқда булиши керак..

Тиббий олий таълим муассасаларининг енида, одатта, поликлиника ва стационарлар корпуслари учун клиник зоналар ажиратилади.

Очиқ спорт иншоотлар комплексларида ташқи ҳожатхоналар, ободонлаштирилган майдончалар, сув ичиш фонтанчалари булган дам олиш майдончалари ва бошқа ободонлаштириш қисмларини назарда тутиш керак.

.Ўқитувчилар учун етоқхона , меҳмонхона ва турар жойлар умум «турар жой» зонасида, яшаш зоналарида жойлаштириш нормаларига мувофиқ, жойлаштирилиши зарур. Етоқхона

алохида жойлаштирилганда унинг ўқув зонасидан узоқлиги 30 минутлик йулни ташкил этиб, транспорт яки пиеда юриш имконияти булиши керак.

Олий таълим муассаса ер участкаларинг маъмурий жамоа корпусларининг охирида автомобиллар туриш жойи кузда тутилиши зарур (минг одамга 15 машина урин хисобидан) ст

Олий таълим муассасани ўраб олинган участкасида энг камида икки кириш жойи булиши кўзда тутилиши керак.Бинолар атрофида ут учириш машиналари учун айланиб утадиган йуллар булиши керак (бино деворидан 5 м узоқликда).

Олий таълим муассасани шаҳар атрофи зонасида жойлаштиришда 3 км узоқликтаги ут учириш депосидан фойдаланишга имкон булиши зарур.

Бир неча олий таълим муассасаларини енма-ен жойлаштиришда, одатта умумий турар жой ва спорт зонаси, умумий клуб, кургазма комплекслари марказлаштирилган поликлиника, соғламлаштириш комплекси назарда тутилиши зарур.

Асосий хона ва биноларни ҳажмий режалаштириш ечимлерига талаблар. Олий таълим муассасалари биноларининг ҳажмий-режалаштириш ечимлари амалдаги мейерлар (ШНК 2.08.03) талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ўқув ва лаборатория корпусларини 4 қабатдан куп булмаган ҳолда жойлаштириш зарур. Администрация учун белгиланган ректоратларни 9 қабатгача жойлаштириш мумкин.

Факультетларни, ректоратларни, кутубхона, тантаналар ва спортзалларини алохида биноларда жойлаштиришга рухсат этилади.

Бино қаватларининг баландлиги ШНК 2.08.02 талабларига жавоб бериши керак. Сиғими 40 дан 72 урингача булган аудиторияларнинг баландлигини полдан шипгача энг камида 3,6 м; сиғими 75-100 ўринлик—энг камида 4,2 м, сиғими 100 ўринлик маъруза залларының баландлиги технологик талабларга мувофиқ 4,5-6 м булиши керак.

Олий таълим муассасаси таркибига, ўқув кабинетлари, аудиториялар, лабораториялар, маъмурий-хужалик ва техник хоналар, ахборот-ресурс маркази, спорт заллари ва спорт машғулотлари учун хоналар, буфет ва ошхоналар, тантаналар заллары, клуб заллари, ижодий хонаси, тиббий пунктлар киргизилиши керак. Олий таълим муассасаси сиғими ва хоналар юзалерининг технологик хисоби, турли даражали ўқувчилар, студентлар, магистрантлар, аспирантлар, деканатлар, кафедралар, ўқитувчи-профессорларнинг илмий ишлари, ректоратлар маъмурий хызмат курсатувчи техник ходимлар учун ўқув дастурлари инобатга олинади.

Олий таълим муассасаси асосий хоналари уқув аудиториялари ва кабинетларини, лабораторияларини, кутубхоналарини, кафедра хоналарини, ва илмий-текшириш, маъмурият булимларини, ер усти қаватларида жойлаштириш керак.

Цокол қаватларида махсус белгиланган лабораторияларни (технологик асосларга ендашиб) гардеробларни, спорт залларини ва тренажёр залларини, сан узел, душхона, хужалик хоналарини, ошхона, савдо-маъмурий хизмат курсатиш ва бошқалар (ШНК 2.08.02 га мувофиқ) жойлаштиришга рухсат берилади.

Подвал қабатларда ШНК 2.08.02 га мувофиқ хоналарни сув трубалари ва канализация, насос хоналари, вентиляция камералар, лифт машина булимларини жойлаштиришга рухсат этилади..

Ўқув маъмурий ва илмий текшириш ишлари ва маъмурмй ишлар хоналарини чап томонли табиий еритишга эга булиши керак. Чап томонли табиий еритиш камлик қилса, табиий қушимча: енбош яки юқори ҳамда қушимча сунъий еритиш кузда тугилади.

75 ва ундан купроқ ўринли аудиторияларда, курс лойихаси ва диплом лойихалаш махсум кабинетларини юқори еритиш зенитлари билан еритишни кузда тутиш зарур. Катта ўлчамли залли хоналарда икки томонлама табиий еритиш, табиий шамоллатиш имкониятлари кузда тутилиши мақсадга мувофиқ булади. Чизмачилик заллари, рассомлик, хайкалтарошлик хоналарини еруғлик ойналарини шимолий томонлар (шимол, шимоли-шаркий, шимоли-ғарбий)га йуналтириш зарур.

Ўқув кабинетлари ва 75 уридан кичик аудиторияларни жанубий, жануби-шаркий томонларга йуналтириш тавсия этилади...

Бинолардан эвакуацион чиқиш коридорларининг кенглиги ШНК 2.01.02 талабларига мувофиқ булиши керак.

Зинапояларнинг кенглиги ўқув лаборатория корпусларида 1,5м қилиб олиш тавсия этилади.

Ўқув корпусларида коридорларнинг эни камида 2,2м, рекреация учун фойдаланиладиган жойлар эни камида 2,6 м. кўпи билан 3,2 -3,6 м булиши тавсия этилади.

Аудитория ва 50 уридан купроқ уринли ўқув заллари, тантана ва спорт заллари, 50 уринлик ва ундан купроқ уринли томоша балконлари, ўқув залларининг антресоллари камида 2 та эвакуация чиқиш жойларига эга булиши керак.

Аудитория майдонини куйидаги юза (m^2) курсаткичлари асосида қабул қилиш зарур.

12-15 ўринга- $2,5 m^2$; 25 ўринга- $2,2 m^2$; 30 ўринга- $1,8 m^2$; 50 ўринга $1,5 m^2$; 75 ўринга- $1,4 m^2$; 80-100 ўринга - $1,3 m^2$; 100-150 ўринга- $1,3 m^2$; 150-180 ўринга- $1,2 m^2$; 200-300 ўринга - $1,1 m^2$.

100 ўринлик ва ундан ката аудиторияларда аудитория столлари қаторлари оралиғида утиш жойлари 0,6 м хисобидан ҳар 100 кишига, ҳар бир утиш жойларининг кенглиги камида 1,2м ва 1,8м дан кам булмаслиги керак. Олий математика, чизма геометрия материаллар қаршилиги фанларининг маъруза машғулотлари учун 100-150 уринлик аудиторияларда, одатта $36 m^2$ препарат хоналари кузда тугилади..

Аудитория ва ўқув кабинетларида столларнинг ўлчамлари: узунлиги 60 см, кенлиги 50 см, баландлиги 75 см булиши керак. Столлар одатте икки ўриник булиши кузда тугилади.

Ўқув кабинетлари, чизма залларининг юзалари (шу хисобда курс ва диплом лойихасини лойихалаш) жадвал курсаткичларига мувофиқ куйидагича қабул қилинади.

№	Хоналар	Юзаси м ²
1	Ўқув кабинетлари (жихозлар билан жихозланишига кура)	2,2-2,5
2	Махсус компьютерлар билан жихозланган(жихозлар билан жихозланишига кура)	3,5-6,0
3	Чет эл тилларини урганиш учун лингафон кабинетлари	3,0
4	Курс ва диплом лойихалаш учун чизмачилик хоналари	3,6-4,0
5	Архитектура ва бадий олий таълим муассасалари учун хоналар	5,0-6,0

Кутубхоналар ўқув залларининг бир вақтнинг ўзида 10-12% талабалар сифимлиги хисобидан қабул қилиниши тавсия этилади.

Кутубхоналар таркибига, янгидан олинган китоб ва журналлар кургазмаси учун хоналар, персонал компьютерлар, видеороликларни, аудио материалларни эшитиш-куриш учун хоналар киргизилиши керак. Кутубхоналар маъруза заллари билан таъминланган булиши керак.

Маданият ва санъат олий таълим муассасаларида ўқув-курғазма комплексларини, кейин тижорат мақсадида фойдаланиш учун катта курғазма залларини тузиш мақсадга мувофиқ.

Олий ўқув юртларининг кафедраларини, кафедра мудирлари кабинетларини 15-18 м² хисобида, ходимлар (ўқитувчилар) учун хоналарни битта штат бирлигига 5-8 м² хисобидан, услубият кабинетларни 50-60 м² хисобида, кафедра хоналари юзалари ва таркибларини лойихалаштириш топшириғига асосан белгиланади.

Деканат, ректорат хоналари, бошқа маъмурий-хужалик хоналарининг таркиби ва юзалари, штат жадвалига, лойихалаш топшириғи асосида амалдаги мейерларни эътиборга олган холда кузда тугилади. Бунда курсатилган хоналарнинг тахминий курсаткишларини инобатга олган холда, майдонлари олий ўқув юртларидаги студентларнинг хисоб сонидан (1 студентга м² та, олий ўқув юртларининг студентларининг умумий хисобидан) куйидагича олинади.

-0,8 м²; таълим муассасасидаги студентлар сони 1000 дан 2000 гача;

-0,7 м²; ; таълим муассасасидаги студентлар сони 2000 дан 4000 гача ;

. Ходимлар учун асосий хоналар 1ишчи уринга 6 м²; катта габаритлик жихозли лабораторияларда -8 м².

Спорт залларини куринишлари, ўлчамларини куйидаги жадвалга мувофиқ қабул этиш тавсия этилади:

Спорт заллари ва ердамчи хоналар, бассейнлар амалдаги қурилиш мейерлари асосида лойихалаштирилади..

Ошхона ва буфетларни жойлаштириш уларнинг сифими, турлари маҳаллий шароитлари билан аниқланади. Овқатланиш жойларининг сифими ўқув юртларининг тахминан 20% ҳисобий сифими ҳисобидан белгиланади. Ошхона ва буфетларни амалдаги меъйорларга (ШНК 02.08.02 ва бошқалар) кура технологик асосларда жойлаштириш керак бўлади.

Изоҳ: 1. Ошхоналар асосий ўқув корпуслари билан ошиқ боғлиқликда бўлишлари мумкин. Ошхонадан ўқув ва ўқув ишлаб чиқариш корпусларигача булган масофа 300м дан куп булмаслиги керак.

2.15-50 уринли буфетлар асосий биноларнинг турли қаватларида жойлаштирилиши мумкин..

Санитар узелларда 50 эркакга 1 та писсуар ҳисобидан; 30 айелга 1та унитаз ва 100 айеллар учун 1 та шахсий гигиена кабинаси кузда тутилиши керак, Ҳар бир санитар узелининг таркибида , ўқитувчилар учун 1 кишига (еркак ва айел) ҳожатхона ажиратилиши зарур.

Олий таълим муассасаларининг турли ўқув йуналиши бўйича ҳисобий сифими

Олий ўқув юртлари	Талабалар сони (минг одам)
Политехника	4-15
Техникавий	2-8

Ўқув корпусларининг вестибюлларида ва ректоратларда канцтоварларни, китоб, газета-журналларни ва аптека учун киосклар кузда тутиш рухсат этилади.

Ўқув корпусларининг қаватларидаги рекреатцияларни 1 талабага 0,5 м² ҳисобидан қабул қилиш керак.

Олий таълим муассасаларининг турли ўқув йуналиши бўйича ҳисобий сифими

Олий таълим муассасаларининг тури ва ҳисобий сифими (талабалар сони)	Қурилиш хажми 1000 м³	Умумий майдони 1000 м²	Ҳисобий майдон 1000 м²
Политехника			
4000-6000	75	18,8	10,9
6000-8000	73	18,3	10,6
8000-10000	71	17,8	10,3
10000 – 15000	69	17,2	10
Техникавий муҳандислик, иқтисодий			
2000-4000	77	19,4	11,2
4000-8000	75	18,8	10,9
6000-8000	73	18,3	10,6

**Ўқув лаборатория хоналари юзаларининг тавсия этиладиган тахминий
курсаткичлари**

Хоналарнинг атамаси	Ўлчам бирлиги	Юзаси, м²
Аудиториялар	25 ўрин	50
	50 ўрин	75
	100 ўрин	130
	200 ўрин	220
	300 ўрин	330
	400 ўрин	400
Ўқув кабинетлари	12 ўрин	30-36
	25 ўрин	50-70 (жихозларнинг турларига мувофиқ)
Курс ва диплом лойихалаш, чизмачилик зали	25 ўрин	90
Чизмачилик заллари қошидаги архивлар	3 та чизма столи	18
Чизмачилик заллари қошидаги модел хоналари	2 зал	36

Илмий-текшириш муассасалари. Замоनावий илмий муассасалар шаҳар структурасининг қисмларида жойлашгани ва анча ката майдони-илмий зоналарни ташкил этгани учун шаҳарнинг архитектуравий қиефасини яратишга салмоқли ҳисса қўшади.

Ўзбекистон фанлар Академияси ИТМ ларини изланиш соҳасига нисбатан икки гуруҳга булиш қабул қилинган. ИТМ ларнинг табиий фанлар буйича шуғулланувчи гуруҳи 4 секцияни ташкил этади. Хозирги даврда илмий-текшириш институтлари таркибига кирадиган асосий бинолар ва иншоотлар турлари куйидагича:

1. Маъмурий-ердамчи бинолар (маъмурият хоналари, заллар, ошхоналар, тиббий пунктлар ва бошқалар).

2. 4 дан 8 қаватгача ва ундан юқори қаватли, 20 дан 50 кв. м. гача юзага эга булган лабаратория хоналари жойлашган ижтимоий типдаги лабаратория корпуслари.

3. Назарий ва лойиха конструкция булинмалари жойлашган биноларда қаватлар сони Чекланмайди.

4. Махсус лабараториялар.

5. Эксприментал ишлаб-чиқариш бинолари.

6. Моддий-техник ва хандасавий-техник жихатдан таъминловчи бинолар ва иншоотлар.

7. Архитектура-тарх ечимлари.

Замоनावий илмий-текшириш институтларининг бош тархий ечимлари бино учун ажратилган ерни аниқ функционал худудларга булишни ва келгуси иш фаолиятини кенгайтиришга имкон берадиган резерв майдонларини сақлаб қуйишни тақоза этади.

Одатта участканинг олди қисмида маъмурий-хужалик бинолари, орқа қисмида эса лабаратория ишлаб чиқариш ҳамда техник жихатдан таъминловчи бинолар ва иншоотлар жойлашади. Илмий муассасаларнинг хажм ва бош тарх ечимларида кенг қулланилган усулларга асосланиб, мухитни фазовий ташкил этишнинг икки даражаси ҳақида суз юритиш мумкин: биринчисида (ҳажмий-тархий ечимида) диққат эътибор бино ва иншоотга, иккинчисида (шаҳарсозлик ечимида) ката майдонларни эгаллаган комплексларга қаратилади.

Лаборатория биноларининг функционал-техник ечимлари. Илмий ишлаб чиқариш жараени асосан икки турга булинади: назарий ва эксприментал.

Назарий жараен илмий маълумот туплаш жараенини ифодалайди. Эксприментал жараен илмий ходимнинг жихозлар ва материяллар ердамида назарий билимларни Кайта текшириб куриш жараенини ифодалайди.

Лабаратория жараени учун умумий аҳамиятга эга булган лабаратория хоналари ва катта лабаратория қурилмаларини сиғдира оладиган иншоотлар хос.

МАЪРУЗА -15

ТОМОША КУРСАТИШ БИНОЛАРИ.

РЕЖА:

1. Томоша кўрсатиш масканларининг шаҳарсозликда тутган ўрни.
2. Концерт заллари ,театр ва кинотеатрлар
3. Уларни архитектуравий,хажмий режалаштириш
4. Томоша кўрсатиш бинолари:музейлар цирклар
5. Уларнинг меъморий,конструктив ечимлари

Ушбу булимда кинотеатр, театр ва концерт заллари туғрисида суз юритилади. Кинотеатрлар томоша курсатиш бинолари ичида энг куп таркалгани булиб, томошабинларни жалб килиш буйича машхур хисобланади. Хар бир томошабин энг камида бир йилда 17-20 марта кинотеатрга ташриф буюришини хисобга олсак, ушбу жамоат биносининг турларига булган эътибор диккатга сазовордир.

Замонавий кинотеатрлар узининг белгиларга караб куйидагиларга булинади: репертуарли-бадий фильмлар кинотеатри, хроникал, илмий-оммабоп, болаларники, кайтарма ва чет тилидаги фильмларни курсатувчи; фойдаланиш хусусиятлари буйича-доимий ва мавсумий (ёзги, ёпик ва очик холдаги), махсус ва универсаль курилиш жойи буйича-шахарда,кишлок жойларида; хоналар туркуми буйича – бир заллик ва куп заллик,фойе ва кулуарлик; архитектуравий курилиш хусусиятлари–якка холда ёки бошка бинолар билан бирга кушиб курилган булиши мумкин; кинопроекциялар эса-одатдаги кичик экранлик, кенг экранлик,кенг форматлик, стереоскопик, панорамалик булади.

Ушбу булимда иккита йирик гуруҳдаги томоша бинолари-театр ва концерт заллари хакида хам суз юритилади .У хам булса утмишдан то бизнинг давргача машхур булиб келаётган театр биноларидир. Узининг биносига содик булган театрлар хозирга келиб замонавийлашиб,янада гузаллашиб кетди.Унинг келиб чикишини яхшилаб билмай туриб,янги театр биносини лойихалаш анча мушкул иш.

Концерт заллари деярли анъаналарга эга эмас.Аввалари концертлар сарой ичидаги залларда,клубларда ва алохида ратушларда берилар эди. Хозирги давримизга келиб театр ва концерт заллари турли хилдаги жанрларга эга булиб,уларнинг архитектуравий ечимлари хам ушандан келиб чикан холда яратилмокда.

Шахарсозликда эса ,иложи борича ушбу хилдаги бинолар алохида килиб куринишли жойга курилиши лозим.Замонавий курилиш тажрибаси шуни курсатадики,томоша комплекслари иложи борича куп заллик булгани маъкул,чунки уларнинг репертуарларига караб заллардан максимал равишда фойдаланиш мумкин.

Кинотеатрларни шаҳарда жойлаштириш.Алохида хизмат курсатишнинг қабул килинган тизимига биноан кинотеатрлар мавсумий фойдаланадиган муассасалар каторига киради ва тура ржой туманлари хамда умумшахар марказлари буйлаб тақсимланади.

Ёзги кинотеатрлар дам олиш жойларида,шахар хиебанларида ва шаҳар атрофидаги худудларга жойлаштирилади.Кинотеатрлар сиғими шаҳарсозлик меъерлари буйича белгиланади:хозирги даврда йирик шаҳарлар учун хар 1000 кишига-20-30 урин,келгуси давр учун -30-35 урин ажратилади.Кинотеатр учун ажратилган участка унча катта булмайди,унинг кичик яки катталигига 0,3 дан 7 гача берилади.Участкада энгил машиналар сақланадиган жойлар кузда тутилган булиб,уларнинг умумий сони томошабин залидаги 10 урин учун 7 машина тугри келишини хисобга олган холда белгиланади.

Кинотеатр биноларининг асосий турлари ва қабул килинган композициялар асосий хоналари,хажмий-режалаштириш ечимлари.Функция ва композиция жихатдан бинонинг узагини ташкил этувчи томошобин зали кинотеатр композициясини яратишда мухим роль уйнайди.Залнинг томошабинлар томонидан идрок қилиб олиш қонун-қоидаларига боғлиқ

булиб, бионинг қирқими ва тархи ҳам шунга биноан тузилади. Экранны тўсиқсиз қуриш учун орқада ўтирган томошабинни экраннинг пастки қиррасига қаратилган кўз нури олдинда ўтирган томошабиннига нисбатан 12 см. баланд бўлмоғи керак.

Кинотеатрларда томошабин зали билан бевосита боғлиқ булган асосий элемент бу кино-аппарат хонасидир (кинопроекцияси ваердамчи хонаси билан бирга). Кинопроекция хонасида жойлашган проекторнинг проекция ўқи экранга нисбатан перпендикуляр ҳолатда булиши керак. Киноаппарат комплекси одатда томошабиннинг орқа томонига, балконли залларда балкон остига жойлашади. Кинопроекция хонаси учта кинопроекторга мулжалланган бўлади. Кенг форматли кинотеатрларда киножурнал курсатиш учун қушимча равишда туртинчи проектор ҳам урнатилади. Айланма панорама кинотеатрларда ҳар бир экран учун иккитадан проектор урнатилади.

Театр-концерт бино ва иншоотлари. Театр энг қадимий жамоат биноларидан булиб, антик очиқ театрлар уйғониш даврида пайдо булган чуқур сахнали театрлар, халқ театрларининг турли шакллари, замонавий спектаклларни курсатиш учун манба булиб хизмат қилган.

Театр биноси хоналари куйидаги комплексларга тақсимланади:

- а) томошабин комплекси;
- б) намойиш комплекси (томоша зали)
- д) сахна комплекси;
- е) ишлаб чиқариш хоналари ва резерв омборлар.

Умумий курсатмалар. Театр биносини икки комплексга булинган хоналар ташкил этади. Бири-намойиш комплекси булиб, ундан сахна ҳаракатлари устида иш олиб борилади ва спектакл намойиш этилади. Иккинчиси-томошабин комплекси булиб, унда театрга келган томошабинлар кутиб олинади, жойлаштирилади ва уларга тегишли хизмат курсатилади.

Театр уйинлари ижро этиладиган сахна намойиш комплексининг, томошабин зали эса томошабин комплексининг ўзагини (ядроси) ташкил этади.

Театр сахнаси. Томошабин зали ҳамда чуқур сахнанинг умумий қурилиши ва ички тузилишларини белгиловчи асосий курсаткиш бу-томоша майдончасининг улчамларидир. Тажриба шуни курсатадики, купгина спектаклларда сахна ҳаракатларининг фаол қисми эни 8 м. дан 14 м. гача булган майдончада кечади.

Томошабин зали-театр биносининг композицион элементи ҳисобланади. Зал композициясини ташкил этишдаги асосий омил (фактор) лардан яна бири томошабин учун охири қаторнинг сахна қизил чизигидан қай даражада узоқлигидир (қизил чизикдан 25 м-драма, 32 м опера, балет театри учун). Томошабин залининг икки тури мавжуд-куп қаватли ва амфитеатрли. Томошабин залининг мақбул юзаси: бир томошабинга 0,65 кв. м., ҳаво қисми бир томошабинга-4,5—5 м. куб драма, 5—6 м. куб мусиқали театр учун.

Бош тарх. Театр бинолари шаҳарнинг марказий қисмларида жойдашиши ва ш у марказ ансамблини ташкил этишда ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Ер участкасини танлашда унга кириб кетишнинг ҳар томонлама қулайлиги, жамоат ва индивидуал транспортлар учун ерусти ва ерости тухташ жойларини лойихалаш мумкин, театр атрофида хиебонлар ва декоратив усимликларни жойлаштириш имкониятлари ҳисобга олинади. Бу вазифалар қурилиш меъерлари ва қоидалари талабларига биноан амалга оширилади.

Клублар, цирклар ва музейлар .

Клуб-деб одатда биз инсонларни хордик чиқариши учун мулжалланган, маслакдош кишиларни бирлаштирувчи муассасага айтилади.

«Клуб» термини асосан XVII-асрларда Англияда пайдо булиб асосан универсал равишда фойдаланиб келинган бинодир. Уша вақтдаги клубларнинг таркибида яқшанба мактаблари, кироатхона, биллиардхона, карта, киморхона ҳамда турли хилдаги спорт ва томоша заллари мавжуд булган. Хозирга келиб клублар асосан икки қисмдан иборат булиб қолди: булар, томоша курсатиш қисми ва тугарақлар утказиш қисми, яъни клуб қисмидир.

Демак иккита контраст архитектуравий кисмларнинг мавжудлиги бинонинг архитектуравий композициясини бойитиб янада жозибали килиб шаҳар структурасида доминат вазифасини бажариши мумкин.

Клубларни беш типга булиш тавсия қилинади:

- 150-400 уринли кишлок клуби
- 300-700 уринли кишлок маданият уйи
- 500-800 уринли туман маданият уйи
- 500-1000 уринли шаҳар маданият уйи

Клуб хоналари куйидаги хоналарга булинади:

- А)-томошабин қисми хоналари
- В)-клуб қисмининг хоналари
- Д)-ердамчи ва маъмурий-хужалик хоналари

Махаллий шарт-шароитлар талаб этса ва шунга яраша техник-иқтисодий асос мавжуд булса, клуб биноларида ракс-муסיқа мактаблари, музей ва клуб жихозларини прокатга бериш базаларини жойлаштириш мумкин.

Заманавий цирклар- асосан алохида томошагоҳ сифатида намоён булиб XIX асрларда пайдо булган. Цирк биноси асосан куп холларда шаҳарсозликда алохида курилган архитектуравий композицияси компакт холатда жойлашган, уртасида манеж(арена) булиб, унинг атрофига амфитеатр, эстрада, лоджилар жойлашган гумбаз остида лойихаланади. Шундай килиб цирк биноси узининг таркибий кисмига караб алохида яхлит ёки икки узаро бириккан бино холатида тасаввур килинади.

Музей - деганда биз кенг халқ оммасини санъатга, маданиятга йулловчи, уларнинг маънавий бойлигини тарбияловчи муассаса турига айтамыз. Шу билан бирга музейлар, кургазма ва маданий ёдгорликларни сақлаш жойи, маънавият хамда илмий-тадқиқот ишларининг кенгайтирилган маънодаги маркази хамдир. Музейнинг мазмуни унинг ниҳоят даражадаги коллекциялар тупламининг кенглигидир, бу эса натижада унинг архитектуравий режалаштириш ечимига ва музей композициясига таъсир этади. Уларнинг турлари хилма-хилдир. Музейларни лойихалаш албатта унинг ички мазмунидан келиб чиккан холда танланади.

Демак музей биноси факатгина ажойиб санъат асари булибгина колмай, шаҳарсозликдаги тутган урни ва мавкеи билан оммани маънавий жихатдан тарбиялаш ишига муносиб хисса қуша олади.

Функцияси жихатидан музейлар куйидаги турларга булинади: улкашунослик, бадий, халқ хунармандчилиги, тарихий, харбий-тарихий, ёдгорлик ва фаннинг тури буйича: геология, палетология, зоология ва х.к.

Музейлар катталигига караб куйидагиларга булинади::

- кичик музейлар-майдони 30 дан 10 минг м.кубгача;
- урта музейлар-майдони 80 дан 30 минг м.кубгача;
- катта музейлар-майдони 300 дан 80 минг м.кубгача.

Кургазма заллари. Кургазма биналари ва комплексларининг асосий мақсади ахолининг турли меҳнат фаолиятлари халқ хужалиги, фан-техникаси ва маданиятидаги эришган ютуқларини намоёиш этиш ва тарғиб қилишдир.

Кургазмалар универсал холда ва бирор мавзу асосида, саноат ва савдо-сотик, кишлок хужалиги буйича маданиятининг алохида жавхалари: маориф, соғликни сақлаш, мебелсозлик, дизайн буйича ташкил этилиши мумкин.

Кургазмалар қатнашчиларининг таркибига кура куйидаги турларга булинади: халқаро, умумжаҳон, республика, улка, вилоят ва махаллий, шаҳар миқесидаги кургазмалардир.

Кургазма биносини лойихалаш принциплари. Кургазма павилионларининг структураси музей биносидаги сингари хоналардан ташкил топади, яъни томошабинларга хизмат қилувчи хоналар, кургазма куйиладиган заллар (хоналар), маъмурий хоналардан иборат.

Вестибюл гуруҳига: гардероб, (баъзи холларда экскурсия бюроси), ахборот маркази, хожатхоналар, дам олиш жойлари, буфетлар киради.

Маданий-оқартув ишлари учун хизмат қилувчи хоналарга кино ва маъруза зали, куп холларда алоҳида блокда мустақил кириб-чиқиш имконияти яратилиб лойихаланади.

Маъмурий хоналарга-қабулхона(директор хонаси, хамма билан ишловчи сектор, экскурсия раҳбарлари ва жамоат ташкилотлари хоналари) йиғиқ холда лойихаланади. Ердამчи хоналарда ишлаб чиқариш устахоналари, суратхона, техник хизмат курсатиш пункти ва хизматчи ходимлар хоналари киради.

Павилионнинг фазовий тузилиши, Кургазма бинолари композиция жихатидан икки турга булинади: марказлашган(қисмларга ажратилган) ва тарқоқ холдаги. Марказлашган композицияда-бир бутун фазовий структурага эга булиб, бинони функционал жихатдан эркин холда режалаштиришга, экспонатларни яхлит холда идрок қилиш имкониятини беради. Тарқоқ холдаги композиция айрим-айрим функционал блоклардан ташкил топади. Бу композиция кургазмани бир қанча мавзулар буйича булимларга ажратилган холда ташкил этишга ердამ беради.

МАЪРУЗА-16

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

РЕЖА:

1. Спорт иншоотларининг тарихи ва ўнинг шаҳарсозликда тутган урни
2. Стадионлар ва спорт павилионлари
3. Спорт иншоотларининг тармоклари
4. Очик ва ёпик турдаги спорт комплекслари
5. Сув хавзалари, уларни режалаштириш

Спорт иншоотларининг қурилиши эра миздан анча олдин бошланган. Қадимги Греция ва қадимги Римдаги сақланиб қолган иншоотларнинг ниҳоятда катталиги ва қурилиш конструкцияларининг бекиёслиги шундан далолат беради. VI-асрга келиб Рим салтанати тугагач спорт иншоотларининг қурилишлари ҳам тугади. Антик маданият урнига христианлик келди ва инсоннинг гормонал ривожланишини таъкиқлаб қуйди. Факат X-асрга келиб баъзи спорт майдончалари қурилади бошлади. XVI-асрда эса бу спорт майдончалари майдонларга куча бошлади. Аввал қиличбозлик, туп уйинлари ва бошқалар. 1896 йилда Олимпия уйинларининг қайтадан тикланиши муносабати билан Афинадаги стадион таъмирланиб уйин утказиш ҳолатига келтирилди. Биринчи футбол уйинлари утказишга мулжалланган стадион Англиядаги Олимпия стадиони бўлиб 1908 йилда қурилган эди. Ундан сунг 1912 йил IV- Олимпия уйинлари утказиш учун Стокгольмда стадион қурилган эди. 1903 йилда АКШ да биринчи стадион қурилган бўлса, 1926 йилга келиб 5 та ошди. 1929 йилда уларнинг сони 5 мартага ошиб кетди.

Ҳозиргача 26 мартадан ортиқ Олимпия уйинлари утказилган бўлса, ҳар доим янги спорт иншоотлари қулаб қурилмоқда. Бу эса уз навбатида спорт иншоотларининг қандай қурилишига қараб, уша давлатнинг маданият-техник савиясининг қай даражада ривожланганини аниқлаш мумкин.

Аваллари барча спорт турлари факат очик майдонларда утказилган бўлса, ҳозирга келиб қулаб ёпик ҳолдаги спорт иншоотлари қурилади бошланди.

Спорт иншоотлари спортнинг утказиладиган турига қараб классификацияларга бўлинади. Уларнинг тармоклари ҳам шаҳарнинг қурқи ҳисобланиб, шаҳар ёки қишлоқ аҳолисининг сонидан келиб чиққан ҳолда қурилади.

Стадионлар спорт комплексларининг асосий иншооти бўлиб, яъни томошабинлар учун мулжалланган трибунали асосий спорт аренаси. Улар шаҳар ва қишлоқда энг қулай жойлашгани билан, ҳам турли-туман спорт тадбирлари утказиши билан ҳам характерлидир. Улар қуйидаги турларга қараб бўлинади: спорт заллари ва корпуслар, теннис кортлари, манежлар, ёпик бассейнлар, ёпик катоклар, спорт саройлари ва стадионлар.

Замонавий стадионларнинг спорт аренаси босқичма-босқич шаклланиши жараенида антик тузилишига нисбатан таркиби ва улчамлари жиҳатидан юқори даражада такомиллашди. Бундай стадионлар стандарт улчамли, радиуси 36 м. бўлган ва 400 м. масофага югуруш йулқаси билан уралган футбол майдонидан (104x69 м) ҳамда энгил атлетика учун мулжалланган секторлардан ташкил топган.

Стадионда томошабинлар сифимиға қура трибуналар спорт аренасининг бир яки икки томонида жойлашади. Улар тақасимон, овал, эллипсимон яки бошқа епик халқасимон шаклда бўлиши мумкин.

Улчамларига қура стадионлар қуйидаги тоифа (категория)ларга бўлиниши мумкин:

- трибунаси 1500-3000 ўринлиқли қишлоқ стадионлар;
- трибунаси 2000-10000 ўринлиқли, майдони қаида 5-6 га бўлган уртача стадионлар;
- трибунаси 10000-50000 ўринлиқли, майдони қаида 10-15 га бўлган катта стадионлар;

-трибунаси 50000дан куп ўринлиқли майдони камида 20-25га булган олимпик типигади стадионлар.

Тахминий спорт иншоотлари тизими тавсия этиладиган кичик,урта ва катта стадионлар (ҚМҚ 208.02.06-ШНК 208.02.07) лойихалаш меъерларида келтирилган.

Стадион бош режасини лойихалашда куп минглик томошабинларни эвакуация қилиш вақтида турли оқимларни кесиб утмайдиган холда шаҳар қурилишини ва йулларни ҳисобга олиш зарур булади.

Бош режада стадион уч асосий қисмга булинади:демонстрацион,ўқув машғулот ва хизмат курсатиш қисмлари.

Куйида текис ва умумий майдони 9 га,трибунаси 15000 ўринлиқли стадионнинг тахминий баланси келтирилган:

-стадионнинг умумий майдонидан	100%
-очиқ спорт иншоотлари,майдончалар ва майдон	34%
-катта улчамли спорт иншоотлари	12%
-хизмат курсатиш иншоотлари	1%
-ички йулакчалар ва тарқатувчи майдончалар	14%
-кукаламзорлар	39%

Амалдаги стадионларни лойихалаш меъерлари(ҚМҚ 207.01.94.ҚМҚ 2.08.2006)да белгиланган.

Спорт павилионлари очиқ спорт майдончаларини ва стадион иншоотлари,очиқ сув хавзалари,яхтаклублар,эшкак эшиш станциялари,мерганлик стендлари,шунингдек турли спорт уйинлари учун майдончалар(валејбол,баскетбол,теннис ва бошқаларни) уз ичига олиб,йил давомида хизмат курсатиш учун мулжалланади.

Кичик яки уртача катталиқдаги стадионда барча очиқ спорт майдони ва майдончаларга хизмат курсатишни кулайлаштириш мақсадида спорт павилионининг марказда жойлашиши мақсадга мувофиқдир.

Кичик спорт павилионлари учун куйидаги хоналар тизими назарда тутилади:вестибюл(гардероби билан),сақлаш хонаси,буфет,санитария гигиена хоналари,спорт анжомлари хонаси;спорт зали,ердамчи ва хизмат курсатувчи хоналари билан,хусусан эркаклар ва айеллар кийим алмаштириш хонаси,душ ва хожатхоналари билан,массаж,тиббий хонаси,курсатмалар бериш,анжомлар,радиоузел,иситиш ва шамоллатиш хонаси ва бошқалар.

Хар хил турли катта спорт павилионлари ҳам мавжуд булиб,уларнинг хоналар тизимига бир нечта спорт заллари,сузиш сув бассейнлари,сувга сакраш мосламалари ва бошқалар киради.Бундай павилионларда спорт турлари буйича ўқув -машқлар сифати яхшиланади ва бино ҳамда стадион худудидан янада унумлироқ фойдаланиш имконияти яратилади.

Универсал спорт заллари спортнинг тараққий этиши натижасида ва йил давомида спорт турлари(гимнастика,енгилваоғир атлетика,бокс,спорт уйинлари,велопойгалар,хоккей,конькида фигурали учиш ва бошқалар.

Епиқ спорт сув бассейнларида жойлашадиган асосий хоналар гуруҳи:

-спортчилар ва томошабинлар учун кириш хоналари(улар умумий яки алоҳида булиши мумкин) вестибюл,гардероблар,хожатхоналар;

-сузиш учун мулжалланган ховузли зал;

-спортчиларга хизмат курсатиш хоналари-«қуриқ сузиш»машғулотларини утказиш

зали,кийим алмаштириш,душ,хожатхона ва массаж хоналари,тиббий хона,анжомлар ва х.

-томошабинларга хизмат курсатиш хоналари-

кулуарлар,буфетлар,киосклар,хожатхоналар;

-маъмурий-хужалик хоналари-директор хонаси,хужалик булимии,ўқув булимии,руйхат булими,кассалар ва бошқалар;

-ердамчи қушимча хоналар-лаборатория,дезинфекция хоналари,устахона ва бошқалар.

Спортчиларнинг бассейнли залгача ҳаракатланиш кетма-кетлиги: вестибюл ва гардероб,руйхат булимии,кийим алмаштириш,уқув-машғулот зали,залга кираберишдаги душ мосламалари ва бассейнли зал.Залдан чиқиш кетма-кетлиги тескари тартибда амалга оширилади.

Шаҳар қурилиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда бассейнларнинг мақсадли белгиланиши,сиғими ва бошқаларга қараб қишки ховузли бинолар шаҳарнинг алоҳида қисмида,стадион ҳудудида,комплекснинг бошқа биноларида,шаҳар яки туман орамгоҳида жойлашиши мумкин.

Одатдаги бассейнли бинолар ховузнинг улчамларига боғлиқ равишда туғри турт бурчак шаклида бўлади.

Мамлакатимиздаги спорт сув бассейнларини лойихалаш ва қўриш амалиетида уқув-машғулот ишлари ва мусабакалар утказиладиган турдаги сув бассейнлари кенг тарқалган.

Катта универсал 50x20 м. ховузли,сакраш қурилмаси ва трамплини ҳамда 1000 уринли,трибунаси булган бассейннинг иқтисодий курсаткишлари куйидагича:қайта қуриш майдони тахминан 3000 м.кв. бино ҳажми 40000 м.куб. атрофида,кичик сув хавзасининг ховузи билан қурилиш майдони-25x12м. ва тахминан 1000 м.кв,бино ҳажми эса 15000 м.куб атрофида.

Бассейн залида жойлашган сузиш,сув уйинлари учун мулжалланган бассейн ва томошабинлар учун трибуналар бино асосий композициясининг ядроси ҳисобланади.Зални лойихалашда сув спорт қоидаларига асосан турли технологик талаблар қуйилади.

Қурилиш ва лойихалаш амалиетида қулланилаётган бассейнларнинг асосий улчам қийматлари куйидаги жадвалда курсатилган.

МАЪРУЗА-17

САВДО, МАИШИЙ ХИЗМАТ КУРСАТИШ БИНОЛАРИ ВА ИНШОТЛАРИ

РЕЖА:

1. Савдо-сотик муассасаларининг шаҳар структурасида жойлаштириш
2. Савдо марказлари ва епиқ бозорларнинг шаклланиши
3. Умумий овқатланиш муассасаларининг архитектуравий ечимлари
4. Маъмурий ва маиший хизмат курсатиш бинолари

Ушбу булимда савдо-сотик ва маиший хизмат курсатиш бинолари тугрисида суз юритиларкан бу ерда шуни айтиш лозимки, шаҳар структурасида бундан катта хизмат курсатиш сфераси булмаса керак, чунки инсон хаёт турмуш жабхаларининг хамма соҳаси ушбу хизмат билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун хам бу нарсанинг бошка турдаги хизматлардан фарқи, унинг иложи борича инсон яшаш жойига яқинлаштириш, кундалик харид даражасини ошириш хамда уни йириқлаштириб бошка турдаги хизмат курсатувчи савдо-сотик комплекслари яратишдир.

Ижтимоий-иқтисодий жараён мамлакат ривожланишида муҳим роль уйнаб, савдо-сотик ва маиший хизмат курсатишни тубдан узгартириб юборади. Илмий-техника жараёни эса савдо-сотик сферасига ва маиший-хизмат курсатишга, хамда умумий овқатланиш сферасига хам таъсир курсатиб уларнинг технологик жараёнини яхшилашга, замонавий даражадаги техник имкониятлардан фойдаланишни такозо этади.

Район, шаҳар савдо-маиший хизмат марказларининг иш фаолиятининг яхшиланиши эса, уз навбатида ушбу сферада биноларнинг архитектурасига бевосита таъсир курсатади.

Замонавий савдо-сотик ва маиший хизмат курсатиш бинолари, хамда марказлари асосан йирик турдаги комплекслардан ва махсус муассасалардан иборат булиб, узаро ёки якка холдаги: савдо-сотик, умумий овқатланиш ва маиший хизмат курсатиш муассасаридир. Булар хам уз навбатида туркумларга булинади. Асосийси савдо-сотик бинолари ичида дуконлардир.

Замонавий дуконларнинг архитектуравий ечими хам «универсам» ларниқидан фарқ қилади. Хозирга келиб «универсам», «универмаг» лар урнини чет элларда машхур булган йирик дуконлар, «маркет» лар эгалламоқда. Савдо марказлари ва уларнинг архитектураси хам замонавийлашиб бормоқда. Айниқса хозирги вақтга келиб йирик савдо марказларининг таркиби жуда тез узгариб ва хусусийлаштириб бормоқда, бу эса уз навбатида архитектуравий режалаштириш ечимини ниҳоят даражада мукамал урганиб, сунгра лойihalашни такозо қилади.

Замонавий шароитларда аҳолига маиший хизмат курсатиш ва умумий овқатланиш савдо корхоналари, шунингдек алоҳида яки қушимча қурилган объектлар билан бир каторда барча хизматлар бир жойга мужассамлаштирилган бинолар комплекси-савдо марказлари катта роль уйнамоқда.

Бошка савдо ва хизмат курсатувчи корхоналарга нисбатан савдо марказлари қатор афзалликларга эга булиб, бунда транспорт ва кесиб утиш муаммолари хал этилади, харидорларга аҳамиятли қулайликлар яратилади. Конструкцияларни унификациялаш ва бир режавий системани қуллаш асосида қурилиш муддатлари қисқаради. Бу мураккаб ва хилма-хил бинолар мажмуасини лойihalашда кенг композицион имкониятлар очилади.

Савдо марказларини ташкил этиш шаҳарнинг таркибий режалаштирилган улчамларига ва аҳолининг сонига боғлиқ. Шу сабабли хизмат курсатиш тармоғи, зоналар, худудлар ва айни вақтда хизмат курсатишнинг тури хамда характери буйича табақаланади.

Сўнги вақтларда хизмат курсатиш тармоғининг «пағонали» принципи кенг тарқалмоқда.

-1-поғона-1,5-2 минг яшовчиси булган тураржой бинолари гуруҳларига корхоналар томонидан биринчи навбатда зарурий булган махсулотлар билан хизмат курсатиш. Бундай

кичик корхоналар мажмуаси 150 м хизмат курсатиш радиусига эга булиб,бирламчи хизмат курсатиш пункти деб аталади. Улар алохида яки бирор бино ичида кушимча курилади;

-2-поғона-5-8 минг кишилик микрорайонда 400 м хизмат курсатиш радиусида булган,кооперацияланган савдо маркази биноси ва унда мужассамланган хужалик блоки;

-3-поғона-30-50 минг ахолиси булган тураржой худудида хизмат курсатувчи корхоналар мажмуаси –туман савдо маркази.Хизмат курсатиш радиуси 750-1000 м атрофида;

-4-поғона- шаҳарнинг катта туманига яки шаҳарга хизмат курсатувчи-шаҳар аҳамиятидаги савдо маркази.

Шундай қилиб,савдо марказлари сиғими ва белгиланиш мақсадига кура асосий-шаҳарнинг катта тураржой массивига яки шаҳарга хизмат курсатувчи ва иккинчи даражали-турар жой яки микрорайонларнинг савдо марказлари турларига булинади.

Савдо марказларини ташкил этиш нафакат шаҳар системасида уларнинг жойлашишига,балки,хизмат курсатиш характер ива сотиладиган махсулотлар турига боғлиқ булиб,улар даврий кулланиладиган икки асосий гуруҳга булинади.Биринчи гуруҳ-улар биринчи навбатда зарур булган махсулотлар.Иккинчи гуруҳ-булар асосан кенг истеъмол моллари булиб,хар бир ойлада зарур булгани холда доим сотиб олинмайди.

Шаҳар савдо марказларига куйидагилар хизмат курсатади.Корхоналар махсулаштирилган тамаддиҳоналари ва кафелпри орқали,иайиший хизмат корхоналари,ательелар,йирик алоқа булимлари,жамғарма банклар,сартарошхоналар,гузаллик салонлари ва бошқалар.

Баъзан савдо марказлари тизимига конкрет шароитларга кура епиқ бозорлар,гаражлар ва мехмонхоналар ҳам киради.

Маиший хизмат курсатувчи корхоналар икки гуруҳга булинади:

-биринчи гуруҳга ахолининг тез-тез ташриф буюрувчи корхоналари,масалан,ательелар,пойафзал ва таъмирлаш устахоналари,кийим-кечак,трикотаж,теригалантерия ва химиевий тозалаш шахобчалари киради.Бу гуруҳда,шунингдек,сарторашхоналар ва кир ювиш қабул шахобчалари ҳам мавжуд;

-иккинчи гуруҳга ахолии даврий равишда ташриф буюрувчи корхоналар,яъни электр жихозларини,радио-телевизор,музыка асбоблари,мебелларни таъмирлаш буйича ихтисослашган йирик устахоналар,сарторашхоналар,уй-жойларни таъмирлаш асосида иш олиб боровчи қабул шахобчалари ва маиший хизмат комбинатлари киради.

Савдо марказларининг хажмий-режавий ва конструктив ечимлари ҳам хилма-хилдир.

Масалан: 1. Бино савдо маркази булганда;

2.Савдо маркази икки қаторли булиб,қаторлар орасида пиедалар учун йўлка ташкил этилган холда;

3.Епиқ савдо марказлари биноси,унда пиедалар харакати теварагида жойлашган булганда.

Корхоналарни жойлаштиришда уларнинг мақсадли белгиланиши ва технологик хусусиятлари инобатга олинади.Масалан тез-тез ташриф буюриладиган озик-овқат дукони,почта,дорихона ва бошқаларни бинонинг биринши каватида,майдон яки кучаларга яқин ерда жойлаштирилади.

Шаҳарлар катталашган сари ,ахолининг озик-овқат махсулотларига булган талаби ҳам ошиб боради.Катта сиғимли(500 савдо уринли ва ундан ортиқ) епиқ бозорлар шаҳар марказида жойлашган булиб,урта ва кичик сиғимли(савдо уринлари 500 тагача) бозорлар эса туман аҳамиятига эга епиқ бозорлар хисобланади.

Епиқ бозорлар хажмий-режавий тузилишига кура бир залли(кичик сиғимли),павилион туридаги,икки-уч залли(уртача ва катта сиғимли)павилион куринишидаги(турли сиғимли) бозор турларига булинади.

Епиқ бозорлар узинингхажмий-фазовий композициялари,умумий абсалют улчамлари,шунингдек,алохида қисмларининг улчам ва пропорциялари билан бошқа маъмурий-маиший мақсадлардаги бинолардан сезиларли даражада ажралиб туради.

Катта шаҳарларда хизмат курсатиш радиуси уртача 1-1,5 км. кичик шаҳарларда эса 1,5-2 км. дан ошмаслиги керак.

Бир объект учун ер майдонининг хажми 1,5 га., шаҳар туманларида эса бозор қурилиши учун 0,5 га. ер майдони мулжалланади.

Умумий овқатланиш муассасалари халқ хужалигининг энг йирик соҳаларидан бири бўлиб, савдо-сотиқ ва хизмат курсатишда алоҳида аҳамиятга эга.

Умумий овқатланиш муассасаларини оммага татбиқ қилиш ва тежамкорлик билан фодаланиш купинча аҳоли яшаш жойларининг хусусиятларидан, турар жойларнинг қурилишидан, уларни режалаштириш таркибидан, яшаш жойларининг сонидан, хизмат курсатиш контингентидан, ҳамда муассаса типларини жойлаштиришдан, унинг хажмидан, хизмат курсатиш услубидан, санитария-гигиена ва иқтисодий омиллардан ташкил топади.

Аҳолии яшаш ҳудудларида умумий овқатланиш муассасалари тармоғи **епиқ ва очиқ** турга бўлинади. Епиқ турдаги тармоққа саноат муассасалари қошидаги, мактаб ешигача бўлган болалар, уқув юртлари, санатория-соғламлаштириш ва шифохона муассасалари киради.

Епиқ турдаги тармоққа аҳолии яшаш жойларидаги умумшаҳар қурилиш ҳудудларидаги, меҳмонхоналаридаги, савдо-сотиқ жамоат марказларидаги ҳамда барча йуллардаги умумий овқатланиш муассасалари киради.

Шаҳардаги умумий овқатланиш муассаси турларига ресторанлар, ихтисослашган, яримтайер махсулотлар, кулинария ва кодитер махсулотларидан иборат кафе-барлар, умумий тарздаг газакхоналар, махсуслаштирилган мажмуалар киради. Бу муассасалар шаҳар аҳамиятига эга бўлган магистрал кучаларида, транспорт тўкташ бекатларида, шаҳар савдо-сотиқ мажмуа марказларида ҳамда шаҳар риваж унинг атрофидаги маданий дам олиш масканларида ҳамда бошқа жойларда бўлиши мумкин. Шаҳар ҳудудидаги умумий овқатланиш муассасаларидан энг қўнғинли тури-ошхона, чойхоналар бўлиб, асосан, буларни аҳолини диққатини тортувчи гавжум жойларда, бозорларда, кучаларда, ишхонага яқин ва уқувчиларнинг уқиш жойларида бўлгани маъқул ҳисобланади.

Кафеларни ҳам шаҳар магистрал кучаларида, дам олиш жойларида, меҳмонхона, вокзал, стадион, бозор ва жамоат жойларида қурилгани мақсадга мувофиқдир.

Қўлган турдаги махсус овқатланиш муассасалари хизмат курсатиш имконияти бўлган жойларда бўлиши лозим.

Юртимизда умумий овқатланиш муассасаларини лойиҳалаш ва қурилишини асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин: махсулотларни тайерлаб берувчи ва тайерлаб етказиб берувчи.

Тайерлаб берувчи муассасалар-дастлабки хомашедан тайер махсулот ва ярим фабрикат тайерлаб, етказиб берувчи ташкилотларга хизмат қилади.

Тайерлаб етказиб берувчи муассасаларнинг вазифаси-тайерловчилардан ярим фабрикатлар олиб, охиригача тайерлаб бериш ва уларни тақсимлаш.

Умумий овқатланиш муассасаларининг махсус ихтисослашганлигига қараб, умумий турга, ихтисослашган турга ва мажмуаларга ажратиш мумкин. Умумий турдаги муассасалар-ошхоналар, чойхоналар, ресторанлар, куплаб асстиментга эга бўлган кафелар ката дойрадаги куплаб хурандаларга хизмат қилади.

Ихтисослашган турларга гесторанлар, кафе ва газакхоналар киритилган бўлиб, булар асосан бир турдаги махсулот чиқарувчилардир.

Маъмурий ва коммунал хужалик бинолари тугрисида суз борар экан аввало Ушбу турдаги муассаса ва ташкилотлар учун, уларнинг қай даражада катта ва кичиклигига қараб алоҳида олинган бинолар қурилади.

Булар турли-туман бўлиб, вазирликлар, кишлок жойларидаги сельсовет (кишлоқ совети), трестлар, халқ суди, Давлат банклари, жамоат маъмурияти ва х.к. Чет элда эса буни «офис» деб айтилади. Қандайлигидан катъий назар, унинг вазифаси бино ичида максимал даражада хизмат килувчига шароит яратиб беришдан иборатдир.

Бошқарув идоралари,бинолари,муассасалари турига ва мақсади йуналишига кура таснифланади.Уларда бир яки бир нечта муассасалар,ташкilotлар жойлашган булиши мумкин.

Шахарни ташкил этувчи бинолар гурухи,одатда,умумшахар марказининг шаклланишида иштирок этади;уларнинг умумий сиғими вилоят шахарларидаги ходимларнинг умумий хисобда 55-60% га,республика пойтахтида эса 70% гача туғри келади.

Муассасаларнинг фаолияти характериға кура турли хоналар майдонларининг таркибий нисбати,бино хоналарининг мейерлаштириладиган катталиқ курсаткишлари узгаради.Ходимларнинг ишлашлари учун заллар ва хона майдонлари,шунингдек,қабулхонаси булган хоналар,муассасанинг бевосита функцияси амалға ошириладиган асосий хоналар бино сиғими ва хар ходим учун нисбий майдон курсаткичи йиғиндисидан аниқланади.

Мехмонхоналар хам узининг салобатлилиги билан шахарсозликда эътиборға сазовор булган бинолардан хисобланади.Бу типдаги бинолар асосан, одамларнинг киска муддатда яшашиға мулжалланган булиб,барча турдаги маданий ва маиший хизмат курсатиш даражасининг мукаммалиги билан ажралиб туради.

Мехмонхоналар шахарда,кишлоқ жойларида,ишчилар яшайдиган пунктларда курилиши мумкин. Унинг кай даражада хизмат курсатишиға караб оддий турдаги,юкори даражадаги (« 5 юлдузли ») , 1,2,3,4 даражадаги мехмонхоналар булади.

Мехмонхоналарнинг архитектуравий композицияси ва ечимлари турли-тумандир.улар белгиланган вазифасиға ва фойдаланиш характериға кура куйидаги типларға булинади: умумий типдаги,оромгох,сайехлик,спортчилар учун,вахтинча тухтаб утадиган йуловчилар учун,автотуристлар учун мотеллар ва бошқалар.Буларнинг барчаси узига хос хусусиятларға эға булиб,лойихалашда уларни хисобға олиш зарур.

Мехмонхона биносининг хажмий-фазовий композицияси унга тегишли иккита асосий хажмий элементлар мутаносиблигидан келиб чиқади: тураржой ва жамоат тураржой хоналаридан иборат булган яшаш қисми турли қаватликка ва катта булмаган курилиш майдонига эға булади. (ШНК 208.02.07 нинг «Мехмонхона» боби талабларига асосан)

МАЪРУЗА-18

ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИ .

Р Е Ж А :

1. Транспорт бино ва иншоотларининг шаҳарсозликда тутган урни
2. Уларни хажмий, композицион ва архитектуравий ечимлари
3. Автовокзаллар, темир йул вокзаллари ва аэропортлар
4. Йўловчилар учун жамоат транспорти бинолари ечимлари

Йўловчиларнинг хавфсизлигини сақлаш мақсадида одатда шаҳар ва қишлоқ жойларида транспортнинг интенсивлигини ҳисобга олган ҳолда ер устида ва ер остида йўловчиларнинг йўлни кесиб ўтиш жойлари ёки иншоотлари қурилади. Шаҳар шароитида йўлнинг ката-кичиклигига қараб бекатлар оралиғи 300 м.дан 500 м.гача қилиб белгиланган. Бу эса уз навбатида ката йўллардаги транспорт катновининг ва уларнинг бошқа воситалар билан боғлиқлигини ҳам ҳисобга олади. Ер ости ва ер усти ўтиш жойларининг ҳисобини одатда транспортнинг 1 соатда неча марта ўтишига қараб, йўловчининг сонига қараб ва ниҳоят кучанинг кенглигига қараб ҳисобланади.

Автомобилларнинг тухташ жойлари ва гаражлар ҳозирги вақтга қелиб жуда ката муаммо даражасига кутарилди десак муболага бўлмайди. Турли хилдаги жамоат бинолари, турар жойлар, касалхоналар, спорт комплекслари, мактаб ва олий ўқув юртлар ва бошқалар ва бошқа унлаб бинолар олдида автомобиллар учун тухташ ва туриш жойлари ажратиш ҳам аҳолии яшаш жойларида эса гаражлар қуриш шаҳарсозликда ўзига ҳос архитектуравий-лойihalаш ечимини топишдан иборат бўлмоғи керак. 300 уринлик жойлар эса йирик микрорайон, шаҳар жойларида.

Айниқса шаҳарлардаги жамоат, савдо-сотиқ марказлари биноси ва бошқа комплекслар олдидаги, вақтинча машиналарни сақлаш жойлари диққатга сазовордир. Лойihalаш жараёнида барча ҳисобга олинган автомобиллар сонидан 10-15% учун жой ажратилади.

Вокзаллар ҳам транспортнинг турига қараб классларга ажратилади: темир йул вокзали; денгиз вокзал ва павильонлари; аэровокзал ва павильонлари; шаҳар агентлиги ва аэровокзаллари.

Пиёдалар йўлкаси, кучадан ташқаридаги иншоотлар. Автомобиль бекатлари, гаражлар, вокзаллар.

Назорат саволлари

1. Шаҳарсозликда транспорт биноларини жойлаштириш
2. Транспорт бино архитектуравий ечимлари
3. Транспорт биноларининг турлари
4. Транспорт биноларининг конструктив ечимлари

Адабиётлар

1. Архитектурное проектирование общественных зданий и

- сооружений.М,Стройиздат 1985 г.
2. . «Жамоат бинолари типологияси» 2-кисм, Убайдуллаев Х.М,
Абдурахмонов Й.И. , Сейтмаматов М.Б. Тошкент, 2000 йил

МАЪРУЗА -19

ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА БИНОЛАРИ

РЕЖА :

1. Шифоланиш масканларининг шаҳарсозликда тутган урни
2. Шифоланиш масканларининг турлари.Касалхона ва поликлиникалар
3. Санатория,курорт, дам олиш ва сайехлик муассасаларининг архитектуравий ва композицион ечимлари

Касалхона ва поликлиникалар.Тиббиёт масканлар узининг келиб чиқиши буйича турли-туман булиб, куплаб номенклатурадаги биноларни ташкил килади. Тугурукхоналар, касалхона ва поликлиникалар, тез ёрдам станциялари, диспансерлар,диагностика марказлари , госпиталлар , аптекалар , санитария-эпидемиология станциялари ва улар қошидаги каалхоналар мавжуд.

Касалхоналарнинг типлари,шаҳарсозликда тутган урни,уларнинг катта-кичиклик хажми , технологик ечимлари,булинмалари ва гурухлар,композицион схемалар ҳамда мухандислик жихозлари.

Санатория ва дам олиш муассасалари ҳам тиббиёт масканларининг ажралмас қисми булиб,архитектуравий-режалаштириш жихатидан жуда хилма-хилдир ва анча мураккабдир.

Санатория ва профилакториялар , соғломлаштириш муассасалари , базалар,мотель,кемпинглар.Шаҳарсозликдаги урни ва гурухлар туплами композицияси.

Назорат саволлари

1. Жамоат биноларининг турларини тушунтириб беринг
2. Шифоланиш масканларининг таркибий қисми ва турлари
3. Шифоланиш масканларининг типологик ечимлари
4. Уларнинг конструктив ечимлари

Адабиётлар

1. Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений.М,Стройиздат 1985 г.
- 2.Нормал.планировочных элементов общественных зданий учреждение массового отдыха.Вупуск НП.65-80.Вуп.НП6.4-81.Санатории,профилактории

Тийкаргы эдебиятлар :

- К.В.Бабиевский. "Типология зданий" Ташкент "Укитувчи" 1986.
- Барш М.О.,Лисициан М.В.,Тургенев В.П.,Федорова Н.В.,Архитектурное проектирование жилых зданий М.,1984
- Бархин Б.Г. Методика архитектурного проектирование М.,1982
- Киселевич Л.Н.,Косаковский А.,Ржежина О.И. "Жилищное строительство в условиях жаркого климата за рубежом М.,1965
- Яркина З.Н.,Хачатурян К.К "Социальные основы архитектурного проектирования Москва Стройиздат 1990
- И.Е.Рожин и другие
- "Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений . Москва Стройиздат 1985

ФАН БУЙИЧА РУСЧА-УЗБЕКЧА ЛУГАТ.**I - БУЛИМ БУЙИЧА**

Подъезд – *кириш кисми.*
 Вертикал – *тикка.*
 Ориентация – *ориентация.*
 Эвакуация – *одамларни биринчи жойдан иккинчи жойга кучириши.*
 Инсоляция – *хоналарга куёш нуруни тугридан тугри тушиши.*
 Сквозняк – *елвизак шамоллатиши*
 Секция – *булим*
 Деталь – *булак*
 Антаблимент – *антаблимент*
 Оригинал – *антикий*
 Микрорайон – *мавзе*
 Жилой район – *турар жой ноҳияси*
 Пропорция – *нисбат*
 Шлюз – *шлюз*
 Раковина – *кул ювиш жихози.*
 Галерея – *очик йулак*
 Фрамуга – *туйнук*
 Угловой – *бурчакли*
 Рядовой – *каторли*
 Блок – *булак.*
 Состав – *таркиби.*
 Корпус – *бинони яхлит куруниши*
 Гардероб – *кийим саклайдиган жой.*
 Подвал – *ер тула*
 Инвентарь – *инвентар (керакли аслахалар)*
 Слесар – *слесар, чилангар*
 Регистратура – *руйхатга олиш хонаси*
 Коридор – *йулак, дахлиз*

II – БУЛИМ БУЙИЧА

Среда – *мухит*
 Комплекс – *мажмуа*
 Зодчий – *меъмор*
 Сеть – *тармок*
 Соразмерность – *мутосиблик*
 Массовая физкультура – *оммавий жисмоний тарбия.*
 «Золотое сечение» - *Олтин кирким. Математикада бунини A ни: B га қ $B : C$ қ ёки $A:VқB (A+B)$ ҳамда A ни B га $A+B$ га нисбатани каби пропорциядан иборат дейилади. Меъморчиликда эса тонларнинг нисбатига солиштирилган ҳолати тушунилади.*
 Боковые сцены (карманы сцен) – *ён сахналар деб тушуниши керак.*
 Трансформация – *хонани хоҳлаганча кенгайтириб ёки кичрайтириши*
 Симметрия – *икки томони бир хил*
 Ячейковая – *алохида хужайрали (алохида бир хонадан иборатлик маъносида).*
 Коридорная – *хоналар йулакни икки томонига жойлашган.*
 Бескоридорная – *хоналар дахлиз атрофига турт томондан жойлашган*
 Коридорно-кольцовая – *йулаклар ва ховли атрофига турт томондан хоналар жойлашган.*
 Анфиладная – *йулак буйлаб икки томонга эшиксиз ячейка (хужра) ларнинг жойлашиши.*
 Павильонная – *алохида-алохида ва шу билан бирга узаро йулак билан*

бирлаштирилган бино ёки хоналар.

Компактнуй – *ковушган, бир-бирига ёпиштириб бежирим килиб қурилган бино ёки хона*

Тамбур – *икки эшик уртасидаги жуда кичик хонача ёки жой*

Вестибюль – *бинога кириш қисми (баъзибир ҳолларда тамбурдан кейин жойлашади)*

Рекреация – *кенгайтирилган ёритилган йулак (мактабларда, укув масканларида қулаб ишлатилади).*

Клуар – *томоша залларида уша оркали кириш мумкин*

Фойе – *клуардан фаркли уларок, барча жамоат биноларида дам олишига мулжалланган бўлиши мумкин.*

Движухиеса тратуару – *харакатланувчи йулка*

Коммуникация – *биноларга нисбатан ишлатиладиган ибора булиб, зина, пандуслар эскалатлар, харакатланувчи йулка ва лифтларга айтилади.*

Типизация – *қулаб бир – бирига ухшаш биноларнинг қайтариб қурилиши.*

Модул стандартный – *талабга жавоб берадиган қабул қилинган улчовли кесма.*

Нормали – *бино конструкцияларининг ёки айрим жихозларнинг аниқ равишида қабул қилинган булаклари.*

Рама – *икки томонлама устуннинг сарров (балка) билан ёриктирилган ҳолати, моколит ёки куйма.*

Ферма – *бино ускунаси, асосан йирик ораликларни ёпишига ишлатилади.*

Балка – *темир, бетон ёки ёғочдан иборат булган тусин.*

Арка – *равокли қурилма.*

Купол – *гумбаз, каварик ёки дунг ҳолатда булади.*

Вусячие вантовуе покругия – *осма пулатсимондан қилинган ёпилма*

Пневматик ёпилмалар – *яъни ичига ҳаво тулдирилган ёпилма-қурилма.*

Линейная – *чизикли композицияни тушунилади*

Блочная – *алохида-алохида булган бино элементлари ёки бино бўлиши мумкин*

Периметриальная – *бутун майдон атрофи буйлаб қурилган.*

Амфитеатр – *томоша залларида, аудиторияларда тугри ёки ярим доира шаклида аста-секин қутарилиб боровчи жойлар.*

А С О С И Й А Д А Б И Ё Т Л А Р :

К.В.Бабиевский. "Типология зданий" Ташкент "Укитувчи" 1986.

Барщ М.О.,Лисициян М.В.,Тургенев В.П.,Федорова Н.В.,Архитектурное проектирование жилых зданий М.,1984

Бархин Б.Г. Методика архитектурного проектирование М.,1982

Киселевич Л.Н.,Косаковский А.,Ржехина О.И. "Жилищное строительство в условиях жаркого климата за рубежом М.,1965

Яркина З.Н.,Хачатурян К.К "Социальные основы архитектурного проектирования Москва Стройиздат 1990

И.Е.Рожин и другие

"Архитектурное проектирование общественных зданий и сооружений . Москва Стройиздат 1985

СНиП Жилые здания расмий нашр /узбекча-русча/Тошкент 1996й.